

**Мусулмон
фарзандлари
учун муҳим
иљмлар**

شركاء التنفيذ:



المحتوى الإسلامي رؤاد الترجمة جمعية الريوة دار الإسلام



يتاح طباعة هذا الإصدار ونشره بأي وسيلة مع
الالتزام بالإشارة إلى المصدر وعدم التغيير في النص.

📞 Telephone: +966114454900

✉️ ceo@rabwah.sa

✉️ P.O.BOX: 29465

📞 RIYADH: 11557

🌐 www.islamhouse.com

Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман

Муқаддима

Аллоҳнинг исми билан бошлайман, Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин.

Бу китоб, Аллоҳ таолонинг динидан мусулмон фарзандлари учун муҳим илмларни ўз ичига олгандир. Оталар ўз фарзандаларига ёшликларидан ўргатиб боришлари керакdir.

Бу китоб ёш болаларга ва динга янги кирганларга мос равища ақида, фиқҳ, сийрат, одоб-ахлоқ, тафсир, ҳадис ва зикрларни осон баён қилиб берган. Бу китобни муаллимлар боғчаларда ва ўқув жойларида қўллансалар ҳам бўлади. Мен бу китобни савол-жавоб тариқасида қилдим. Чунки бу услуб зеҳнни ўткирлашга, ёд олишни янада кучайтиришга жуда муносибdir. Ва тарбиячи уларнинг ёшига қараб, ўзига мос саволларни танлаб олаверади.

Аллоҳ таолодан бу китобни манфаатли қилишини ва ўз даргоҳида қабул қилишини сўрайман.

Бу китобнинг асли қуйидаги оятдан олингандир. Аллоҳ таоло айтадики:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا قُوْا أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيْكُمْ نَارًا وَقُودُهَا أُنَّاسٌ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَتِّيْكَةٌ
غِلَاظٌ شَدَادٌ لَا يَعْصُوْنَ اللَّهَ مَا أَمْرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمِرُوْنَ ﴾ [التحریم: 6]

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қиласлар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар». [Тахрим сураси: 6]

Ва Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхунинг қуидаги ҳадисларидан олинди. У киши айтадилар: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида кетаётган эдим, шунда у киши:

: «Эй бола, сенга бир нечта калималарни ўргатаман (насиҳат қиласман). Аллоҳнинг ҳақларига (Унинг буюрганларини қилиб, қайтаргандаридан қайтиб) риоя қилсанг, У ҳам сени (дунё ва охиратдаги мусибатлардан) сақлайди. Аллоҳ(нинг ҳақлари)га риоя қилсанг, Уни рўпарангда (доимо сенга ёрдам берадиганини) кўрасан. (Бирон нарса) сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Ёрдам сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан ёрдам сўра. Шуни (аниқ) билгинки, агар бутун уммат (инсонлару жинлар атиги) бир нарсадагина сенга ёрдам бериш учун тўпланса, Аллоҳ сенинг фойдангга ёзиб қўйган нарсадагина ёрдам бера олади. Агар (барчалари) сенга (атиги) битта зарар етказиш учун тўпланишса, Аллоҳ сенинг зарарингга ёзиб қўйган нарсадагина зарар бера олишади. (Тақдирларни ёзган) қаламлар (ёзишдан) кўтарилиган (тўхтаган), (ёзилган) саҳифалар куриб бўлган (бошқа ёзилмайди)», – дедилар». Термизий ва Аҳмад ривояти

Фарзандларга таълим беришлик муҳим эканлиги ҳақида гаплашар эканмиз:

«Бир инсоннинг фарзанди тоза фитратида ва иймон йўлида Аллоҳни яккаловчи яхши комил инсон бўлиб етишиши учун фарзандига яхши таълим бериш вожибdir».

Имом Ибн Абу Зайд Ал-Қойруваний роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Намозга етти ёшида буюриш ва ўқимаса, ўн ёшида уриш ҳамда уларнинг тўшакларини бўлиб қўйиш буйруғи келди. Шундай экан, уларга Аллоҳ бандаларига нималарни фарз қилганини балоғатга етишларидан олдин ўргатиш керакдир. Улар балоғатга етганда бу маърифатлар уларнинг қалбларидан жой олган ва тана аъзолари бу амалларга одатланган бўлиши учун ҳам ўргатиш вожибdir». Абу Зайд Ал-Қойруваний муқаддимаси (5-саҳифа)

Ақида қисми

1-савол: Роббинг ким?

Жавоб: Роббим Аллоҳ, у зот мени ва бутун оламларни ўз неъмати билан яратиб тарбия қилгандир.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қутидаги сўзири:

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ [الفاتحة: 2]

«Барча мақтov, шукрлар оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга бўлсин» [Фотиҳа сураси: 2]

2-савол: Дининг нима?

Жавоб: Диним Ислом, яъни Аллоҳ таолога тавҳид билан таслим бўлиш, итоат или эргашиш, ширк ва унинг аҳлидан тозаланишлик.

Аллоҳ таоло айтади

﴿إِنَّ الَّذِينَ عِنْدَ اللَّهِ أَلْيَاكِمُ ﴾ [آل عمران: 19]

«Албатта, Аллоҳнинг хузуридаги дин Исломдир....» [Оли-Имрон сураси: 19]

3-савол: Пайғамбаринг ким?

Жавоб: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Аллоҳ таоло айтади

﴿مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ ﴾ [الفتح: 29]

« Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбари дир... » [Фатҳ сураси : 29]

4-савол: Тавҳид калимаси қайси калима? Ва унинг маъноси нима?

Жавоб: Тавҳид калимаси «Лаа илааха илла Аллоҳ» ва унинг маъноси: Аллоҳдан бошқа сиғинишга лойиқ зот йўқдир.

Аллоҳ таоло айтади:

فَاعْلَمْ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ﴿١٩﴾ [محمد: 19]

«Бас, билгин: Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир...» [Мұхаммад сураси: 19]

5-савол: Аллоҳ таоло қаерда?

Аллоҳ осмонда аршнинг устида, жамийки махлуқотларнинг устидадир. Аллоҳ таоло айтади

الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ أَسْتَوَى ﴿٥﴾ [ط: 5]

«(У зот Ўз Зоти ва Улуғлигига муносиб равишда) Арш узра олий бўлган Раҳмондир». [Тоҳа сураси: 5]

وَهُوَ الْقَاهِرُ فَوْقَ عِنَادِيٍّ وَهُوَ الْحَكِيمُ الْجَبِيرُ ﴿١٨﴾ [الأنعام: 18]

«У бандалари устидан ғолибдур. У ҳикмат эгаси ва ҳар бир нарсадан хабардордир». [Анъом сураси: 18]

6-савол: «Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг элчиси», - деб гувоҳлик беришнинг маъноси нима?

Жавоб: Аллоҳ у зотни бутун оламларга ҳушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юборди.

2: Буюрган нарсаларида итоат қилишилик.

2: Айтган хабарларини тасдиқлаш.

3: У кишига осийлик қилмаслик

4: Аллоҳ таолога у киши йўл кўрсатгандай ибодат қилиш.
Бу Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш ва бидъатлардан четланишdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ يُطِعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ ﴾ [النساء: 80]

«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди...» [Нисо сураси: 80].

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾ [النجم: 3-4]

«Ва у ўз ҳавойи-ҳоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) ваҳийдан ўзга нарса эмас». [Нажм сураси: 3-4]

﴿يَأَيُّهَا الَّذِي أَتَقِ الْلَّهَ وَلَا تُطِعِ الْكُفَّارِينَ وَالْمُنَافِقِينَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْهَا حَكِيمًا﴾

[الأحزاب: 1]

«Батахқиқ, сизлар учун-Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўrnак бор». [Ахзоб сураси: 21]

7-савол: Аллоҳ таоло бизни нима учун яратди?

Жавоб: Бизни ўзигагина ибодат қилишимиз учун ва у зотга ҳеч кимни шерик қилмаслигимиз учун яратди.

Бекорчилик ва ўйин-кулгулар учун яратмади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّةَ وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾ [الذاريات: 56]

«Жинлар ва инсонларни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим». [Зарият сураси: 56]

8-савол: Ибодат бу нима?

У – Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва рози бўладиган ошкораю яширин сўзлар ва амалларни ўзида жамлаган исмдир

– Ошкора: Худди Аллоҳни тил билан зикр қилиб тасбих, ҳамд ва такбир айтиш, намоз ва ҳаж кабилардир

– Яширин: Худди Тавакқул, қўрқув ва умид кабилардир.

9-савол: Бизнинг устимиздаги энг катта вожиб нима?

Жавоб: Бизнинг устимиздаги энг катта вожиб, Аллоҳ таолони яккалашдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أُمِرْتُ إِلَّا لِيَعْبُدُوا أَللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الَّذِينَ حُنَفَاءٌ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقِيمَةِ﴾ [البيعة: 5]

«Холбуки, улар фақат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис қилган, Тўғри Йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу Тўғри (Йўлдаги миллатнинг) динидир. » [Ал-Байина : 5]

10-савол: Тавхиднинг нечта тури бор?

Жавоб:

1-Рубубият тавҳиди: Бу Аллоҳнинг ўзигина яратувчи, ризқлантирувчи, подшоҳ, бошқариб турувчи ва унинг бу нарсаларда шериги йўқ деб ишониб иймон келтиришдир.

2-Улуҳият тавҳиди: Бу Аллоҳни қилаётган ибодатида яккалаш, Аллоҳдан бошқага ибодат қилмаслиkdir.

3- Ислом-сифатлар тавҳиди: Бу эса, Китоб ва суннатта келган Аллоҳ таолонинг исм-сифатларига иймон келтириш. Аллоҳнинг исм-сифатларини бирор нарсага ўхшатмасдан, уни йўққа чиқормасдан, шунга бирор мисол келтирмасдан иймон келтиришдир

Аллоҳ таолони яккалашнинг уч хил турининг далили:

﴿وَأَذْكُرْ فِي الْكِتَبِ إِدْرِيسَ إِلَهًا وَكَانَ صِدِّيقًا نَّبِيًّا﴾ [مریم: 56]

«У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Бас, Унга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл. Унга тенгдошни билурмисан?». [Марям сураси: 65]

11-савол: Энг катта гуноҳ қайси гуноҳ?

Жавоб: Аллоҳ таолога шерик келтиришликдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَن يُشَرِّكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ وَمَن يُشَرِّكُ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَى إِلَيْهِمَا عَظِيمًا﴾ [نساء: 48]

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечиур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибдир». [Нисо сураси: 48]

12-савол: Ширк ва унинг турларини айтиб беринг!

Жавоб: Ширк бу – бирор хил ибодатни Аллоҳдан бошқага сарфлашдир.

Унинг турлари:

Катта ширк: Худди Аллоҳдан бошқага дуо қилиш ёки сажда қилиш ёки ундан бошқа учун бирор нарсани сўйиш кабилардир.

Кичик ширк: Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичиш ёки бирор манфаат олиб келиши ёки зарарни кетказиши

учун тумор илиб қўйиш, ёки қўркўона одамлар учун намозини чиройлик қилиб ўқиши каби ишлардир.

13-савол: Аллоҳдан бошқа бирорта ғайбни биладими?

Жавоб: Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмайди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿فَلَمَّا يَعْلَمُ مَنِ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَعْيَبَ إِلَّا اللَّهُ وَمَا يَشْعُرُونَ أَيَّانَ يُبَعَثُونَ﴾ [65]

[анъан: 65]

«Сиз: «Осмонлару ерда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ғайбни билмас», -деб айтинг. Улар қачон қайта тирилтирилишларини ҳам сезмаслар». [Намл сураси: 65]

14-савол: Иймон арконлари нечта?

Жавоб: 1: Аллоҳга

2: Фаришталарига

3: Китобларига

4: Пайғамбарларига

5: Қиёмат кунига

6: ва Қадарнинг яхшилиги ва ёмонлигига иймон келтириш.

Буларга далил ўлароқ саҳих Муслимда келган қўйидаги машхур ҳадис келади: «Жабройил (алайҳиссалом):

«Менга иймон нималиги ҳақида хабар бер», - дедилар. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иймон

Аллоҳга ва унинг фаришталарига, китобларига, элчиларига, охират кунига ва қазои қадарга ишонишингдир», – деб жавоб бердилар».

15 -савол: Иймоннинг рукнлари неча ва уларнинг таърифи қандай?

Жавоб: Иймоннинг биринчи рукни Аллоҳга иймон келтириш. Ва бу қисмда қўйидагиларга иймон келтиришимиз лозим:

1: Аллоҳ таолонинг яратишлиги, ризқ беришлиги, барча маҳлуқотларнинг эгаси ва уларнинг бошқарувчиси эканлигига иймон келтириш.

2: Аллоҳнинг ёлғиз ўзи ибодатга тотиқли зот эканлигига иймон келтириш.

3: Аллоҳ таоло энг буюк ва катта зот эканлигига, барча ҳамду сано унинг ўзигагина лойиқ эканлигига, Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва олий сифатлари борлигига, унга тенг келадиган ҳеч ким йўқлиги ҳамда унга ҳеч ким ўхшамаслигига иймон келтириш.

Иймоннинг иккинчи рукни: Фаришталарга иймон келтириш

У фаришталар Аллоҳнинг нурдан яратган мавжудотлари бўлиб, уларни фақатгина ўзига ибодат қилишлари ва буйруқларига батамом итоат қилишликлари учун яратгандир.

Фаришталарнинг энг улуғи бу пайғамбарларга ваҳийни нозил қилган Жабройил алайҳиссаломдир.

Учинчи руҳн: Китобларга иймон келтириш.

Китоблардан мурод шуки, улар Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарларга нозил қилинган самовий китоблар.

Масалан, Қуръони карим Расулимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга туширилган.

Инжил Исо алайҳиссаломга туширилган.

Таврот Мусо алайҳиссаломга туширилган.

Забур Довуд алайҳиссаломга туширилган.

Иброҳим ва Мусо саҳифалари эса ўша икки пайғамбарларга туширилган.

Тўртинчи руҳн: Пайғамбарларга иймон келтириш.

Пайғамбарлар Аллоҳ таоло томонидан инсонларга таълим берадиган, уларга яхши амаллар бажарувчи инсонларга хушхабар берадиган ва гуноҳ, маъсият эгаларига эса дўзах оловини эслатадиган қилиб юборилган кишилардир.

Уларнинг энг афзаллари сабот-матонат эгалариидир. Улар:

Нуҳ алайҳиссалом

Иброҳим алайҳиссалом,

Мусо алайҳиссалом,

Исо алайҳиссалом

ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Бешинчи руқн: Охират қунига иймон келтириш.

Охират қуни ўлимдан кейин қабрда бошланадиган сўнгра инсонлар ҳисоб-китоб бўлиб жаннат аҳли жаннатга, жаҳаннам аҳли эса жаҳаннамга жойлашадиган қиёмат қунидир.

Олтинчи руқн: Қадарнинг яхшилиги ва ёмонлигига иймон келтириш.

Қадар бу коинотдаги содир бўлган, бўлаётган ва бўлиши керак бўлган барча нарсалар Аллоҳнинг илми билан бўлиши, у нарсаларнинг содир бўлишлигини лавҳул маҳфузда ёзиб қўйганлиги ва барча нарса унинг хоҳиши билан бўлишлигини эътиқод қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدْرٍ﴾ [القمر: 49]

«Албатта, Биз ҳар нарсани ўлчов билан яратдик». [Қомар сураси : 49]

Қадарга иймон келтириш тўрт босқичдан иборатдир:

Биринчиси: Аллоҳ таоло тақдиримизда содир бўлган барча нарсаларни аввалдан ўзининг азалий илми билан билишлиги ва барча нарсаларни содир бўлишидан аввал ҳам, кейин ҳам билишлигини эътиқод қилишлик.

Бунинг далили:

﴿إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ وِعْدٌ لِّلْأَوَّلِينَ وَإِنَّمَا مَا فِي الْأَرْضِ هُنَّا مَآذِنٌ لِّلَّهِ وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ مَّا ذَرَتْ﴾

﴿تَكُسِّبُ غَدَّاً وَمَا تَدْرِي نَفْسٌ بِأَيِّ أَرْضٍ تَمُوتُ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَمِيرٌ﴾ [لقمان: 34]

«Албатта, соат (қиёмат) илми ёлғиз Аллоҳнинг хузуридадир. Ёмғирни У ёғдирур. Бачадонлардаги нарсани ҳам У билур. Ҳеч бир жон эртага нима касб қилишини билмас. Ҳеч бир жон қайси ерда ўлишини ҳам билмас. Албатта, Аллоҳ ўта билгувчи ва ўта хабардордир». [Луқмон сураси : 34]

Иккинчиси: Аллоҳ содир бўлган ва содир бўладиган барча воқеа ҳодисаларни Лавҳул-Маҳфузда битиб қўйган бўлиб, булатнинг барчаси унинг хузурида китобда эканлигини эътиқод қилишлик.

Бунинг далили:

* وَعِنْهُ مَقَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْأَرْضِ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٌ فِي ظُلْمَتِ الْأَرْضِ وَلَا رَطْبٌ وَلَا يَابِسٌ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٥﴾ [الأَنْعَامٌ : ٥]

[59]

«Ғайб очқичлари Унинг хузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг (шохидан узилиб) тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор хўлу қуруқ нарса, албатта, Очиқ Китобда (яъни, Лавҳул-Маҳфузда) мавжуддир» [Анъом сураси : 59]

Dördüncüsü: Bütün varlıkların Allah'ın yarattığı varlıklar olduğuna, onların nefislerini, sıfatlarını, hareketlerini ve içlerindeki her şeyi Allah'ın yarattığını inanmak.

Delili; Allah Teâlâ'nın şu sözüdür:

﴿لِمَنْ شَاءَ مِنْكُمْ أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ﴾ [التكوير: ٢٩]

[29-28]

«Сизларнинг орангиздаги Тўғри Йўлда бўлмоқни хоҳлаган кишилар учун (бир эслатмадир). Сизлар фақат бутун оламлар Роббиси бўлмиш Аллоҳ хоҳласагина (Тўғри Йўлда бўлишни) хоҳларсизлар». [Таквир сураси : 28,29]

Тўртинчиси: Коинотимизда мавжуд бўлган барча нарсаларни Аллоҳ яратганлигига, уларнинг зотларини ҳам, сифатлари ва ҳаракатларини ҳам Аллоҳ яратганлигини эътиқод қилишлик.

Бунинг далили:

﴿وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴾ [الصفات: ٩٦]

«Ҳолбуки, сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!». [Соффат сураси: 96]

16 -савол: Қуръоннинг таърифи қандай?

Жавоб: Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи(сўзи) бўлиб у маҳлук (яратилган) эмасдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنَّ أَحَدًا مِنَ الْمُشْرِكِينَ أَسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّىٰ يَسْمَعَ كَلَمَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَا مَنَّهُ وَذَلِكَ

﴿يَأَنَّهُمْ قَوْمٌ لَا يَعْمَلُونَ ﴾ [التوبه: ٦]

«(Эй Мұхаммад алайҳис-салоту вас-салом), агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сүрласа, бас, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг. Бу (хукм) уларнинг билмайдиган қавм бўлганлари учундир». [Тавба сураси : 6]

17 -савол: Суннат нима дегани?

Жавоб: Суннат пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари ёки қилган ишлари ёки қарорлари ёки хилқат ва хулқ атвортаги сифатлари.

18 -савол: Бидъатнинг маъноси нима? Уни қабул қилсак бўладими?

Жавоб: Пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларининг даврида бўлмаган, инсонлар ўзлари томонларидан динга қўшган ҳар бир амал бидъатdir.

Бидъатни қабул қилишилик жоиз эмас, балки, уни қайтаришимиз лозим.

Бунга далил пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари: «Ҳар бир бидъат залолатdir» Абу Довуд ривояти.

Мисол тариқасида таҳоратда таъна аъзоларини тўрт марта ювишлиқ ёки пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туғилган кунларини (мавлид) нишонлашлиқни келтира оламиз. Буларнинг бирортасини Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёки саҳобалар қилмаганлар.

19 -савол: Аллоҳ учун яхши кўришлик ва Аллоҳ учун ёмон кўришликнинг маъноси нима?

Жавоб: Аллоҳ учун яхши кўришлик мўъмин бандаларни яхши кўриб, уларга ёрдам беришлик.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أُولَئِكَ بَعْضٌ﴾ [التوبه: 71]

«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар». [Тавба сураси: 71]

Аллоҳ учун ёмон кўришлик: кофир бўлган кимсаларни ёмон кўриш ва уларга қарши туришdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَدْ كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِي إِبْرَاهِيمَ وَالَّذِينَ مَعَهُ وَإِذْ قَالُوا لِقَوْمِهِمْ إِنَّا بُرَءُوا مِنْكُمْ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ الْعَدُوُّ وَالْبَعْضُاءُ أَبَدًا حَتَّىٰ تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَحْدَهُ﴾ [المتحنة: 4]

«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, «ибодат» қилаётган бут-санамлар) ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча, сизлар билан бизнинг ўртамиизда мангу адovat ва ёмон кўриш зоҳирдир», - дедилар». [Мумтаҳана сураси: 4]

20 -савол: Аллоҳ таоло Ислом динидан бошқа динда қилинган амалларни қабул қиладими?

Жавоб: Аллоҳ таоло Ислом динидан бошқасида қилинган амалларни зинхор қабул қилмайди!

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَن يَبْتَغِ عَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَأَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَسِيرِينَ﴾ [آل عمران: 85]

[85]

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у Охиратда зиён кўргувчилардандир». [Оли-Имрон сураси : 85]

21 -савол: Куфр сўз, ёки амал, ёки эътиқод билан бўлади! Бунга қандай мисол келтирса бўлади?

Жавоб: Сўздаги куфрга Аллоҳ таолони ёки Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳақорат қилишиликни мисол тариқасида олиб келишимиз мумкин.

Амалдаги куфрга Қуръони каримни оёқ ости қилиш ёки Аллоҳдан ўзгасига сажда қилишилик мисол бўла олади.

Эътиқоддаги куфр эса, Аллоҳдан ўзгаси ибодатга тотиқли ёки у билан бошқа бирор бир яратувчи бор деб эътиқод қилишилик.

22 -савол: Нифоқ нима ва унинг қандай турлари бор?

Жавоб: Нифоқнинг маъноси зохирда мусулмончиликни кўрсатиб ичидаги эса куфрни сақлаб юрган иккита зуламичилиқдир. Бу каби инсонлар мунофиқлар дея аталади. Нифоқнинг икки тури мавжуд, улар:

1 -Катта нифоқ: устида исломни ичидаги эса куфрни сақлашлик.

Бу каби нифоқ инсонни диндан чиқаради.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الْمُنَفِّقِينَ فِي الدُّرُكِ الْأَسْعَلِ مِنَ الْكَارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا﴾ [النساء: 145]

Аллоҳ таоло айтади: «Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубан жойида бўлурлар. Ва улар учун бирон мададкор топа олмайсиз!». [Нисо сураси : 145]

2 -Кичик нифоқ:

Ёлғончилик, ваъдага вафо қилмаслик ва омонатга хиёнат қилишлик каби амаллар кичик нифоқ турларидандир.

Бу каби нифоқ кишини диндан чиқариб юбормайди балки ўз соҳибини (агар тавба қилмаса) азобга дучор қиласди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«Мунофиқнинг уч белгиси бордир: Агар гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, бажармайди, омонатга хиёнат қиласди!» Бухорий ва Муслим ривояти.

23 -савол: Пайғамбарларнинг энг охиргиси ким?

Жавоб: У Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир!

Аллоҳ таоло айтади:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولًا لِّلَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا ﴾ [الأحزاب: 40]

«Мұхаммад сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг расули ва пайғамбарларнинг сўнггисидир». [Ахзоб сураси : 40]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Мен пайғамбарларнинг энг охиргисиман ва мендан кейин бирор бир пайғамбар келмайди». Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти

24-савол: Мўъжиза нима?

Жавоб: У Аллоҳ таоло пайғамбарларига берган ҳар бир ноодатий нарсадир. Ва мўъжизалар пайғамбарлар содик эканликларига далолат қиласи.

- Пайғамбарамиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ойни иккига бўлишлари.
- Мусо алайҳиссалом денгизни иккига бўлишлари ва Фиръавн ва унинг қўшини унда чўкиб кетишлари.

25-савол: Саҳобалар кимлар? Ва мен уларни яхши кўраманми?

Жавоб: Саҳобий – Ҳар бир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан мўмин ҳолида учрашган ва исломда вафот этган кишидир.

– Биз уларни яхши кўрамиз ва уларга эргашамиз. Пайғамбарлардан кейинги инсонларнинг энг яхшиси дирлар.

Саҳобаларнинг энг афзаллари: Тўрт халифа:

Абу Бакр розияллоҳу анҳу

Умар розияллоҳу анҳу

Усмон розияллоҳу анҳу

Али розияллоҳу анҳу

26-савол: Мўминлар оналари кимлар?

Жавоб: Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари дирлар.

Аллоҳ таоло айтадики:

﴿الَّذِيْ أَوْيَ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ وَأَرْجُهُمْ أُمَّهَّتُهُمْ وَأَوْلُوا الْأَرْحَامَ بَعْضُهُمْ أَوْيَ بِعَيْنِ فِي كِتَابِ اللَّهِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُهَاجِرِينَ إِلَّا أَنْ تَفْعَلُوا إِلَيْ أُوْلَئِكُمْ مَعْرُوفًا كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ مَسْطُورًا ﴾ [الأحزاب : 6]

«Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналари дирлар» [Ахзоб сураси: 6].

27-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оилаларининг бизнинг устимизда қандай ҳақлари бор?

Жавоб: Биз уларни яхши кўрамиз, уларни ўзимизга дўст тутамиз, уларни ёмон кўрганларни ёмон кўрамиз ва ғулуга кетиб қолмаймиз. Оилалари – У кишининг аёллари, зурриётлари, Бани Ҳошим ва Бани Мутталибининг мўминларидир.

28-савол: Мусулмонларнинг волийларига нисбатан бизга вожиб қилинган нарсалар нима?

Бизнинг устимиздаги вожиблар: Уларни ҳурмат қилиш, маъсият бўлмаган ишларда қулоқ тутиш ва итоат қилиш, уларни тахтдан тушириш учун кўтарилиш қилмаслик, уларнинг ҳақларига дуо қилиш ва уларга насиҳат қилишdir.

29-савол: Мўминларнинг диёри қаерда?

Жавоб: Жаннатда, Аллоҳ таоло айтадики:

﴿إِنَّ اللَّهَ يُدْخِلُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ جَنَّتٍ تَجَرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ ﴾

[Мұхаммад сураси: 12].

«Албатта Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритур...» [Мұхаммад сураси: 12].

30-савол: Кофирларнинг диёри қаерда?

Жавоб- Дўзахда, Аллоҳ таоло айтадики:

﴿إِنَّمَا تَفْعَلُوْا وَلَنْ تَفْعَلُوْا فَأَنَّقُوا النَّارَ الَّتِي وَفُودُهَا اَنَّسَاسُ وَالْحِجَارَةُ أَعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ﴾

[Бақара: 24] 

«Ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар» [Бақара сураси: 24].

31-савол: Кимдан ва нимадан қўрқамиз? Нимани кимдан умид қиласмиз? Ва бу нарсаларнинг далили нима?

Жавоб: Қўрқув – Аллоҳдан ва унинг жазосидан бўлади.

Умид – Аллоҳдан савоб беришини, мағфират этишини ва раҳм қилишини умид қиласмиз

Бунга далил Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзиdir:

﴿أُولَئِكَ الَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَى رَبِّهِمُ الْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُ وَوَيَخَافُونَ﴾

﴿عَذَابَهُ وَإِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا﴾ [элсраве: 57]

«Ана ўша дуо қилаётгандлари Роббиларига васила изларлар, қайсилари яқинроқ эканини (бilmоқ учун). Унинг раҳматини орзу қилурлар ва азобидан қўрқурлар. Албатта, Роббингнинг азоби ҳазир бўлишга лойикдир» [ИсроСураси: 57].

* نَبِيٌّ عِبَادِي أَنِّي أَنَا الْغَفُورُ الرَّحِيمُ وَأَنَّ عَذَابِي هُوَ الْعَذَابُ الْأَلِيمُ ﴿٤٩﴾ [الحجر: 49]

[50]

«Бандаларимга хабар бергил: «Албатта, Менинг Ўзим ғоғуру роҳиймидирман. Ва, албатта, азобим аламли азобдир» [Хижр сураси: 49-50].

32-савол: Аллоҳнинг баъзи исм-сифатларини айтиб беринг!

Жавоб: Аллоҳ, Робб, Ар-Роҳмаан, Ас-Самиъ, Ал-Басир, Ал-Алийм, Ар-Роззақ, Ал-Хайй, Ал-Азийм.... ва яна бошқа чиройлик исмлари ва олий сифатлари.

33-савол: Бу исмларни шарҳланг!

Жавоб: Аллоҳ: Ибодат қилинадиган ҳақ илоҳ, у ёлғиз ва унинг шериги йўқдир.

Робб – Яъни яратувчи, молик, ризқлантирувчи, ишларни бошқариб турувчи ва барча нуқсонлардан пок ягона зотдир.

Ас-Самиъ: Ҳамма нарчани эшишиб турувчи, овозларнинг турли хил бўлишига қарамасдан ҳаммасини эшишиб туради.

Ал-Басир: Барча нарсани, хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин кўриб турувчи.

Ал-Алийм: Олдинги, ҳозирги ва келажақдаги барча нарсани билиб турувчи.

Ар-Роҳман: Барча маҳлуқотларни, хоҳ тириқ, хоҳ ўлик бўлсин, ўз раҳмати билан ўраб олувчиidir. Барча бандалар ва маҳлуқотлар унинг раҳматининг остидадирлар.

Ар-Роззақ: Инсону жин ва барча жонзотларнинг ризқи унинг зиммасида бўлган зотдир.

Ал-Хайй: Ўлмайдиган тирик зот, у зотдан ташқари ҳамма ўлади.

Ал-Азийм: Энг комил, камолотнинг барчаси у учунгинадир, энг улуғ, улуғлик унинг исм-сифатларида ва ишларидадир.

34-савол: Мусулмон уламоларга нисбатан бизга нималар вожиб қилинган?

Жавоб: Уларни яхши кўрамиз, бирор масалада ёки бошимизга келган бирор нарсада уларга қайриламиз. Уларни фақат яхшилик или эслаймиз ва кимки уларни ёмонлик или тилга оладиган бўлса, бизнинг йўлдошимиз эмас.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا فِي الْمَجَلِيسِ فَأَفْسَحُوا يَقْسِحَ اللَّهُ لَكُمْ وَإِذَا قِيلَ أَنْثُرُوا فَانْثُرُوا يَرْفَعَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أَوْتُوا الْعِلْمَ دَرَجَتٌ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَيْرٌ﴾ [المجادلة: 11]

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтарур. Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» [Мужадала сураси: 11].

35-савол: Аллоҳнинг авлиёлари кимлар?

Жавоб: Улар мўминлар тақвадорлар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ لَا حَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزُنُونَ ﴾ [الذينَ آمَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ] 62

[юнос: 62-63]

«Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар. Улар иймон келтирганлар ва тақво қилганлардир» [Юнус сураси: 62-63].

36-савол: Иймон сўз ва амалми?

Жавоб: Иймон сўз ва амал ва эътиқод.

37-савол: Иймон зиёда бўлиши ёки заифлашиб кетиши мумкинми?

Жавоб: Иймон Аллоҳга итоат қилиш билан зиёда бўлади ва осийлик қилиш билан сусайиб камаяди.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجَلَّ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلَيَّتْ عَلَيْهِمْ ءَايَاتُهُ رَأَدَتْهُمْ إِيمَنُهُمْ﴾

[الأنفال: 2] [وعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ]

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир» [Анфал сураси: 2].

38-савол: Эҳсон нима?

Жавоб: Аллоҳга қўриб тургандек ибодат қилиш, агар ундан қила олмаса, у мени қўриб турибди дегандек ибодат қилишидир.

39-савол: Аллоҳ таоло амалларни қабул қилиши учун қандай шартлар бор?

Жавоб: Икки шарти бор?

- 1: Агарда амал Аллоҳ учун холис қилинган бўлса.
- 2: Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига тўғри келса.

40-савол: Аллоҳ таолога бўлган таваккул нима у?

Жавоб: Ҳар хил манфаатларга эришишда ва заарларни кетказишда Аллоҳ таолога таяниш ва шу билан бирга сабабларни ҳам ушлашдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسِيبٌ وَّ[الطلاق: 3]

«Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, унга У зотнинг Ўзи кифоядир...» [Талоқ сураси: 3].

41-савол: Инсонларн қандай маъруфларга буюриш керак ва қандай мункарлардан қайтариш керак?

Жавоб: Маъруф: Аллоҳ таолонинг буюрган нарсаларидир.
Мункар: Бу Аллоҳ таоло қайтарган баоча маъсиятлар.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿كُنْتُمْ خَيْرُ أُمَّةٍ أَخْرِجْتُ لِلَّئَمِنْ تَأْمُرُونَ بِالْمُعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَوْ ءامَنَ أَهْلُ الْكِتَابَ خَيْرًا لَّهُمْ مِنْهُمُ الْمُؤْمِنُونَ وَأَكْثَرُهُمُ الْفَسِيْلُونَ﴾ [آل عمران: 110]

«Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳий мункар қиласиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз» [Оли-Имрон сураси: 110].

42-савол: Аҳлу сунна ва жамоа, улар кимлар?

Жавоб: Улар айтаётган сўзларида, қилаётган амалларида ва эътиқодларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сахобаларига эргашган инсонлардирлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига эргашганлари ва бидъатни тарк қилганлари сабабли Аҳли сунна деб аталдилар.

Жамоат деб аталашиларининг сабаби эса, улар ҳақ устида йиғилдилар ва бўлинмадилар.

Фиқұ қисми

1-савол: Таҳоратни таърифи нима?

Жавоб: Таҳорат (Покланиш) — ҳиссий ва маънавий нопоклик, ифлосликлардан пок ва тоза бўлмоқдир.

Ифлосликлардан покланиш: Баданга, кийимга ёки намоз ўқиладиган жойларга теккан нажосатларни тозалаш билан бўлади.

Маънавий покланиш бу : ғусл ва таҳорат олиш билан бўлади. Таҳорат ва ғусл эса, инсонни тозалайдиган сувлар билан бўлади. Кимдир тоза сув топа олмаса, ёки ишлатишдан ожиз қолган бўлса таяммум олиш билан покланади.

2-савол: Нажосат теккан жойларни қандай тозалаймиз?

Жавоб: Тоза бўлгунча сув билан ювамиз.

– Ит ялаган идишларни эса, етти марта, биринчисида тупроқ билан ювилади.

3-савол: Таҳоратнинг қандай фазилатлари бор?

Жавоб: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Агар мусулмон киши таҳорат олиб юзини ювса, қўзлари билан қилган барча хато камчиликлар тушган сув билан бирга «ёки охирги тушган томчи билан бирга» чиқиб кетади. Агар у қўлларини ювса, қўли билан ушлаб қилган барча гуноҳлари шу сув «ёки охирги томчиси» билан бирга

чиқиб кетади. Агар у оёқларини ювса, оёқлари билан қилган барча гуноҳлари шу сув билан «ёки охирги томчи билан» чиқиб кетади. Шундай қилиб таҳоратдан гуноҳлари тўкилган ҳолатда чиқиб кетади». Муслим ривояти

4-савол: Таҳоратни қандай оламиз?

Жавоб: Аввало, кафтилизни уч маротаба яхшилаб ювиб оламиз.

Сўнгра оғзимиз ва бурнимизни уч марта-дан чайқаймиз.

Оғзимизни чайқашнинг кайфияти: ўнг кафтилизга сув олиб оғзимизни чайқаймиз ва сувни чиқариб ташлаймиз.

Шу сингари, бурнимизни ҳам уч маротаба чайқаймиз.

Буриндаги сувни чап қўлимиз воситасида чиқариб ташлаймиз.

Сўнгра, юзимизни уч маротаба яхшилаб ювамиз.

Ва қўлимизни тирсак билан қўшиб ювамиз.

Сўнгра бошимизга масҳ тортишилик учун қўлларимизни сувлаб оламиз ва олди қисмидан орқа томон, кейин эса, худди шу шаклда орқадан олдинга тортамиз ва қулоқларимизни ҳам қўшиб қўямиз.

Сўнгра оёқларимизни тўпиққа қадар уч маротаба ювамиз.

Мана-шу кўринишдаги таҳорат энг комил таҳорат бўлиб ҳисобланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг худди шундай таҳорат олганликлари Бухорий ва Муслимда Усмон ва Абдуллоҳ бин Зайддан ривоят қилинган. Бухорий ва бошқаларда келган ривоятларнинг бирида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бир ва икки мартадан таҳорат

олганликлари ҳам событ бўлган. Яъни барча ювиладиган тана аъзоларини бир марта ёки икки мартадан ювганлар.

5-савол: Таҳоратнинг фарзлари нима ва улар нечта?

Жавоб: Таҳоратнинг фарзларидан мурод шуки - agar ювилиши зарур бўлган тана аъзоларидан бирортаси ювилмай қолса, таҳорат тўғри бўлмайди ва у билан ўқилган намозни такроран ўқишлиқ керак.

1- Юзни ювишлиқ, оғизни чайқаш ва бурунни қоқиш ҳам шулар жумласидандир.

2- Кўлни тирсак билан қўшиб ювишлиқ.

3- Бошга масҳ тортишлиқ.

4- Оёқларни тўпиқлар билан қўшиб ювишлиқ.

5- Тана аъзоларини ювишлиқда тартиб билан ювишлиқ. Биринчи юзни, сўнгра қўлларни, сўнгра бошга масҳ тортиш сўнгра, оёқларни ювишлиқ.

6- Узлуксизлик. Яъни биринчи ювилган тана аъзоси қуриб қолмасдан олдин иккинчисини дарҳол ювишлиқ.

Бунинг мисоли, бир инсон таҳоратнинг яримини олиб сўнгра бир қанча вақт ўтиб яримини олса, бу кишининг таҳорати тўғри бўлмайди.

6-савол: Таҳоратнинг суннатлари қайсилар ва улар нечта?

Жавоб: Таҳоратнинг суннатидан мурод: қиласа савоб олади, қилмаса эса гуноҳ қилган бўлиб ҳисобланмайди ва таҳорат тўғри бўлади.

- 1- Бисмиллаҳни айтиш.
- 2- Мисвок ишлатиш.
- 3- Кафтни уч маротаба ювиш.
- 4- Бармоқлар ўртасига хилол тортиш.
- 5- Аъзоларни икки ёки уч марта ювиш.
- 6- Ўнг томондан бошлиш.
- 7- Таҳоратдан кейин зикр қилиш. "Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдуҳу ва расулуҳу", - деб айтишлик. Маъноси: Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ зот йўқ ва унинг шериги йўқлигига ҳамда Мұхаммад алайҳиссалом унинг қули ва пайғамбари эканлигига гувоҳлик бераман.
- 8- Таҳоратдан кейин икки ракат намоз ўқиши.

7-савол: Таҳоратни бузадиган амаллар нечта?

Жавоб: Олди ёки орқадан чиққан барча нарсалар: бавл (сийдик), ахлат, ҳаво.

Уйқу, ақлдан озиш, хушдан кетиш.

Туя гуштини ейиш.

Олди аврат қисми ёки орқа аврат қисмини ҳеч қандай нарсасиз ушлашлик.

8-савол: Таяммум нима?

Жавоб: Таяммум – Ер юзидаги тоза тупроқни сув йўқлиги, ёки уни ишлатишга қодир бўлмаган пайтда таҳорат сифатида ишлатишлик.

9-савол: Таяммумнинг сифати қандай бўлади?

Жавоб: Икки кафтнинг ичи билан тоза тупроқ ёки ер жинсига урилади, сўнгра кафтлари билан юзини ҳамда қўлларининг устки қисмини бир маротаба суртади.

10-савол: Таяммумни бузадиган амаллар қайсиilar?

Жавоб: Таҳоратни бузадиган барча амал таяммумни ҳам бузади.

Сувнинг топилиши ҳам таяммумни бузади.

11-савол: Маҳси ва жавроб нима дегани? Уларга масҳ тортса бўладими?

Маҳси – Инсон оёғига киядиган теридан ясаладиган оёқ кийим.

Жавроб – Инсон оёғига киядиган теридан бошқа нарсалардан ясалган оёқ кийим.

Агар киши оёғига таҳорат олиб сўнгра маҳси ёки жавроб кийган бўлса, ўша кийган нарсасига масҳ тортса бўлади.

12-савол: Маҳсига масҳ тортисликдан кўзланган ҳикмат нима?

Жавоб: Бандаларга ибодатни енгиллатмоқ! Хусусан, қишиларидан ёки сафарда оёқдаги нарсани ечишлик қийин бўлганда кишига аст қотади.

13-савол: Маҳсига масҳ тортисликнинг шартлари нима?

Жавоб: 1- Таҳоратлик ҳолда кийишлик.

2- Масҳ тортислигидан маҳси тоза бўлишилиги. Нажас маҳсига тортиб бўлмайди.

3- Оёқнинг ювилиши керак бўлган миқдорни (маҳси) ёпишилиги.

4- Масҳ тортислик шариат белгилаб берган вақт ичida бўлишилиги. Муқим учун, бир кун ва бир тун, мусофири учун, учун кун ва уч тун.

14-савол: Маҳсига масҳ тортисликнинг сифати қандай бўлади?

Жавоб: Қўлларининг бармоқларини сув қилиб кийилган маҳсининг устки қисмига, оёқнинг учидан то болдиргача бир марта тортиб боришилик. Ўнг оёғига ўнг қўли билан, чап оёғига чап қўли билан тортади.

15-савол: Масҳни бузадиган амаллар қайсилар?

Жавоб:

1- Шариат белгилаб берган муддатнинг битиши масҳни бузувчи омилдир.

2- Маҳсими ечишлик. Агар киши масҳ тортгандан сўнг маҳсиларини ёки бир маҳсисини ечса, янги таҳорат олмай туриб ўша маҳсига масҳ тортишлиги мумкин бўлмайди.

16-савол: Намознинг маъноси нима?

Жавоб: Намоз- Белгиланган маҳсус сўз ва амаллар билан бажариладиган, такбир билан бошланиб, салом бериш билан тугайдиган ибодатdir.

17-савол: Намознинг ҳукми нима?

Жавоб: Намоз мусулмонлар учун фарз бўлган амалdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الْصَّلَاةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَبًا مَوْفُوتًا ﴾ [النساء: 103]

«Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир»
[Нисо сураси: 103].

18-савол: Намозни тарқ қилишликнинг ҳукми нима?

Жавоб: Намозни қасддан инкор қилиб ташлаб қўйишлиқ куфр амалdir. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Биз ва кофирларнинг ўртамизни ажратиб турадиган нарса намоздир. Бас, ким намозни тарқ қилса дарҳақиқат, кофир бўлибди». Аҳмад ва Термизий ривояти

19-савол: Мусулмон киши учун бир кунда неча маҳал намоз фарз бўлган ва улар неча ракат?

Жавоб: Мусулмон киши учун бир кунда беш маҳал намоз ўқиш фарз бўлган, улар: Бомдод: икки ракат, Пешин: тўрт ракат, Аср.: тўрт ракат, Шом: уч ракат, Хуфтон: тўрт ракат.

20-савол: Намознинг шартлари қандай?

1- Мусулмон бўлишлик. Кофир инсон намоз ўқиса намози ўтмайди.

2- Ақл; мажнуннинг намози дуруст эмас.

3- Ажратада билишлик; намозларнинг фарқига бормайдиган ёш боланинг намози дуруст эмас.

4- Ният.

5- Намоз вақтининг кириши.

6- Таҳорат.

7- Нажосатдан пок бўлиш.

8- Авратни беркитиш.

9- Қиблага қараб намоз ўқиш.

21-савол: Намознинг арконлари нечта?

Жавоб: Намознинг арконлари 14 та бўлиб, куйидагилардир:

1- Фарз намозларида туришликка қодир инсоннинг туриб ўқишлиги.

2- Эхром такбирини айтишилик. "Аллоҳу акбар", - деб қулоқ қоқишилик.

3- Фотиҳа сурасини ўқишилик.

4- Рукуъ қилишилик. Қўлларини тизасига буқлаб орқа умуртқа жойини текис тутади. Ҳамда бошини тушириб ҳам, баланд кўтариб ҳам юбормайди.

5- Рукуъдан кўтарилишилик.

6- Тик турганда текис туришилик.

7- Сажда қилишилик. Сажда қилганда пешонаси, бурни, икки кафти, икки тиззаси ва оёқ бармоқларининг учлари ерга тегишлиги керак.

8- Саждадан туриш.

9- Икки сажда ўртасида ўтиришилик.

Ўтиришда чап оёғига ўтириб ўнг оёғининиг учларини қиблага қаратган ҳолда ерга қадаш суннатдир.

10- Тинчланиш; ҳар бир амални сокинлик билан бажариш.

11- Аттаҳийятни ўқишилик.

12- Охирги ташаҳҳудга ўтириш.

13- Икки маротаба салом беришилик – Бу икки маротаба «Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ», -дейиш билан бўлади.

14- Айтиб ўтганимиздай: намоз руқнларини тартиб билан бажариш: Масалан, агарда рукуъдан олдин атайлаб сажда қилса намози бузулади. Агарда эсдан чиқариб қилиб қўйса орқага рукуъ қилиш учун қайтиши лозимдир. Сўнгра қайтадан сажда қиласди

22-савол: Намоз вожибларини айтиб беринг!

Жавоб: Намоз вожиблари саккизтадир. Улар қуидагилар:

1-Такбироти эхромдан ташқари бошқа такбирлар.

2-Имом ва ёлғиз ўқиётган одам «Самиъаллоху лиман хамидаҳ», - деб айтиши.

2-«Роббанаа ва лакалхамд», - деб айтиш.

4-Рукуъда бир марта «Субхана роббиял ъазийм», - деб айтиш.

5-Саждада бир маротаба «Субхана роббиял аълаа», - деб айтиш.

6-«Роббиғфирили», - деб икки сажда ўртасида айтиш.

7-Биринчи ташаҳҳудни ўқиши.

8-Биринчи ташаҳҳудга ўтириш.

23-савол: Намознинг суннатлари нималар?

Жавоб: Ўн битта суннатдир. Улар қуйдагилар:

1-Такбиротул эхромдан кейин: «Субхаанакаллохумма ва бихамдик ва табаарокасмука ва таъала жаддука ва лаа илааҳа ғойрўка», - деб айтиш. Бу намозни очиш дуоси дейилади.

2-Аъзубиллаҳни айтиш.

3-Бисмиллаҳни айтиш.

4-(Фотиҳа сурасидан кейин) «Аамин»,- деб айтиш.

5-Фотиҳадан кейин зам сура ўқиш.

6-Имом қироат жаҳрий ўқиладиган ўринларда жаҳрий ўқишилиги.

7-Хамд айтгандан кейин «Милъўсамаавати ва милъулъарди ва милъў маа шиъта мин шайъин баъд» деб айтиш

8-Рукуъдаги иккинчи учинчи ва ундан кейинги тасбеҳлар

9- Саждадаги биринчи тасбеҳдан кейингилари ҳам суннатдир.

10-Икки сажда ўртасидаги «Роббиғирилии» зикрини бир мартадан кўп айтиш ҳам суннатдир.

11-Охирги ташаҳҳудда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у кишининг оиласидаги саловат ва салом айтиш ва барака тилаш. Ундан кейин дуо қилиш.

Тўртинчидан: Феълий суннатлар, яъни, суннат бўлган қўринишлар:

1- Эҳром такбири вақтида икки қўлни кўтариш.

2-Рукуъ пайтида икки қўлни кўтариш.

3-Рукуъдан қайта кўтарилганда икки қўлни кўтариш.

4-Ундан кейин қўлларни қайтадан бойлашлиқ.

5-Ўнг қўлни чап қўлни устига қўйиш.

6-Сажда қиладиган ўрнига қараб туриш.

7-Турган пайтида икки оёғини орасини очиб туриш.

8-Рукуъда тиззадаги қўлнинг панжаларини орасини очган ҳолда ушлаш, белини теккис тутиш ва бошини ҳам теккис тутиш.

9-Сажда аъзоларини барчасини ўз ўрнига қўйиб сажда қилиш, ва саждагоҳга қўли ва пешонаси ҳеч қандай тўсиқсиз тегиши.

10-Саждада қорнини икки сонидан, чиғаноқларини биқинидан, билакларини ердан узоқда тутиши, икки сонини орасини очиши, товоонларини теккис тутиш, ва оёқ бармоқларининг остини ерга қаратиши, саждада қўллар елка баробарида қўйиб ва бармоқларини орасини ёпиб теккис қиласди.

11-Икки сажда орасида ва ташаҳҳудда ўтирганда чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғини тик қилиб панжаларини қиблага қаратмоғи ва охирги ташаҳҳудда икки ёнбоши билан ўтириб, чап оёғини ўнг томонга чиқариб ўнг оёғини эса тик қадамоқ керак.

12-Сўнгра ўтирганда чап оёғининг ост қисмига ўтириб, ўнг оёғини тик қилиб, оёқ панжаларининг учини қибла томонга қаратади. Ташаҳҳудда ҳам худди шу кўриниш, аммо ўрта бармоғи билан бош бармоқни узук каби боғлайди ва кўрсаткич бармоғини дуо қилаётганда ҳаракатлантиради. Ва чап қўлинини чап сонига бармоқларини бир-бирига жипс қилиб теккис ҳолда қиблага қаратади.

13-Ўнг ва чап томонга қараб салом бериш.

24-савол: Намозни бузувчи нечта омил бор?

Жавоб:

1-Намоз руқнларидан бир руқни ёки шартларидан бир шартни тарк этиш.

2-Қасддан гапириш.

3-Еб-ичиш.

4-Қайта-қайта кўп ҳаракат қилиш.

5-Намоз вожибларидан бирор вожибни атайин тарк қилиш.

25-савол: Мусулмон киши қандай намоз ўқийди?

Жавоб: Намознинг кўриниши:

1-Бутун бадани ила қиблага қараб турари, ён-атрофга қарамасдан, бурилмасдан турари.

2-Сўнгра қалбидаги ўқимоқчи бўлган намозини ният қиласди. Нимани ният қилганини нутқ қилмайди.

3-Сўнгра такбиротул эҳромни «Аллоҳу акбар», - деб айтади. Кўлларини такбир пайтида елкалари миқдорида кўтаради.

4-Сўнгра ўнг қўлининг кафтини чап қўлинининг кафтининг устига иккаласини эса, кўкрагининг устига қўяди.

5-Сўнгра истифтоҳ дуосини ўқийди ва айтадики: اللَّهُمَّ بَاعِدْ [بَيْنِي وَبَيْنَ حَطَابَيِ] كَمَا بَاعَنْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ، اللَّهُمَّ فَقِنِي مِنْ حَطَابَيِ كَمَا يُنْقِنِي الشَّوْبُ الْأَبْيَضُ [مِنَ الدَّنَسِنَ، اللَّهُمَّ اغْسِلْنِي مِنْ حَطَابَيِ بِاللَّجْ وَالْمَاءِ وَالْبَرَدِ]. Маъноси: Аллоҳим, мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ эт. Аллоҳим! Оппоқ либос кирлиқдан тозалангани каби мени ҳам хатоларимдан тоза эт. Аллоҳим! Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан юв-покла!

(سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَذْكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ).
«Субхаанакаллохумма ва бихамдик ва табаарокасмука ва
таъала жаддука ва лаа илааҳа ғойрўка», - деб айтиш.
Маъноси: Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан.
Сенинг ҳамдинг билан (тасбех айтдим). Сенинг исминг
баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ (и
барҳақ) йўқдир.

6-Сўнгра: «Аъузу биллаҳи минашшайтоонирроҳийм», - деб
Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сурайди.

7-Сўнгра, бисмиллаҳни айтиб фотиҳа сурасини ўқиди:

﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿١﴾ أَلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿٣﴾ مَلِكُ يَوْمَ الدِّينِ ﴿٤﴾ إِيَّاكَ تَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾ أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ ﴿٧﴾ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٨﴾﴾ [الفاتحة: 1-7]

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан «Барча мақтов, шукрлар оламларнинг Роббиси Аллоҳга бўлсин» У Роҳман ва Раҳийм... (Барчага-кофирга ҳам, мўъминга ҳам меҳрибон ва неъмат берувчи. "Роҳман" сифати фақат Аллоҳга хос бўлиб, ундан бошқа ҳеч кимга нисбатан бу сифатни ишлатиб бўлмайди. "Раҳийм" сифати, хосроқ бўлиб, фақат мўъминларга қиёмат куни раҳм қилувчи маъносини англатади ва Аллоҳдан ўзгаларга, жумладан, Пайғамбар алайҳиссаломга нисбатан ҳам ишлатилади.) У Қиёмат кунининг подшоҳи, эгаси. ("Дин" сўзи арабчада ҳисоб, жазо, мукофот маъноларини билдиради. "Явмид дин"-қиёмат кунида бандалар қайта тирилтирилиб ҳисоб-китоб қилинади. Яхшига мукофот, ёмонга жазо берилади. Бу оятни ўқиганда қиёматни эслаб, ўша даҳшатли кунда фақат Аллоҳнинг ўзи ҳукм чиқаришини, ўша ерда уялиб қолмасликни эслаб, унга тайёргарлик кўришга аҳд қилинади.) Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз. ("Ийака наъбуду" "фақат Сенга ибодат қиламиз" маъносини англатади. Бу эса, банда тарафидан Аллоҳга берилган улкан ваъда. Аллоҳ таоло барчамизни ушбу ваъданинг устидан чиқадиганлардан қилсан. "Ийака настаъин" ҳам, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўраш маъносини англатади.) Бизни тӯғри йўлга бошлагин. ("Ҳидоятга бошлаш" луғатда бирор нарсага лутф билан йўллаб қўйишга айтилади.) Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларни книга ҳам эмас». [Фотиҳа сураси: 1-7].

Сўнгра «Аамин»,- деб айтади. Маъноси: Аллоҳим қабул айла!

8-Сўнгра, Қуръондан қўлдан келгунча зам сура ўқийди. Бомдод намозини узунроқ ўқийди.

9-Сўнгра рукуъ қиласи, яъни Аллоҳни улуғлаб белини буқади. Рукуъ қилаётган вақтда такбир айтади ва шу вақтни ўзида қўлларини елка миқдорича қўтаради. Белини ва бошини теккис қилиб икки қўлини бармоқларини орасини очган ҳолда тиззасига қўяди.

10-Рукуъда «Субхаана роббиляъазим» деб уч марта айтади. Ҳохласа «Субхаанакаллоҳумма ва биҳамдик, Аллоҳуммагfirли», - деб қўшса ҳам бўлади.

11-Сўнгра бошини рукуъдан қўтарганча «самиъаллоҳў лиман хамидаҳ», - деб айтади. Ва қўтарилаётганда ҳам қўлларини елка миқдорича қўтаради. Имомга эргашган инсон эса, юқоридагини айтмайди. Балки «Роббанаа ва лакалхамд», - деб айтади.

Сўнгра «Роббана ва лакалхамдў мил'ас-самааваати ва мил'ал- арзи ва маа байнаҳумаа ва мила маа ши'та мин шай'ин баъд», - деб айтади. Маъноси: Осмонлару ер ва улар ўртасидаги нарсалар миқдорича, яна йўзинг ҳохлаган нарса миқдорича (ҳамд бўлсин).

13-Сўнгра биринчи саждага кетади: ва саждага кетаётган вақтда «Аллоҳу акбар», - деб айтади. Ва еттита аъзоси билан сажда қиласи. Улар: Пешона, бурун, икки кафт, икки тиззи ва икки оёқнинг учлари. Саждада қорнини икки сонидан, чиганоқларини биқинидан ва билакларини ердан узоқда тутади. Панжаларини учини қиблага қаратади.

14-Ва саждада «Субхаана роббилаъла», - деб уч марта айтади. Ҳохласа «Субхаанакаллоҳумма ва биҳамдик, Аллоҳуммагfirли», - деб қўшса ҳам бўлади.

15-Сүнгра саждадан бошини «Аллоху акбар», - деб күтариади.

16-Сүнгра икки сажда орасида ва ташаҳхудда ўтирганда чап оёғи устига ўтириб, ўнг оёғини тик қилиб панжаларини қиблага қаратади. Ташаҳхудда ҳам худди шу кўриниш, аммо ўрта бармоғи билан бош бармоқни узук каби боғлайди ва кўрсаткич бармоғини дуо қилаётганда ҳаракатлантиради. Ва чап қўлини чап сонига бармоқларини бир-бирига жипс қилиб теккис ҳолда қиблага қаратади.

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَاجْبِرْنِي، () وَعَافْنِي وَارْزُقْنِي، وَارْجِعْنِي .) «Роббиғфирлии варҳамнии ваҳдинии важбўрнии ва ъафинии варзўқний варфаъний», - деб айтади. Маъноси: Роббим, мени мағфират эт. Менга раҳм эт. Мени ҳидоят қил, ўнгла ва офият (соғлик) ато эт. Менга ризқ бер ва мени баланд қил.

18-Сүнгра биринчи марта сажда қилгандай иккинчи маротаба ҳам сажда қиласиди. Иккинчисига бораётиб ҳам сажда қиласиди.

19-Сүнгра «Аллоху акбар», - деган ҳолда иккинчи саждадан кўтарилади. Иккинчи ракатни ҳам биринчи ракат каби ўқийди, фақат истифтоҳ дуосини ўқимайди.

20-Сүнгра иккинчи ракатга «Аллоху акбар», - деган ҳолда ўтиради. Икки сажда ўртасида ўтиргандай ўтиради.

Ва ташаҳхудни ўқийди: Ташаҳхуд: «Аттаҳийяату лиллаахи вас-солаваату ват-тойибаат Ассаламу ъалайка айюҳан-набиийю ва роҳматуллоҳи ва барокаатух. Ассаламу ъалайна ва ъалаа ъибадиллааҳис- солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан ъабдухуу ва росуулух» Маъноси: Саломлар (ёки қавлий ибодатлар), намозлар (ёки баданий ибодатлар) ва (ҳамду санода

ишлатиладиган) тоййиба-покиза сўзлар-амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга (ҳақ) маъбуд йўқ ва Муҳаммад Унинг қули ҳамда расулидир. Саловат: "Аллоҳумма, солли ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ъалаа Иброоҳима ва ъалаа аали Иброоҳийм. Иннака ҳамиидум- мажийд. Аллоҳумма, баарик ъалаа Муҳаммадин ва ъалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ъалаа Иброоҳима ва ъалаа аали Иброоҳийм. Иннака ҳамиидум мажийд». Маъноси: Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига баракот-хайр ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам баракот-хайр ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Саловатдан кейинги дуо: «Аллоҳумма, инний аъзуузы бика мин ъазаабил-қобри ва мин ъазааби жаҳаннама ва мин фитнатил-маҳйаа вал-мамаати ва мин шарри фитнатил- масийҳид-дажжаал». Маъноси: Аллоҳим! Мен Сендан қабр азобидан, жаҳаннам азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Сўнгра Роббисига ўзи хоҳлаган дуолар билан дунё ва охират яхшиликларидан сураб дуо қилади.

22-Сўнгра ўнг ва чап томонига Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ»,- деб салом беради.

23-Агар намоз икки ёки уч ракат бўладиган бўлса, аттакиётни ўқигандан кейин учинчи ракатга туради.

24-Учинчи ракатга туроётган вақтида «Аллоҳу акбар»,- дейди ва қўлларини ўша вақтда елкаси баробарида кўтаради.

25-Сўнгра намозини қолганини ҳам иккинчи ракат каби ўқийди фақат фотиҳа сурасини ўқиш билан чекланади.

26-Охирги ташаҳҳудда икки ёнбоши ила ўтириб, чап оёғини ўнг томонга чиқариб ўнг оёғини ерга тик қадамоқлиги керак. Ва қўлларини олдинги ташаҳҳудда қўйгандай сонига қўяди.

27-Ҳар доим охирги ракаттан кейин ўтирганда, ташаҳҳудни ва саловатни ўқийди ва дуо қилади.

28-Сўнгра ўнг ва чап томонига Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ», - деб салом беради.

26-савол: Намоздан кейин қайси зикрлар айтилади?

Жавоб: Уч маротаба истиғфор айтади.

«Аллоҳумма, антас-салааму ва минкас- салаам. Табаарокта йаа зал-жалаали вал-икроом». Маъноси: Сен Саломдирсан (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). Салом Сендандир! (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен (айбу нуқсондан) пок ва муқаддасдирсан.

«Лаа илааҳа иллаллоҳу вахдахууу лаа шарийка лаҳ. Лахул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъалаа қулли шай'ин қодийр. Аллоҳумма, лаа мааниъа лимаа аътойта ва лаа мұттия лимаа манаъта ва лаа янфаъу зал-жадди минкал-жадд» Маъноси: Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ! У ёлғиз ҳам шериксиз зотдир! Мулк ҳам, ҳамд ҳам Унивидир! У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани

берувчи йўқ. Сенинг ҳузурингда улуғлик-бойлик эгасига улуғлиги-бойлиги фойда беролмас.

Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдахуу лаа шарийкалаҳ. Лахул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ъалаа кулли шай'ин қодийр. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Лаа илааҳа иллаллоҳу ва лаа наъбду иллаа ийхааҳ. Лахун-неъмату ва лахул-фазлу ва лаҳус-санаа ул-ҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳ, муҳлисийна лаҳуд- дийна ва лав кариҳал-каафируун

– «Субханаллоҳ» ўттиз уч марта.

«Алхамдулиллаҳ» ўттиз уч марта.

«Аллоҳу акбар» ўттиз уч марта.

Сўнгра юзинчи қилиб қуидаги зикрни айтади: Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдахуу лаа шарийкалаҳ. Лахул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ъалаа кулли шай'ин қодийр.

– Ихлос, фалақ ва нос сураларини бомдод ва шом намозларидан кейин уч маротаба ва қолган намозлардан кейин бир маротаба ўқииди.

– Оятал курсийни бир марта ўқииди.

27-савол: Равотиб суннатлар қайсилар ва уларнинг қандай фазилатлари бор?

Жавоб: Бомдоддан олдин икки ракат.

Пешиннинг фарзидан олдин тўрт ракат.

Пешин намози фарзидан кейин икки ракат.

Шом фарзидан кейин икки ракат.

Хуфтондан кейин икки ракат.

Бу суннат намозларнинг фазли ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимки бир кунда Аллоҳ учун ўн икки ракат нафл намоз ўқиса, Аллоҳ у киши учун жаннатда уй қуради», - дедилар. Муслим ва бошқалар ривояти

28-савол: Ҳафтанинг энг яхши куни қайси?

Жавоб: Жума куни. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кунларингизнинг энг яххиси жума кунидир. Шу кунда Одам яратилди ва шу кунда жони узилди, шу кунда қайта тирилиш учун сур чалинади ва шу кунда соъқ бўлади. Бас, жума куни менга саловат айтишни қўпайтиинглар! Менга саловатинглар тақдим этилади», - дедилар. Шунда: «Эй, Расулуллоҳ! Қандай қилиб саловатларимиз сизга тақдим қилинади, сизнинг жасадингиз чириган бўладикў», - деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ ерга пайғамбарларнинг жасадларини ейишни ҳаром қилган», - дедилар. Абу Довуд ва бошқалар ривояти

29-савол: Жума намозининг ҳукми нима?

Жавоб: Ҳар бир балоғатга етган, ақлли ва сафарда бўлмаган мусулмонга фарзи айнdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَتَأَيَّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ أَمْوَالُكُمْ وَلَا أَوْلَادُكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ ﴾ [المنافقون: 9]

«Эй иймон келтирганлар! Жума куни намозга нидо қилинганды, Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони кўйинг. Агар билсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир» [Жума сураси: 9].

30-савол: Жума намози неча ракат?

Жавоб: Икки ракат, имом овозини чиқариб қироат қиласди, ва намоздан олдин ҳаммамизга маълум бўлганидек иккита хутба бўлади.

31-савол: Жума намозини қолдирса бўладими?

Жавоб: Шариат рухсат берган вақтлардан бошқа вақтда жумани қолдириш жоиз эмас. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «**Кимки уч маротаба жума намозини эътиборсизлик қилиб ташлаб қўйса, Аллоҳ унинг қалбига муҳр босиб қўяди**». Абу Довуд ва бошқалар ривояти

32-савол: Жума кунининг суннатларини айтиб беринг!

Жавоб:

- 1-Гусл қилиш.
- 2-Хушбўйланиш.
- 3-Энг яхши кийимларни кийиш.

- 4-Масжидга эртароқ бориш.
- 5-Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга қўпроқ саловат айтиш.
- 6-Каҳф сурасини ўқиши.
- 7-Масжидга пиёда юриб бориш.
- 8-Дуо ижобат бўладиган вақтга эътиборли бўлиш.

33-савол: Жамоат намозининг фазлини зикр қилинг!

Жавоб: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жамоат намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража афзал бўлади», – дедилар. Муслим ривояти

34-савол: Намоздаги хушуъ нима?

Жавоб: Қалб ва ҳаёл намозда бўлиши ва аъзолар сокин ҳолда туришидир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿قَدْ أَفْلَحَ اللَّهُمَّ مِنْنَنَّ ۝ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ حَشِيعُونَ ۝﴾ [المؤمنون: 1-2]

«Батахқиқ, мўминлар нажот топдилар» «Улар намозларида (қўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир». [Муъминун сураси: 1,2]

35-савол: Закот нима?

Жавоб: Махсус молдан махсус жузни махсус шахсга махсус вақтда (Аллоҳни розилиги учун) шариатда тайин қилингандек мулк қилиб беришдир.

- Бу Ислом рукнларининг бир рукни ва вожиб бўлган садақадир. Бойдан олиниб фақирга берилади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَاعْثُرُوا لِزَكْرَهُ﴾ [البقرة: 43]

«Закотни беринг» [Бақара сураси: 43].

36-савол: Мустаҳаб садақа бу нима?

Жавоб: У – Закотдан бошқа садақалар. Масалан, Бирор яхши ишга бирор вақтда садақа қилиш каби.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَنْفَقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾ [البقرة: 195]

«Ва Аллоҳнинг йўлида нафақа қилинг» [Бақара сураси: 195].

37-савол: Рўза нима?

Жавоб: Бомдод вақтидан қўёш ботгунча ният или рўзани бузадиган нарсалардан ўзини сақлаш билан Аллоҳга ибодат қилишдир. Рўза икки хил бўлади:

Вожиб рўза: Мисол, Рамазон рўзаси, бу ислом динининг арконларининг бир рукнидир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا كُتُبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ﴾

تَقْوَةً [البقرة: 183]

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қылганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсангиз» [Бақара сураси: 183].

Вожиб бўлмаган рўза: Масалан, хафтанинг душанба ва пайшанба кунлари рўза тутиш, ҳар бир ойда уч кун рўза тутиш ва энг афзали тўлин ой кечалари тутишлиkdir. Қамарий ойнинг (13, 14, 15)-куnlари.

38-савол: Рамазон рўзасининг қандай фазилатлари бор?

Жавоб: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким Рамазон ойи рўзасини иймон ва Аллоҳдан савоб умид қилиб тутадиган бўлса, унинг ўтган гуноҳлари барчаси кечирилади**», - дедилар. Муттафақун алайҳ

39-савол: Рамазон ойдан бошқа ойларда нафл рўза тутишнинг қандай фазилатлари бор?

Жавоб: Абу Сайд Ал-Худрий ривоят қиласидилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қайси бир банда Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутадиган бўлса, Аллоҳ таоло тутган рўзаси учун уни дўзахдан етмиш йилга узоклаштиради**», - дедилар. Муттафақун алайҳ

40-савол: Рўзани бузадиган баъзи нарсаларни хабарини беринг!

Жавоб: 1-Атайлаб еб-ичиш.

2-Атайлаб қусиш.

3-Диндан муртад бўлиб кетиш.

41-савол: Рўзанинг суннатлари қайси лар?

Жавоб:

1-Оғиз очишга (ифторликка) шошилишлик.

2-Саҳарлик қилиш ва уни кечиктириш.

3-Рўза вақтида яхши ишларни ва ибодатларни қўпайтириш.

4-Бирорта уни сўкадиган бўлса, «мен рўзадорман», - деб айтиш.

5-Ифторлик вақтида дуо қилиш.

6-Янги етилган хурмолар билан ёки қоқ хурмолар билан, агар топмаса, сув билан ифторлик қилиш.

42-савол: Ҳаж нима?

Жавоб: Ҳаж – Аллоҳ таолонинг уйига маҳсус амалларни қилиш учун маҳсус вақтда бориш.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿فِيهِ ءَايَتُ بَيْنَتُ مَقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ ءَامِنًا وَلِلَّهِ عَلَى الْخَالِسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ عَنِ الْعَلَمِينَ ﴾ [آل عمران: 97]

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни, Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган Зотдир» [Оли Имрон сураси: 97].

43-савол: Ҳажнинг нечта аркони бор?

Жавоб:

- 1-Эҳром.
- 2-Арафада туриш.
- 3-Ифоза тавофи.
- 4-Сафо билан Марва тепалигига саъй қилиш.

44-савол: Ҳажни қандай фазилатлари бор?

Жавоб: Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади», - дедилар. Бухорий ва бошқалар ривояти

- "Онасидан янги туғилгандек" яъни гуноҳсиз деган маънони билдиради.

45- савол: Умра қилишлик қандай амал?

Жавоб: Умра қилишлик- Аллоҳнинг байтини мақсад қилган ҳолда ибодат тариқасида қилинадиган махсус амалdir.

46-савол: Умра қилишликнинг рукни нечта?

Жавоб: 1-Эҳром.

2- Каъбатуллоҳни тавоф қилиш.

3- Сафо ва Марва ўртасида югиришилик.

47-савол: Алоҳнинг йўлидаги жиҳод нима?

Жавоб: Ислом ва мусулмонларни ҳимоя қилиш ва ислом динини етказишилик йўлида бор куч ва ҳаракатни юмшашлиқ. Ёки ислом ва мусулмонлар учун жанг қилишлик.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَجَاهُدُوا بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعَمَّلُونَ ﴾
[التوبه: 41]

«(Эй мўминлар), хоҳ енгил, хоҳ оғир ҳолингизда (яъни, истасангиз, истамасангиз жиҳодга) чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир» [Тавба сураси : 41].

Сийрат қисми.

1-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насаблари қандай?

Жавоб: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг насаблари Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳашим. Ҳашим Қурайшдан, Қурайш араблардан, араблар эса Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоил алайҳиссаломдандир.

2-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оналарининг исми нима?

Жавоб: Омина бинти Вахб.

3-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оталари қачон вафот этган?

Жавоб: Оталари Абдуллоҳ Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оналарининг қорнида бўлган вақтларида Мадинада вафот этган.

4-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон туғилганлар?

Жавоб: Фил йилида робийъул аввал ойининг душанба кунида туғилганлар.

5-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаерда туғилғанлар?

Жавоб: Макка шаҳрида.

6-савол: Оналари Оминадан бошқа энага ва сут әмизувчилари кимлар?

Жавоб: 1: Оталари Абдуллоҳнинг чўриси Умму Айман.

2: Амакилари Абу Лаҳабнинг чўриси Сувайба

3: Ҳалийма Саъдийя

7-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам оналари қачон вафот этган?

Жавоб: Оналари Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам олти ёшга тўлғанларида вафот этган ва боболари Абдулмутталиб у кишини ўз қарамоғига олган.

8-савол: Боболари Абдулмутталибнинг вафотидан сўнг Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ким ўз қарамоғига олган?

Жавоб: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни саккиз ёшларида боболари вафот этганидан сўнг у кишини амакилари Абу Толиб ўз қарамоғига олди.

9-савол: Амакилари Абу Толиб билан қачон Шомга сафар қилдилар?

Жавоб: ўн икки ёшларида Шомга тижорат учун сафар қилдилар.

10-савол: Шомга иккинчи сафарлари қачон бўлди?

Жавоб: Шомга бўлган иккинчи сафарлари Хадича онамизнинг тижорати сабабли бўлди ва ёшлари йигирма бешга кирган пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам у ердан қайтгач, Хадича онамизга уйландилар.

11-савол: Қурайш қачон Каъбани қайтадан қурди?

Жавоб: Қурайш Каъбани Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўттиз беш ёшга тўлганларида қайтадан қурди.

Қурайш Каъбага қора тошни қўйиш вақти келганда уни ким қўйишилигида бир-бирлари билан келиша олмай қолган вақтида ўртага Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳакам қилди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимларини ечиб ерга қўйдилар ва ҳар бир қабила бошчисини кийимнинг бир томонидан ушлаб кўтаришга буюрдилар. Қора тош ўрнига келганда эса муборак қўллари билан олиб уни ўз ўрнига қўйдилар.

12-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлиб юборилганларида неча ёшда эдилар ва кимга пайғамбар қилиниб юборилдилар?

Жавоб: Пайғамбар бўлиб юборилаган пайтларида қирқ ёшга тўлган эдилар ва барча инсонларга хушхабар берувчи ва эслатувчи бўлиб юборилдилар.

13-савол: Ваҳий бошланиши қандай бўлган?

Жавоб: Тушларининг ўнгдан келиши. Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда нимани туш кўрсалар кундузларида худди шундай рўй берар эди.

14-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳийдан аввалги ҳолатлар қандай эди? Биринчи ваҳий қачон нозил бўлди?

Жавоб: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳироғорида Аллоҳга ибодат қиласар эдилар ва у ерда туриш учун озуқа йиғиб кетар эдилар.

Биринчи ваҳийнинг нозил бўлиши ҳам шу жойда бўлган.

15-савол: Қуръони каримдан биринчи нозил бўлган оят қайси?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг қуидаги ояти:

﴿أَقْرَأْتَ بِإِسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ الْإِنْسَنَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾ أَقْرَأْتَ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿٣﴾ الَّذِي
عَلَمَ بِالْقَلْمَنِ ﴿٤﴾ عَلَمَ الْإِنْسَنَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾﴾ [العلق: 1-5]

1.«(Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом, барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парпардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! 2. У инсонни лахта қондан яратган (Зотдир). 3. Ўқинг! Сизнинг Парвардигорингиз ўта карамли Зотдир. 4. У (инсониятга) қаламни (яъни, ёзишни — хатни) ўргатган Зотдир. 5. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» [Алақ сураси: 1-5].

16-савол: Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатига ким биринчи иймон келтирган?

Жавоб: Эркаклардан Абу Бакр Сиддик, аёллардан Ҳадича бинту Ҳувайлид онамиз, ёш болалардан Али ибн Абу Толиб, қуллардан Зайд ибн Ҳориса ва Билол Ҳабаший эди.

17-савол: Исломга даъват дастлаб қандай бошланди?

Жавоб: Рисолат бошлангандан тортиб токи уч йилга қадар даъват маҳфий ҳолатда бўлди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам очиқ даъват қилишликка буюрилдилар.

18-савол: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даъватни ошкора қилганларидан кейин у киши ва атрофидаги асҳобларининг ҳоли қандай кечди?

Жавоб: Макка мушриклари Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобаларга озор беришлиқда чекдан чиқишиди ва шу сабабли мусулмонлар Нажжоший бошқариб турган Ҳабашистонга ҳижрат қилишиликка мажбур бўлишди.

Мушриклар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга озор беришиликка ва у кишини ўлдиришиликка келишиб олишди, аммо Аллоҳ таоло ўзининг элчисининг амакиси бўлган Абу Толиб орқали ҳимоя қилди.

19-савол: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолаларига ўн йил тўлганда ким вафот этди?

Жавоб: Амакиси Абу Толиб ва суюкли аёллари Ҳадича онамиз вафот этди

20-савол: Исро ва Меъроҷ кечаси қачон содир бўлган?

Жавоб: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам 50 ёшга тўлганларида содир бўлди ва ўша кечада намоз фарз қилинди.

Исро: (сайр қилдиришилик) Ҳарам масжидидан Ақсо масжидига бўлган.

Меъреж: (күтарилишлик) Ақсо масжидидан осмонга, сидротул-мунтаҳага қадар бўлган.

21-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Макка ташқарисидаги инсонларга қандай даъват қилганлар?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Тоиф шахрига бориб шаҳар аҳли йиғиладиган жойларда, мавсумларда даъват қилар эдилар. Шу тариқа Мадина аҳли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келиб унга иймон келтиришди ва ёрдамчи бўлишликка байъат беришди.

22-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада неча йил қолдилар?

Жавоб: Маккадан Мадинага ҳижрат қилдилар.

23-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаерга ҳижрат қилдилар?

Жавоб: Маккадан Мадинага ҳижрат қилдилар.

24-савол: Мадинада нечи йил қолдилар?

Жавоб: Мадинада ўн йил яшадилар.

25-савол: Мадинада яшаган пайтларида шариатда нималар жореъ қилинди?

Жавоб: Закот, рўза, ҳаж, жиҳод ва азон сингари бошқа амаллар жореъ қилинди.

26-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган энг аҳамиятли жанглари қайси?

Жавоб:

1. Бадр жанги.
2. Ухуд жанги.
3. Аҳзоб жанги.
4. Макка фатҳи.

27-савол: Қуръони каримда энг охирги нозил бўлган оят қайси?

Жавоб: Аллоҳ таолонинг ушбу ояти:

﴿وَأَنْقُوا يَوْمًا تُرْجَعُونَ فِيهِ إِلَى اللَّهِ شُمَّ نُوَفَّ كُلُّ نَفْسٍ مَا كَسَبَتْ وَهُنَّ لَا يُظْلَمُونَ﴾

[البقرة: 281]

«Ва (барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан кўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амали учун тўла жазо берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди» [Бақара сураси: 281].

28-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қачон вафот этганлар?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрий ўн биринчи йил робиъул аввал ойида олтмиш уч ёшларида вафот этганлар.

29-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёлларининг исмлари нима?

Жавоб:

1. Ҳадича бинти Ҳувайлид
2. Савда бинти Замъа
3. Оиша бинти Абу Бакр Сиддиқ
4. Ҳафса бинти Умар
5. Зайнаб бинти Ҳузайма
6. Умму Салама Ҳинд бинти Абу Умайя
7. Умму Ҳабийба Ромла бинти Абу Суфён
8. Жувайрийя бинти Аль Ҳарис
9. Маймуна бинти Аль Ҳарис
10. Софийя бинти Ҳуяй
11. Зайнаб бинти Жаҳш (Аллоҳ барча мўъминларнинг оналаридан рози бўлсин)

30-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг нечта фарзандлари бўлган?

Жавоб: Учта ўғиллари ва тўртта қизлари бўлган.
Ўғиллари:

Қосим, кунялари шу ўғилларининг номига қўйилган.

Абдуллоҳ

Иброҳим

Қизлари:

Фотима

Руқоя

Умму Кулсум

Зайнаб

Ўғиллари Иброҳимдан бошқа барча фарзандлари Хадича розияллоҳу анҳодан бўлган. Фотима онамиздан ташқари барча фарзандлари кўзлари очиқлигига оламдан ўтишган. Фотима розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан олти ой ўтгач, улар ҳам вафот этадилар.

31-савол: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўринишлари қандай бўлган?

Жавоб: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам узун ҳам, қисқа ҳам бўлмаганлар, балки ўртача бўлганлар.

Баданлари оқ, қизилликка мойил, соқоллари қалин, күзлари каттагина, оғизлари мұйтадил кенг эди (фасоҳатли ва балоғатли инсонларнинг оғизлари шунақа бўлади), соchlари тим-қора, елкалари кенг келишган, ҳидлари хушбўй ва яна бошқа чиройли сифатлари бўлган.

32-савол: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини нима устига қўйиб кетдилар?

Оппоқ нурли, туни қундуздай йўл устига қўйиб кетдилар. У йўлдан фақатгина ҳалок бўладиганларгина бурилиб кетади. Қандай бир яхшилик бўлса, шуларнинг барчасига далолат қилдилар, қандай бир ёмонлик бўлса, барчасидан қайтариб кетдилар.

Тафсир қисми

1-савол: Фотиҳа сурасини ўқинг ва тафсир қилинг.

Жавоб: Фотиҳа сураси ва тафсири:

﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿١﴾ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿٣﴾ مَنِّيْلِكَ يَوْمُ الدِّينِ ﴿٤﴾ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾ أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦﴾ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ عَيْرَ ﴿٧﴾ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ﴿٨﴾﴾ [الفاتحة: 1-7]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман. Барча мақтov, шукрлар оламларнинг Роббиси(тарбиячиси) Аллоҳга бўлсин. У Роҳман ва Раҳийм... У қиёмат кунининг подшоҳи, эгаси.Faқат сенгагина ибодат қиламиз ва фақат сендангина ёрдам сўраймиз. Бизни тўғри йўлга бошлагин. Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникуга ҳам эмас» [Фотиҳа сураси: 1 -7].

Тафсири:

«Фотиҳа» сўзи луғатда «очувчи» деган маънони беради. Аллоҳ таолонинг китоби шу сура билан очилгани учун «Фотиҳа» яъни, очувчи деб аталган.

— {بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ } Аллоҳнинг номи билан, ундан ёрдам сўраган ҳолда ва у зотнинг зикри ила барака берилишини умид қилиб Қуръон ўқишни бошлайман.

— Аллоҳ: яъни ҳақиқий илоҳ ва маъбуд, у зотдан бошқа ҳеч ким бу исм ила номланмайди.

— Ар-Рохман: яъни кенг раҳмат эгаси ва у зотнинг меҳри-раҳмати барча нарсани ўраб олгандир.

— Ар-Роҳийм: яъни мўминларга раҳмли зот.

2- {الْحَمْدُ لِلّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ } Барча мақтov, шукрлар ва комиллик ёлғиз Аллоҳга бўлсин.

3- {الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ } У Роҳман ва Раҳийм... (Юқорида бунинг тафсирини зикр қилдик)

4- {مُلِكُ يَوْمَ الْيَمِينِ } Жазо (Қиёмат) кунининг Эгаси — Подшоҳи.

5- {إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَغْفِرُ } Фақат сенгагина ибодат қиласиз ва фақат сендангина ёрдам сўраймиз.

6- {أَهْدَنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ } Бизни тўғри йўлга, яъни исломга ва суннатга бошлагин.

7- {صِرْطُ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرَ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الْأَضَالَّينَ } Ўзинг неъмат берганларнинг, яъни пайғамбарлару уларга эргашган солиҳ бандаларнинг йўлига бошлагин, ғазабга дучор бўлган яхудийларнинг йўлига эмас, адашган насороларникига ҳам эмас.

– Бу сурани ўқигандан кейин «Аамин» (яъни қабул айла) дейиш суннатdir

2-савол: Залзала сурасини ўқинг ва тафсиrlанг!

Жавоб: Залзала сураси ва тафсири:

﴿إِذَا رُزِّلَتِ الْأَرْضُ زِلْزَالًا ﴿١﴾ وَأَخْرَجَتِ الْأَرْضُ أَثْقَالَهَا ﴿٢﴾ وَقَالَ الْإِنْسَنُ مَا لَهَا ﴿٣﴾ يَوْمَئِذٍ
تُحَدِّثُ أَحْبَارَهَا ﴿٤﴾ إِنَّ رَبَّكَ أَوْحَى لَهَا ﴿٥﴾ يَوْمَئِذٍ يَصُدُّرُ النَّاسُ أَشْتَاتًا لَّيْرَوْ أَعْمَلَهُمْ ﴿٦﴾ فَمَنْ
يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ وَ﴾ [зилзала: 1-8]

Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан »
.бошлайман

Вақтики, ер ўзига хос зилзилага тушса. Ва ер ўз юкларини отиб чиқарса. Ва инсон, унга нима бўлди?!, деса. Ўша қунда у(ер) ўз хабарини айтадир. Сенинг Роббинг унга ваҳий юборганини. Ўша қунда одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, амалларини кўриш учун жойларидан кўзғаладир. Бас, ким зарра оғирлигида яхшилик қилса ҳам кўрадир. ким зарра оғирлигида ёмонлик қилса ҳам кўрадир» [Залзала сураси 1-8].

Тафсир:

1- { إِذَا زُلْزَلَتْ الْأَرْضُ زَلَّتْ لَهَا } Вақтики, қиёмат кунида ер ўзининг энг даҳшатли зилзиласи билан ларзага тушганида;

2- { وَأَخْرَجَتْ الْأَرْضُ أَقْلَلَهَا } Ва Ер ўз бағридаги хазинаю дафиналардан ва инсон жасадларидан иборат «юк»ларини юзага чиқариб ташлаганида;

3- { وَفَالْإِنْسُنُ مَا لَهَا } Ва ҳаётлик пайтида қайта тирилишни инкор қилгувчи бўлган инсон қайта тирилганидан даҳшатга тушиб: «Ерга нима бўлди ўзи? Нимага бунақа қаттиқ зилзила бўймоқда?», - деб қолганида;

4- { يَوْمَئِنْ تُحَدَّثُ أَخْبَارُهَا } Ана ўша Кунда Ер ўз хабарларини сўзлар! Ернинг устида қандай яхши амал қилинган бўлса, яхшиликми ёки ёмонликми, хабарини беради.

5- { بَأَنَّ رَبَّكَ أَوْحَى لَهَا } Роббингиз унга ваҳий қил(иб, сўзлашга буюргани сабабли, ўз хабарларини сўзлар!

6- { يَوْمَئِنْ يَصَدُّرُ النَّاسُ أَشْتَأْتَأْ لَيْرُوا أَعْمَلَهُمْ } Ўша Кунда одамлар, уларга қилиб ўтган амалларининг жазо ёки мукофотлари кўрсатилиши учун тўда-тўда бўлиб чиқиб келурлар!

7- { فَمَنْ يَعْمَلْ مِنْقَالْ دَرَةٌ خَيْرًا يَرَهُ }
Бас, ким ҳаёти дунёдалик пайтида зарра мисқоличалик яхшилик қилса, Қиёмат Кунидан үшани кўур.

8- { وَمَنْ يَعْمَلْ مِنْقَالْ دَرَةٌ شَرًّا يَرَهُ }
Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўур! (Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам катта-кичиги бўлмайди. Ҳаммасининг ҳисоб-китоби бўлади, қиёматда жавоб бериш керак. Ҳар доим яхшиликни қилиб, агар у кўзга кўринмас зарра миқдорида бўлса ҳам, ёмонликдан қочиш керак.)

3-савол. Адият сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Адият сураси ва тафсири:

﴿وَالْعَدِيْدِيْتِ ضَبْحًا ① قَالْمُورِيْتِ قَدْحَا ② فَالْمُغِيْرَاتِ صَبْحًا ③ فَأَثْرَنَ يَهٰءِ نَعْمَانَ ④ فَوَسَطْنَ ⑤ يَهٰءِ جَمْعًا ⑥ إِنَّ الْإِنْسَنَ لِرِيْهٰ لَكَنُودُ ⑦ وَإِنَّهُ وَعَلَى ذَلِكَ لَشَهِيدُ ⑧ وَإِنَّهُ لَجِيْبٌ أَلْخَيْرٌ لَشَدِيدُ ⑨ * أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعْثَرَ مَا فِي الْقُبُوْرِ ⑩ وَحُصِّلَ مَا فِي الصُّدُوْرِ ⑪ إِنَّ رَبَّهُمْ بِهِمْ يَوْمَيْنِ لَخَيْرٌ ⑫﴾
[العاديات: 1-11]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Ҳарсиллаб чопувчи отлар билан қасам. Ўт чақнатиб чопувчи отлар билан қасам. Тонг чоғида ғорат қилувчи отлар билан қасам. Ўша пайтда чанг қўзғотдилар. Ва у ила жамоа ўртасига (ёриб) кирдилар. Албатта, инсон ўз Роббисига ношукрдир. Ва албатта, у ана шунга ўзи гувоҳдир. Албатта, у мол-дунёга ҳаддан ташқари ўчдир. У билмасми?! Қабрдагилар қўзғатилганда Ва кўкракларида ошкор бўлганда. Ўша кунда Роббилари улардан хабардор эканини?!» [Адият сураси: 1-11].

Тафсир:

1- { وَالْعَدِيْتُ ضَبَّحَا } (Аллоҳ йўлида) ҳарсиллаб чопадиган (от)ларга қасам; Бу ерда Аллоҳ юрганида ҳарсиллагани эшитиладиган отлар ила қасам ичмоқда.

2- { فَالْمُرِيْتُ قَدَّحَا } Чопган пайтида туёқларини ерга шунчалик қаттиқ урганидан чақмоқлар чақадиган отларга қасам;

3- { فَالْمُغِيْرُتُ صَبَّحَا } Тонг пайтида ёв устига бостириб борадиган от ларга қасам;

4- { فَأَثْرَنَ بِهِ نَقْعَا } Бас, ўшанды юрганларидан чанг-тўзон кўтариб;

5- { فَوَسْطَنَ بِهِ جَمْعًا } Шу чанг-тўзон билан душман жамоасининг ўртасига кириб келадиган отларга қасамки;

6- { إِنَّ أَلِإِنْسَنَ لِرَبِّهِ لَكُوْد } Шак-шубҳасиз, кофир инсон ўз Роббисига унга ато этган неъматларга қўрнамаклик қилувчиидир.

7- { وَإِنَّهُ عَلَى ذَلِكَ لَشَيْد } Ва шак-шубҳасиз, у бунга (ўзининг бу ношукурлигига) гувоҳдир. Инсон инкор қила олмайдиган даражада Аллоҳнинг неъматлари кўпdir.

{ وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَيْد } Ва шак-шубҳасиз, у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ берилувчиидир. Ва жуда қаттиқ молига баҳиллик қилувчиидир.

9- { أَفَلَا يَعْلَمُ إِذَا بُعْثِرَ مَا فِي الْفُبُور } Ахир у билмасмики, Қиёмат қойим бўлиб, қабрларнинг ичидаги нарсалар-жасадларга қайта жон ато этилиб, ташқарига ҳисоб-китоб, жазо ёки мукофот учун чиқарилганида, ишлар у ўйлагандай эмаслигини билади.

10- { وَخُصِّلَ مَا فِي الصُّدُور } Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида, яъни диллардаги ниятлар ва эътиқодлар ошкор бўлганида;

11- { إِنَّ رَبَّهُمْ بِهِمْ يَوْمَئِنْ لَّخَيْرٌ } Ана ўша Кунда шак-шубҳасиз, Роббилари улардан, яъни барча халойиқнинг ҳаёти дунёда қилиб ўтган ишларидан огоҳ-хабардор ва бандалари у зотдан ҳеч нарсани яшира олмайдилар. Кейин шу амалларига қўра Аллоҳ уларнинг мукофотини ёки жазосини беради.

4-савол: Ал-Қория сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб Ал-Қория сураси ва тафсири:

﴿الْقَارِعَةُ ﴿١﴾ مَا الْقَارِعَةُ ﴿٢﴾ وَمَا أَدْرَنَاكَ مَا الْقَارِعَةُ ﴿٣﴾ يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ
الْمَبْتُوشِ ﴿٤﴾ وَنَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنْفُوشِ ﴿٥﴾ فَأَمَّا مَنْ تَفَلَّتْ مَوَازِينُهُ ﴿٦﴾ فَهُوَ فِي عِيشَةٍ
رَاضِيَةٍ ﴿٧﴾ وَأَمَّا مَنْ حَفَّتْ مَوَازِينُهُ وَهَارِيَةٍ ﴿٨﴾ فَأَمَّا أَدْرَنَاكَ مَا هِيَةٍ ﴿٩﴾ نَارٌ حَامِيَةٌ ﴿١٠﴾﴾
[القارعة: 1-11]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Ал-Қориъату. Ал-Қориъату нима? Ал-Қориъат қандоқ нарса эканлигини сенга нима билдириди? У кунда одамлар тўзиб кетган капалакка ўхшаб қоларлар. Ва тоғлар титилган жунга ўхшаб қолар. Кимнинг тарозуси оғир келса... Бас, у розилик ҳаётидадир. Ва аммо кимнинг тарозуси енгил келса... Бас, унинг онаси дўзахдир. У қандоқ нарса эканлигини сенга нима билдириди? У қаттиқ қизиган ўтдир» [Қория сураси: 1-11].

Тафсир:

1-{ الْقَارِعَةُ } Ўз даҳшатлари билан кишилар қалбини қаттиқ қоққувчи Қиёмат!

2-{ مَا الْقَارِعَةُ } У қўрқинчлилигидан қаттиқ қоққувчи недур?!

3- { وَمَا أَدْرِكَ مَا لَفَّارْعَةٌ } Эй Пайғамбар, одамларнинг қалблариға күркүв киргизувчи даҳшатли овоз нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз?! Албатта, у Қиёмат кунидир.

4- { يَوْمَ يَكُونُ الْأَنْسُ كَالْفَرَاشُ الْمَبْثُوثُ } У Кунда одамлар түзғитиб юборилган парвоналар каби бўлиб қолурлар! (Яъни, қабрларидан чиқишиб, Қиёмат даҳшатидан ўзларини ҳар ёнга уриб-тўзиб кетадилар!)

5- { وَتَكُونُ الْجَهَانُ كَالْعَهْنُ الْمَنْفُوشُ } Тоғлар эса титилган жун каби (осмонда учиб) юрадиган бўлиб қолур.

{ فَأَمَّا مَنْ ثَقَلَتْ مَوْزِيْنَةُ } Бас, энди у қунда кимнинг тортилган (яхши амаллари, ёмон амалларидан оғир келса,

7- { فَهُوَ فِي عِيشَةٍ رَاضِيَةٍ } Жаннатда ҳар бир инсон рози бўладиган — орзу қиласиган ҳаётда бўлур.

{ وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوْزِيْنَةُ } Энди кимнинг тортилган яхши амаллари ёмон амалларидан енгил келса,

{ فَأَمَّهُ هَاوِيَةُ } Қиёмат куни унинг маскани жойи «жарлик»дир! Яъни Жаҳаннам.

{ وَمَا أَدْرِكَ مَا هَيَّةٌ } Эй Пайғамбар, унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?!

{ نَارٌ حَامِيَةٌ } У қаттиқ қизиган оловдир.

5-савол: Такасур сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Такасур сураси ва тафсири:

﴿أَلَّهُمُ اتَّكَاثُرٌ ۝ حَتَّىٰ زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ ۝ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ۝ ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ۝ كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ الْيَقِينِ ۝ لَتَرَوْنَ الْجَحِيمَ ۝ ثُمَّ لَتَرَوْنَهَا عَيْنَ الْيَقِينِ ۝ ثُمَّ لَتُشَكُّنَنَّ يَوْمَئِذٍ عَنِ التَّعْيِمِ ۝﴾ [التكاثر: 1-8]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Сизларни тўплаб-кўпайтириш машғул қилди! То қабрларни зиёрат қилгунингизча Йўқ! Сизлар тезда биласизлар. Яна йўқ! Сизлар тезда биласизлар. Йўқ! Агар сизлар аниқ илм или билганингизда эди. Албатта, жаҳаннамни кўрасизлар. Ва яна, албатта, уни ишонч кўзи билан кўрасизлар. Сўнгра ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласизлар» [Такасур сураси: 1-8].

Тафсир:

1-{ ﴿أَلَّهُمُ اتَّكَاثُرٌ﴾ } Эй инсонлар, сизларни мол-дунё тўплаб фаҳрланиш машғул қилди!

2-{ ﴿حَتَّىٰ زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ﴾ } Сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча, яъни ўлиб, қабрга киргунларингизча сизларни мол-дунё тўплаб-кўпайтириш машғул қилди!

3-{ ﴿كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ﴾ } Йўқ, сизлар яқинда Аллоҳнинг тоатидан машғул қилган бу қилмишларингизнинг оқибатини билурсизлар!

4-{ ﴿ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ﴾ } Яна бир бор йўқ, сизлар яқинда оқибатини билурсизлар.

5-{ ﴿كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ الْيَقِينِ﴾ } Йўқ, агар сизлар дунёга қул бўлиб қолишнинг оқибати нима эканлигини, эрта қиёмат бор эканини ва амалларингизга қараб мукофот ёки жазо олишингизни аниқ билганингизда эди, дунёга қул бўлиб қолмас эдингизлар!

6-{ لَئِرْؤُنَ الْجَحِيمَ } Қасамки, албатта сизлар қиёмат куни дўзахни кўурсизлар!

7-{ لَئِرْؤُنَهَا عَيْنَ الْبَيْنِ } Яна бир бор қасамки, сизлар уни аниқ шак-шубҳа қолмайдиган даражада кўурсизлар!

8-{ لَئِسْلَنْ يَوْمَنْ عَنَ الْلَّعِيْمِ } Сўнгра ана ўша кунда албатта ҳаёти дунёда сизларга ато этилган сиҳат-саломатлилик ва бойлик каби барча неъматлар тўғрисида масъул бўлурсизлар.

6-савол: Аср сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Аср сураси ва тафсири:

﴿وَالْعَصْرِ ۝ إِنَّ الْإِنْسَنَ لَفِي خُسْرٍ ۝ إِلَّا الَّذِينَ ظَاهَرُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ ۝ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبَرِ ۝﴾ [العصر: 1-3]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Аср билан қасам Албатта, инсон хусрондадир. (Хусрон-мағлубият, ютқизиқ ва нуқсон маъноларини англаади.) Магар иймон келтирганлар ва солиҳ амаллар қилганлар, бир-бирларини ҳақга чақирганлар ва бир-бирларини сабрга чақирганлар мустаснодир» [Аср сураси: 1-3].

Тафсир:

1-{ وَالْعَصْرِ } Аллоҳ таоло вақт билан қасам ичмоқда,

{ إِنَّ الْإِنْسَنَ لَفِي خُسْرٍ } Албатта, инсон хусрондадир. Хусрон-мағлубият, ютқизиш ва нуқсон маъноларини англаади.

{ إِلَّا الَّذِينَ ظَاهَرُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ ۝ } Фақат иймон келтирган ва яхши амаллар қилган, бир-бирларига Ҳақ йўлини тавсия этган ва бир-бирларига мана шу Ҳақ

йўлида сабр-тоқат қилишни тавсия этган зотларгина нажот топгувчидирлар.

7-савол: Ҳумаза сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Ҳумаза сураси ва тафсири:

﴿ وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَرَةٍ لُّمَرَةٍ ﴾ الَّذِي جَمَعَ مَالًا وَعَدَّهُ وَيَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدَهُ ﴿ كَلَّا لَيَثْبَدَنَّ فِي الْحُظْمَةِ ﴾ وَمَا أَدْرِكَ مَا الْحُظْمَةُ ﴾ نَارُ اللَّهِ الْمُوْقَدَةُ ﴾ الَّتِي تَطْلُعُ عَلَى الْأَفْئَةِ ﴾ إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّؤْصَدَةٌ ﴾ فِي عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍ ﴾ [الهمزة: 1-9]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Ҳар бир обрў тўкувчи ва айбловчига «вайл» бўлсин. У мол жамлади ва уни санаб турди. Моли, албатта, уни абадий қолдиур, деб ҳисоблар. Йўқ! Албатта у «хутома»га хор-зор этиб ташланар. «Хутома» қандоқ нарса эканини сенга нима билдирап? У Аллоҳнинг шиддатли, ўчмас оловидир. Қалбгача етиб борадир. Албатта, у уларнинг устидан қоплангандир. Узун-узун устунларга боғлангандирлар» [Ҳумаза сураси: 1-9].

Тафсир:

1- { وَيْلٌ لِّكُلِّ هُمَرَةٍ لُّمَرَةٍ } Барча кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обрўларини тўкиб юрадиган бўхтончи-ғийбатчига ҳалокат бўлгай.

2- { الَّذِي جَمَعَ مَالًا وَعَدَّهُ } У фақат мол тўплаган ва ўша мол-дунёни ҳисоб-китоб қилиб, бирон савобли ишга сарфламасдан юрган кимсадир.

{ يَحْسَبُ أَنَّ مَالَهُ أَخْلَدَهُ } У топган мол-дунёси ўзини мангу ўлмайдиган қилиб қўяди, деб ўйлаб юрган кимсадир.

4- { كَلَّا لِيَنْبَدَأُ فِي الْحُطْمَةِ } Иш бу жоҳил ўйлагандай эмас, албатта, у чилпарчин қилгувчи дўзах оловига ташланур! У олов кучлилигидан унга нима ирғитилса, чилпарчин қилиб ташлайди.

5- { وَمَا أَنْزَلْتُكَ مَا لِلْحُطْمَةِ } Эй Пайғамбар, чилпарчин қилгувчи олов нима эканлигини сен қаердан билар эдинг?!

6- { تَأْرِيزَةً لِلْمُؤْمِنَةِ } У Аллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки,

7- { الَّتِي تَطْلُعُ عَلَى الْآفَادَةِ } Ўз алангаси билан баданларни тешиб ўтиб, юракларга қадар етур!

8- { إِنَّهَا عَلَيْهِمْ مُّؤْصَدَةٌ } Албатта, дўзах кофирларнинг устида қопланиб қулфлангандир (яъни, на улар жаҳаннам қаъридан қутулиб чиқа олурлар ва на улар нафас олишлари учун бир ютум тоза ҳаво қилур!)

9- { فِي عَمَدٍ مُّمَدَّدَةٍ } (У кофирлар жаҳаннамда) узундан-узун устунлар билан қулфланиб қўйилган ҳолларида бўлурлар. Ундан улар чиқмаслар.

8-савол: Фил сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Фил сураси ва тафсири:

﴿أَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ يَأْصَحِّبِ الْفَيْلِ﴾ ﴿أَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ فِي تَضْلِيلٍ﴾ وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَابِيلَ ﴿تَرْمِيهِمْ بِحَجَارَةٍ مِّنْ سِجِيلٍ﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعْصِفٍ مَّأْكُولٍ ﴿[الفيل: 1-5]﴾

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлийман.

Роббинг фил соҳибларини қандоқ қилганини билмадингми? Уларнинг макруу ҳийласини зое кетказмадими? Ва уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадими? Лойдан пиширилган тошларни отадиганларни? Бас, уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юбормадими?» [Фил сураси: 1-5].

Тафсир:

۱- { كَيْفَ قُلَّ رُبُكَ بِأَصْحَابِ الْفَيْلِ } Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом, Роббингиз Аброҳа ва унинг асҳоблари фил эгалари Каъбани йиқитмоқчи бўлганларида, қандай ҳалок қилганини кўрмадингизми?

۲- { فَعَلَ مَنْ يَرْجُلُ فِي تَضَليلٍ } У зот уларнинг Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча ҳийла-найрангларини барбод қилмадими? Ундан одамларни кеткиза олмадилар ҳам унга қўлларининг учини ҳам теккиза олишмади.

۳- { وَأَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا أَبَلِيلٍ } У зот уларнинг устига тўп-тўп қушларни юборди.

۴- { تَرْمِيمُهِ بِحَجَارَةٍ مَّنْ سِجِيلٍ } Уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отардилар,

۵- { فَجَعَلَهُمْ كَعْصَفَ مَأْكُولٍ } Ва у тошлар уларни қурт-қумурсқалар чайнаб ташлаган сомон каби илма-тешик қилиб юборди!

9-савол: Курайш сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Курайш сураси ва тафири:

﴿لَا يَلِفِ قُرِيشٌ ① إِنَّفِيهِمْ رِحْلَةُ الشَّتَاءِ وَالصَّيفِ ② فَلَيَعْبُدُوا رَبَّ هَذَا الْبَيْتِ ③ الَّذِي

أَطْعَمَهُمْ مَنْ جُوعَ وَأَمْنَهُمْ مَنْ حَوْفٌ ④﴾ [Курайш: 4-1]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Курайшнинг лозим тутиши қандай яхши! Уларнинг қишиш ва ёз сафарларини ўзларига лозим тутишлари қандай яхши! Бас, улар мана шу Байтнинг Роббисига ибодат қиласинлар! У зот уларни очликдан тўқ қилган, хавфдан омон қилгандир» [Курайш сураси: 1-4].

Тафсир:

۱- { لَيْلَفِ فُرَيْشٍ } کурайшнинг лозим тутиши қандай яхши!
Бундан мурод, қишу ёздаги сафарларирид.

۲- { إِلَهُمْ رَحْمَةً لِّلشَّنَاءِ وَالصَّيْفِ } — Уларга қишида Яманга ва ёзда Шомга сафари осон қилиб қўйилгани учунгина;

۳- { قَلِيلُ بُدُوا رَبَّ هُذَا الْبَيْتٌ } Уларга сафарларини осон қилиб қўйган,
мана шу муқаддас уйнинг Роббисига ибодат қиласинлар! Унга ҳеч кимни шерик қилмасинлар.

۴- { الَّذِي أَطْعَمَهُمْ مَنْ جُوعٌ وَأَمَمَهُمْ مَنْ حَوْنٌ } У зот уларни очликдан қутқариб таомлантириди ва арабларни уларни улуғлайдиган ва ҳурмат қиладиган қилиб қўйди ва шу билан уларни хавфу хатардан омонда қилди.

10-савол: Маъун сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Маъун сураси ва тафсири:

﴿أَرَءَيْتَ الَّذِي يُكَذِّبُ بِاللَّهِينَ ﴿١﴾ فَذَلِكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتِيمَ ﴿٢﴾ وَلَا يَحْضُرُ عَلَى طَعَامِ الْمِسْكِينِ ﴿٣﴾ فَوَيْلٌ لِلْمُصَلِّيِنَ ﴿٤﴾ الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾ الَّذِينَ هُمْ يُرَاءُونَ ﴿٦﴾ وَيَمْنَعُونَ الْمُتَّاغُونَ ﴿٧﴾﴾ [Имран: 1-7]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Жазо кунини ёлғонга чиқарувчини кўрдингми? Ана ўша, етимни қўполлик билан ҳайдайдир Ва мискинларга таом беришга қизиқтиrmайдир. «Намозхонлар»га вайл бўлсин. Улар ўз намозларини унитувчилардир. Ана ўшалар риё қиласиганлардир. Ва маъунни ман қиласиганлардир» [Маъун сураси: 1-7].

Тафсир:

۱- { أَرْعَيْتَ الَّذِي يُكَتُّبُ بِالْدِينِ } Динни Охиратдаги жазони ёлғон, дейдиган кимсанинг қандай кимса эканлигини кўрдингизми, билдингизми?

۲- { فَذِلَكَ الَّذِي يَدْعُ الْيَتَمَ } Бас, бу етим-есирни қўполлик билан ҳайдаб соладиган,

۳- { وَلَا يَحْضُنُ عَلَى طَعَامِ الْمِسْكِينِ } Ва ўзини ҳам, бошқа кишиларни ҳам, мискин-бечорага таом беришга тарғиб қиласиган кимсадир.

۴- { فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلَّيِّنَ } Бас, «намозхон»ларга ҳалокат ва азоб бўлгайки,

۵- { أَلَّذِينَ هُمْ عَنِ الصَّلَاةِ مَسْأُونَ } Яъни улар намозларини унутиб қўядиган, ва намозларини эплаб-сеплаб ўқийдиган кимсалардир. Улар намозларига эътибор бермаганларидан вақти ўтиб кетгач ўқийдилар. (Булар кечиктириб ўқигани учун ва эътиборсиз ҳолда ўқигани учун дуойибатга йўлиқмоқдалар, энди умуман ўқимайдиганларнинг аҳволи не экан?! Аллоҳ барчамизни намозига эътибор берадиганлардан қилсин!)

۶- { الَّذِينَ هُمْ يُرَاءُونَ } Улар риёкорлик билан намоз ўқийдилар ва бошқа яхши амалларини ҳам кўр-кўрона одамлар учун

қиласилар. Амалларида Аллоҳнинг юзини истамайдилар, холис эмаслар.

7- { وَيَمْنَعُونَ الْمَاعُونَ } Ва рўзғор буюмларини ҳам кишилардан манъ қиласиган, яъни, бирон кишига фойдалари тегмайдиган кимсалардир!

11-савол: Кавсар сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Кавсар сураси ва тафсири:

[الکوثر : 1-3] ﴿ إِنَّ أَعْظَمِنَاكُلُوكُثُرٌ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخْرُ] ﴿ إِنَّ شَانِئَكُ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴾ ﴿ إِنَّ أَعْظَمِنَاكُلُوكُثُرٌ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخْرُ] ﴿ إِنَّ شَانِئَكُ هُوَ الْأَبْتَرُ ﴾

Жавоб: Кавсар сураси ва тафсири:

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлик сўй. Албатта, сени ёмон кўриб, айловчининг орқаси кесикдир» [Кавсар сураси: 1-3].

Тафсир:

1- { إِنَّ أَعْظَمِنَاكُلُوكُثُرٌ } Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, албатта Биз сизга кўп яхши нарсаларни бердик ва улар ичидан жаннатдаги Кавсар дарёсини ато этдик.

2- { فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَأَخْرُ } Бас, бунинг шукрири адо этинг. Сиз ёлғиз Роббингиз учун намоз ўқинг ва жонлик сўйиб, қурбонлик қилинг! Роббиларига шукр сифатида ўз санамларига жонлик сўядиган мушрикларга зид равища қилинг!

3- { إِنَّ شَانِئَكُ هُوَ الْأَبْتَرُ } Албатта, сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир, яъни беному бенишон бўлиб

кетгувчидир! Агар уни бирорта эсласа ҳам, ёмонлик ила эслайди.

12-савол: Кафирун сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Кафирун сураси ва тафсири:

﴿ قُلْ يَأَيُّهَا الْكَفَرُونَ لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَا عَبَدْتُمْ وَلَا أَنْتُمْ عَبْدُونَ مَا أَعْبُدُ لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِي دِينِي ﴾ [الكافرون: 6-1]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Айтинг: «Эй кофирлар! Мен сиз ибодат қилган нарсаларга ибодат қилмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиласиганга ибодат қилувчимассиз. Ва мен сиз ибодат қилган нарсага ибодат қилувчимассман. Ва сиз ҳам мен ибодат қилганга ибодат қилувчимассиз. Сизга ўз динингиз, менга ўз диним» [Кафирун сураси: 1-6].

Тафсир:

1- { ﴿ قُلْ يَأَيُّهَا الْكَفَرُونَ } Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом: «Эй Аллоҳга куфр келтирганлар!», - деб айтинг.

2- { لَا أَعْبُدُ مَا تَعْبُدُونَ } Мен сизлар ибодат қилаётган санамлару ва яна бошқа нарсаларга ҳозир ҳам, келажақда ҳам ибодат қилмасман.

3- { وَلَا أَنْتُمْ عَبْدُونَ مَا أَعْبُدُ } Ва сизлар ҳам мен ибодат қиласиган Аллоҳга ибодат қилувчи эмасдирсизлар.

4- { وَلَا أَنَا عَابِدٌ مَا عَبَدْتُمْ } Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилувчи эмасман.

5-{ وَلَا أَنْتَ عِبْدُونَ مَا أَعْبُدُ } Ва сизлар ҳам мен ибодат қиласынан ибодат қылгувчи эмасдирсизлар.

6-{ لَكُمْ بِيُنْكُمْ وَلِيَ دِينِ } Сизларнинг ўзинглар учун ясаб олган динингиз ўзларингиз учун, Аллоҳ менга туширган диним ўзим учундир!»

13-савол: Наср сурасини ўқинг ва тафсиранг!

Жавоб: Наср сураси ва тафсири:

﴿وَالْعَصْرِ ﴿١﴾ إِنَّ الْإِنْسَنَ لَفِي خُسْرٍ ﴿٢﴾ إِلَّا الَّذِينَ ءامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّلِحَاتِ وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ ﴿٣﴾ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبَرِ ﴿٤﴾ ﴿الْعَصْر: ١-٤﴾

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Вақтики, Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса... Ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кираётганини кўрсангиз... Бас, Роббингизни поклаб ёд этинг ва унга истиғфор айтигг. Албатта, у тавбаларни кўплаб қабул этувчиидир» [Наср сураси: 1-3].

Тафсир:

1-{ إِذَا جَاءَ نَصْرٌ اللَّهُ وَالْفَتْحُ } Эй Мұхаммад алайхис-салоту васалом, қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса; Бу сура тушганда Макка фатҳи рўй берган эди.

2-{ وَرَأَيْتَ النَّاسَ يَدْخُلُونَ فِي دِينِ اللَّهِ أَفْوَاجًا } Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб, Аллоҳнинг дини Ислом динига кираётганларини кўрсангиз;

3-{ فَسَيِّدْ حَمْدَ رَبِّكَ وَأَسْتَغْفِرُهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَابًا } Албатта, бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва салламнинг улуғ топшириқлари ўз ниҳоясига етгани ҳақидаги хабардир. Ва шу вақтда дарҳол

Роббингизга ҳамд айтиш билан у зотни ҳар қандай «шерик»лардан покланг ва у зотдан мағфират сўранг! Зоро, у тавбаларни қабул қилгувчи ва гуноҳларнр кечирувчи бўлган Зотdir.

14-савол: Масад сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Масад сураси ва тафсири:

﴿تَبَّتْ يَدَا أَيِّ لَهُبٍ وَتَبَّ ۚ مَا أَغْنَى عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ۚ سَيِّصَلَ نَارًا ذَاتَ لَهُبٍ ۚ وَأُمَرَّأَةٌ وَحَمَالَةٌ أَحْطَبَ ۚ فِي جَيْدِهَا حَبْلٌ مِّنْ مَسَدٍ ۚ﴾ [المد: 1-5]

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлийман.

Абу Лаҳабнинг икки қўли ҳалок бўлсин, ҳалок! Унга моли ва касб қилган нарсалари фойда бермади. У тезда чўғи қизиб турган ўтга киради. Ва унинг хотини, ўтин кўтарган аёл ҳам. У(аёл)нинг бўйнида эшилган арқон бор ҳолда» [Масад сураси: 1-5].

Тафсир:

1- { تَبَّتْ يَدَا أَيِّ لَهُبٍ وَتَبَّ } Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Лаҳаб ибн Абдулмуттолибнинг қилган амаллари учун қўллари қуригай — ҳалок бўлгай! Аниқки, у қуриди — ҳалок бўлди! Чунки у Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга жуда қаттиқ азият берарди.

2- { مَا أَغْنَى عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ } Мол-мулки, касб қилиб топган нарсалари ва фарзандлари унга асқотгани йўқ! Ундан на азобни даркор қилдилар ва на у учун Аллоҳнинг раҳматини жалб қила олдилар

3-{ سَيَصْلَى نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ } Яқинда қиёмат кунида у ловуллаб турган алангали дўзахга киражак!

4-{ وَأَمْرَأَتُهُ حَمَّالَةُ الْحَطَبِ } Ва унинг ўтинни орқасига илиб олиб, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига тикон ирғитган хотини Умму Жамийл ҳам дўзахга киради.

5-{ فِي جِبِيلٍ مِنْ مَسْدِ } — Бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини ҳам ловуллаб турган алангали дўзахда судралажак.

15-савол: Ихлос сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Ихлос сураси ва тафсири:

﴿فُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ﴿۱﴾ اللَّهُ الصَّمَدُ ﴿۲﴾ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوَلَدْ ﴿۳﴾ وَلَمْ يَكُنْ لَّهُ كُفُواً أَحَدٌ﴾

[إِلَخَاصٌ: 1-4]

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Айтинг: «У Аллоҳ ягонадир». Аллоҳ сомаддир. (Хожатларни ва рағбатларни қондирувчи) У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким teng бўлмаган. [Ихлос сураси: 1-4].

Тафсир:

1-{ فُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ } Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, айтинг: «У — Аллоҳ Ягонадир. Яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир.

2-{ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوَلَدْ } Аллоҳ барча ҳожатлар билан кўзлангувчи, яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга мұхтож эмасдир.

{ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوْلَدْ } У туғмаган ва туғилмагандир, яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий Зотдир.

{ وَلَمْ يَكُنْ لَّهُ كُفُوا أَحَدٌ } (Аллоҳ таолога бирор зот на зотида, на сифатида ва на амалида тенг бўлган эмас, бўлолмайди ҳам.) Ва маҳлуқотлардан ҳеч ким У зотга тенг эмасдир.

16-савол: Фалақ сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Фалақ сураси ва тафсири:

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿ وَمِنْ شَرِّ عَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴾ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاثَاتِ ﴿ فِي الْعُقَدِ ﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴾ [الفلق: 1-5]

«Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Тонг Роббисидан паноҳ сўрайман. У яратган нарсалар ёмонлигидан. Ва кириб келган қоронғулик ёмонлигидан. Ва тугунларга дам соловчилар ёмонлигидан. Ва ҳasad қилган ҳasadчининг ёмонлигидан, деб айт. [Фалақ сураси: 1-5].

Тафсир:

1- { قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ } Эй Мухаммад алайхис-салоту вас-салом, айтинг: «Мен тонг Роббисидан менга паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман;

2- { مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ } — Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан;

3- { وَمِنْ شَرِّ عَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ } — Зулмат кирган вақтда, тунда чиқадиган ўғриларми ёки бошقا ёмон ҳайвонларми уларнинг барчасидан паноҳ сўрайман.

{ وَمِنْ شَرِّ النَّفَّاتِ فِي الْعُقَدِ } — Тугунларга дам солгувчи жодугарларнинг ёмонлигидан; (Сехргарлар бирони сеҳрлаб зарар етказмоқчи бўлса, ип олиб, ўқийдиган нарсасини ўқиб, дам солиб, ипни бир тугиб, яна бир дам солиб, яна тугиб, охирига етказар экан.)

{ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ } — Ва Аллоҳ инсонларга берган неъматларини кўра олмай ҳасад қилаётган ҳасадгўйининг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб, илтижо қилурман. У ҳасади илиа бу неъматларни бандадан кетиши ва банда ёмон зарарларга учрашини хоҳлайди.

17-савол: Нас сурасини ўқинг ва тафсирланг!

Жавоб: Нас сураси ва тафсири:

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْنَّاسِ ۝ مَلِكِ الْنَّاسِ ۝ إِلَهِ الْنَّاسِ ۝ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ۝ أَلَّذِي يُوَسْوُسُ فِي صُدُورِ الْنَّاسِ ۝ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ۝ ﴾ [الناس: 1-6]

«Мехрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Одамлар Роббисидан Одамлар Подшоҳидан, Одамлар Илоҳидан паноҳ сўрайман, Беркиниб, кўриниб турувчи васваснинг, Одамлар қалбига васваса соладиганнинг, Жинлардан ва одамлардан бўлганнинг ёмонлигидан, деб айт. [Нас сураси: 1-6].

Тафсир:

1- { قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْنَّاسِ } Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, айтинг: «Мен барча инсонларнинг Роббисидан,

2-{ مَلِكُ الْأَنْوَاسِ } Барча инсонларнинг Подшоҳидан, Уларнинг барчасини тўлиқ бошқариб туради, улар учун ундан ўзга Подшоҳ йўқдир.

3-{ إِلَهُ الْأَنْوَاسِ } Барча инсонларнинг Илоҳидан, яъни маъбулларидан, уларнинг у зотдан бошқа сифинадиган зотлари йўқдир.

4-{ مِنْ شَرِ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ } Қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида яшириниб оладиган васвасачи шайтоннинг ёмонлигидан менга ўзи паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман,

5-{ الَّذِي يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ الْأَنْوَاسِ } У инсонларнинг дилларига васваса соладиган,

{ مَنْ أَلْجَأَ وَالْأَنْوَاسِ } Улар жин ва инсонлардан бўлган васвасачилардир. (Ўшаларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб, илтижо қилурман).

Ҳадис қисми

*Биринчи ҳадис:

1-савол: «Албатта, амаллар ниятларга кўра (баҳоланади)...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва унинг баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Амирул-мўъминийн Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадис: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деяётганларини эшиитдим: «Албатта, амаллар ниятларга кўра (баҳоланади). Ва ҳар бир кишига ўзи ният қилган нарсаси (бўлади). Кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг расули учун бўлса, демак, унинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг расули учун бўлибди (яъни, шу амалнинг савобини топибди). Кимнинг ҳижрати мол-дунёга эришиш ёки бир аёлга уйланиш учун бўлса, унинг ҳижрати ўзи ҳижрат (мақсад) қилган нарса учун бўлибди». Бухорий ва Муслим ривояти.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1: Намоз, рўза, ҳаж ва ундан бошқа амаллар учун, балки, ҳар бир амали учун ният қилиши шартdir.

2: Ният қилганда холис Аллоҳ учун қилишлик керак.

* Иккинчи ҳадис:

2-савол: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Мўминлар онаси, Умму Абдуллоҳ Оиша розияллоҳу анҳодан қилинган ривоят. У киши айтдилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», дедилар» Бухорий ва Муслим ривояти.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1: Динда бидъат қилишдан қайтариқ бор.
- 2: Янги чиқсан амаллар қабул бўлмаслиги ва у ишлари ўзига фойдасиз қайтарилади.

*Учинчи ҳадис:

3-савол: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтирган эдик...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтирган эдик. Бир пайт кийимлари оппоқ, соч-

соқоли қоп-қора, устида сафар аломати қўринмаётган (кийимларига гард қўнмаганки, узоқдан сафар қилиб келибди, десак) ва биронтамиз ҳам уни танимайдиган бир киши тўсатдан кириб келди. У Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтирди, икки тиззасини (Расууллоҳнинг) тиззаларига тиради (юзма-юз, бақамти бўлиб ўтириб олди), икки қўлини (ўзининг) сони устига қўйиб, «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер»-, деди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом – «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва албатта, Муҳаммад Унинг элчисидир»-, деб гувоҳлик беришинг, намоз ўқишинг, закотни беришинг, Рамазон (ойи) рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтга (Қаъбага) ҳаж қилиб боришинг», дедилар. У: «Тўғри айтдинг»-, деди. Унинг ишидан ажабландик: ўзи сўраб, (жавобни) ўзи тасдиқлаяпти. Кейин: «Менга иймон ҳақида хабар бер»-, деди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Иймон) Аллоҳга, Унинг малоика-фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва қадарнинг яхшию ёмонига иймон келтиришинг»-, дедилар. У (одам): «Тўғри айтдинг»-, деб, кейин «Энди эҳсон ҳақида хабар бер»-, деди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Эҳсон) Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг. Агар Уни қўрмасанг, У сени кўради (биринчи ҳолатдагидек ибодат қила олмасанг, унда иккинчи ҳолатдагидек – Аллоҳ сени кўриб турганини ҳис қилиб, Унга ибодат қилишинг)»-, дедилар. У (савол беришда давом этиб): «Қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида хабар бер»-,

деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У ҳақида сўралувчи сўровчидан илмлироқ эмас (сен унинг қачон бўлишини билмаганингдек, мен ҳам бу ҳақида ҳеч нарса билмайман)»-, дедилар. У: «Унда унинг аломатлари ҳақида хабар бер»-, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Аломатлари) чўри ўз бекасини туғиши (фарзанд улғайиб ўз онасига худди чўрисидек муомала қилиши), ялангоёқ, яланғоч, қашшоқ, (олдин) қўй боқиб юрган кишилар баланд-баланд бинолар қуришда ўзаро мусобақага киришиши»-, дедилар. Кейин у одам кетди. Бир муддат жим туриб қолдик. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Эй Умар, бу савол берувчи кимлигини биласанми?»-, дедилар. «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ»-, деб жавоб бердим. (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) «У Жибрил. Сизларга динингизни ўргатиш учун келган эди»-, деб айтдилар» Муслим ривояти.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1: Исломдаги беш руқннинг зикри, улар:

- Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад Унинг элчиси”-, деб гувоҳлик бериш,
- намозни барпо этиш (ўз вақтида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатганларидаи ўқиш),
- закот бериш,
- Рамазон (оий) рўзасини тутиш
- Байтга (Каъбага) ҳаж қилиб бориш,

2: Олти иймон арконларининг зикри, улар:

- Аллоҳга иймон келтириш
- фаришталариға
- китоблариға
- пайғамбарлариға
- Қиёмат кунига
- Тақдирнинг яхшию ёмонига

3: Эҳсон руқнларининг зикри ва у битта руқндири. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолони кўриб тургандай ёки у зот мени кўриб турибди деб ибодат қилиш.

4: Қиёмат соати қачон эканлигин Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмаслиги.

*Тўртинчи ҳадис:

4-савол: «Мўминларнинг иймони комилроғи...» ҳадисни тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи яхшироғидир», - дедилар. Термизий ривоят қиласидилар: «Саҳиҳ ҳасан ҳадис», - деган.

Ҳадисдаги фойдалар:

1: Хулқни гўзаллаштиришга ундашлиқ.

- 2: Хулқнинг комил бўлиши иймоннинг комиллигидандир.
- 3: Иймон зиёда бўлади ва сусаяди.

*Бешинчи ҳадис:

5-савол: «Ким Аллоҳнинг номидан бошқа билан қасам ичса...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким Аллоҳнинг номидан бошқа билан қасам ичса, куфр ёки ширк келтирибди**». Термизий ривояти

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- Аллоҳнинг номидан бошқа ном билан қасам ичса бўлмайди.
- Аллоҳ таолодан бошқа билан қасам ичиш кичик ширкдир.

*Олтинчи ҳадис:

6-савол: «Мен унга севимли бўлмагунимча, иймонли бўлмайди» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Анас розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Мен унга отаси,**

онаси ва барча инсонлардан севимлироқ бўлмагунимча, иймонли бўлмайди», - дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни барчадан кўпроқ севиш вожибидир.
- ва шундай севишилик иймоннинг комиллигидандир.

*Еттинчи ҳадис:

7-савол: «Сизлардан биронтангиз биродарига раво кўрмагунича.....» ҳадисини тўлиқ зикр этинг!

Жавоб: Анас ибн Молик розияллоҳу анхунинг ҳадиси: “Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан биронтангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлмайди», - дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- мўмин кишига ўзига яхши кўрган нарсаларини биродарига ҳам яхши кўриши керак.
- ва бу иймоннинг комиллигидандир.

*Саккизинчи ҳадис:

8-савол: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Абу Саъид розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, Бу (суро) Қуръоннинг учдан бирига тенгдир». Бухорий ривояти

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1: Ихлос сурасининг фазилати.
- 2: Ва бу суро Қуръоннинг учдан бирига тенг.

*Тўққизинчи ҳадис:

9-савол: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата Илла биллаҳ» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Абу Муса розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ» жаннат хазиналарининг бир хазинасидир». Бухорий ва Муслим ривояти

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1: Бу сўзнинг фазилати ва бу сўз жаннат хазиналаридан бир хазинадир.

2: Банда ўзи бирор иш қила олмаслигини ва қуч-қуввати йўқ эканини тан олиб ва фақат Аллоҳгагина суюниши.

*Ўнинчи ҳадис:

10-савол: «Огоҳ бўлинглар: жасадда бир парча гўшт борки...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган ҳадис. У киши айтдилар: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деяётганларини эшитдим: «... Огоҳ бўлинглар: Аллоҳнинг қўриқланадиган ери У ҳаром қилган нарсалардир. Огоҳ бўлинглар: жасадда бир парча гўшт борки, агар у яхши бўлса, бутун жасад ислоҳ (яроқли) бўлади, агар фосид (бузук) бўлса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинглар: у қалбdir!». Бухорий ва Муслим ривояти

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

1: Қалб яхши бўлса, инсоннинг ичи ҳам, таши ҳам яхши бўлади.

2: Қалбнинг салоҳиятига эътиборли бўлиш, чунки инсоннинг салоҳияти қалбга боғлангандир.

*Ўн биринчи ҳадис:

11-савол: «Кимнинг дунёдаги охирги сўзи: «Лаа илааҳа Илла Аллоҳ» бўлса...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кимнинг охирги сўзи **«Лаа илааҳа илла Аллоҳ»** бўлса, жаннатга киради», - дедилар. Абу Довуд ривояти

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

1: «Лаа илааҳа илла Аллоҳ» сўзининг фазилати ва бандада бу калима ила жаннатга кириши.

2: Дунёдаги охирги сўзи «Лаа илааҳа илла Аллоҳ» бўлган кишининг фазилати.

*Ўн иккинчи ҳадис:

12-савол: «Мўмин киши бирорни ҳақоратловчи ҳам лаънатловчи ҳам...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин киши ҳақоратловчи ҳам, лаънатловчи ҳам, тили хунук ҳам, беадаб ҳам бўлмайди». Термизий ривояти

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

- 1: Барча ботил ва қабиҳ суўзлардан қайтариш.
 - 2: Бу нарсалар билан мўминнинг тили безалиши лозим
- *Ўн учинчи ҳадис:

13-савол: «Кишининг исломининг чиройлилигидан...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Кишининг исломининг чиройлилигидан ўзига тегишлиқ бўлмаган нарсани тарк этиши». Термизий ва бошқалар ривояти

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

- 1: Инсонинг дунёсига ҳам, охиратига ҳам фойда бермайдиган нарсаларни тарк қилиши.
- 2: Кераксиз нарсаларни тарк қилиши исломининг комиллигидандир.

*Ўн тўртинчи ҳадис:

14-савол: «Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса...» ҳадисини тўлиқ зикр қилинг ва баъзи фойдаларини айтиб беринг!

Жавоб: Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу ривоят қиласидилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Ким** Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бунинг учун бир савоб бўлади. Ҳар бир савоб эса ўн баравари(га кўпайтирилади). «Алиф. Лаам. Мийм – бир ҳарф» демайман. Балки «Алиф» бир ҳарф, «Лаам» бир ҳарф, «Мийм» бир ҳарфdir», дедилар». Термизий ривояти

Ҳадисдан олинадиган баъзи фойдалар:

- 1: Куръон тиловатининг фазилати.
- 2: Ўқиган ҳар бир ҳарфингиз учун савоблар ёзилиши.

Исломий одоблар қисми

Аллоҳ таолога нисбатан мўминнинг одоби:

1–савол: Аллоҳ таолога нисбатан мўминнинг одоби қайсилар?

Жавоб:

- 1-Аллоҳ таолони улуғлаш
- 2: Ёлғиз унгагина ибодат.
- 3: Аллоҳга итоат қилиш
- 4: Унга осийлик қилмаслик.
- 5: Аллоҳ азза ва жалланинг берган сон-саноқсиз неъматларига ва бизнинг устимиздаги фазлига шукр қилиш ва ҳамд айтиш.
- 6: Пешонамизга ёзган тақдирига сабр қилиш.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан мўминнинг одоблари

2–савол: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан мўминнинг одоблари қайсилар?

Жавоб:

- 1: У затга эргашиш ва иқтидо қилиш.
- 2: Итоат қилиш.
- 3: Осийлик қилмаслик.
- 4: Хабар берган нарсаларини тасдиқлаш.
- 5: Пайғасбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг суннатларига зиёдалар қўшиб бидъат ишларни чиқармаслик.
- 6: Ўзидан ва барча инсонлардан кўпроқ севиш.
- 7: У кишини улуғлаш, у кишига ва суннатига ёрдам бериш.

3-савол: Ота-онага нисбатан бўлган одоблар қайсилар?

Жавоб:

- 1: Маъсият бўлмаган ўринда итоат қилиш.
- 2: Ота-онага хизмат қилиш.
- 3: Ота-онага ёрдам бериш.
- 4: Ота-онанинг эҳтиёжларини қондириш.
- 5: Ота-онанинг хаққига дуо қилиш.
- 6: Гаплашаётганда одобли бўлиш ҳаттоки «уф» дейиш ҳам мумкин эмас. Шундай экан, ундан ёмонроғини умуман айтиш мумкин эмас.

7-Ота-онанинг юзларига табассум ила боқиши ва қовоғини солиб олмаслик.

8-Ота-онанинг овозидан овозини баланд қилмаслик, гапларига яхшилаб қулоқ тутиш, гапларини ўртасидан бўлмаслик ва уларни исмлари билан чақирмаслик, балки «ота», «она» деб нидо қилиш.

9: Уларнинг олдига киришдан олдин изн сурашлик.

10: Ота-онамизнинг қўлларини, бошларини ўпишлик.

Силаи раҳмнинг одоблари

4–Қандай силаи раҳм қиласман?

Жавоб:

1: Ака-ука, опа-сингил, амма-хола, тоға-амаки ва бошқа қариндошларни зиёрат қилиш ила

2: Сўз ва феъл ила уларга яхшилик қилиш ила

3: Уларга қўнғироқ қилиб, аҳволларини сўраш.

Аллоҳ йўлида биродарчиликнинг одоблари

5–савол: Биродарларим ва дўстларим билан қандай аҳволда бўлишим лозим?

Жавоб:

1: Яхши қўраман ва яхшиларни дўст тутаман.

- 2: Ёмонлардан четланаман ва дўст бўлмайман.
- 3: Биродарларимга қўл бериб саломлашаман.
- 4: Агар касал бўлсалар, зиёрат қиласман ва уларга шифо тилаб, дуо қиласман.
- 5: Акса бериб «алхамдуиллаҳ» деса, «ярхамукаллоҳ» дейман.
- 6: Агар мени зиёратга чақирса, бораман.
- 7: Ва унга насиҳат қиласман.
- 8: Зулм кўрса ёрдам бераман ва зулм қилса, уни зулмдан тўсаман.
- 10: Ўзимга яхши кўрган нарсани унга ҳам яхши кўраман.
- 11: Агар ёрдамга муҳтожлиги бўлса, ёрдам бераман.
- 12: Тил билан ёки танам билан азият бермайман.
- 13: Сирини сақлайман.
- 14: Ҳақоратламайман, ғийбатини қилмайман, пастга урмайман, ҳасад қилмайман, орқасидан жосуслик қилмайман ва алдамайман.

Қўшничилик одоблари

6–савол: Қўшничилик одоблари қайсилар?

Жавоб:

- 1: Кўшнимга сўз ва феъл ила яхшилик қиласман ва агар ёрдамимга муҳтож бўлса, ёрдам бераман.

2: Ҳайит ёки тўй каби хурсандчилик кунларида табриклайман.

3: Касал бўлса, унинг зиёратига бораман, агар бошига мусибат етса, таъзия билдираман.

4: Қўлимдан келгунча овқат томонлама ёрдам бераман.

5: Сўз ёки феъл ила унга азият бермайман.

6: Баланд овоз билан ёки орқасидан жосуслик қилиш билан азият бермайман. Агар менга азият берса, сабр қиласман.

Меҳмондорчилик одоблари

7-савол: Меҳмондорчилик ва меҳмон

одоблари нимадан иборат?

Жавоб:

1: Кимда ким мени меҳмонга чақирса, унинг чақириғига жавоб бераман.

2: Агар бирорни зиёрат қилмоқчи бўлсам, аввало, ундан изн ва вақт сўрайман.

3: Унинг олдига киришдан олдин киришга изн сўрайман.

4: Белгиланган вақтдан кечга қолмайман.

5: Меҳмонга борган уйимдаги номаҳрам аёллардан кўзимни тияман.

6: Агар менинг уйимга меҳмон келса уни энг ажойиб ҳолда, очиқ чеҳра ила кутиб оламан.

7: Меҳмонни энг яхши жойга ўтиргизаман.

8: Овқат ва бошқа ичадиган нарсалар ила икром қиласман.

Касаллик одоблари

**8: савол: Касал бўлган пайтдаги
одобларни ва касалнинг зиёратига
борганда айтиладиган одобларни айтиб
беринг!**

Жавоб:

1: Бирор оғриқни сезган пайтимда, ўнг қўлимни ўша оғриётган ерга қўйиб, уч маротаба «Бисмиллаҳ» деб айтаман ва «Аллоҳнинг иззати ва қудурати или тортაётган аламимдан паноҳ беришини сўрайман», – деб етти маротаба айтаман.

2: Аллоҳнинг тақдирига рози бўламан ва сабр қиласман.

3: Касал биродаримнинг зиёратига шошиламан, ҳаққига дуо қиласман ва унинг олдида кўп ўтирамайман.

4: Мендан талаб қилмасидан дам солиб қўяман.

5: Сабр қилишга, Аллоҳга дуо қилишга, намозга ва таҳоратга махкам бўлишга чақираман.

6: Касалнинг ҳаққига «Ас'алуллоҳал ъазийм роббал ъаршил ъазийм ан яшфияк», - деб етти маротаба дуо қилишилик.

Илм талаб қилишнинг одоблари

9–савол: Толиби илмнинг одобларини зикр қилинг!

Жавоб:

- 1: Аллоҳ азза ва жаллага холис ният қилиш.
- 2: Ўрганган илмимга амал қилишим.
- 3: Қандай ҳолда бўлса ҳам, муаллимимни улуғлайман ва хурмат қиласман.
- 4: Унинг олдида одоб ила ўтираман.
- 5: Унга жим қулоқ соламан ва дарсини бўлмайман.
- 6: Савол берганда одоб ила савол бераман.
- 7: Исми ила нидо қилмайман.

Мажлис одоблари

10–савол: Мажлис одоблари қайсилар?

Жавоб: 1: Мажлис аҳлига салом бераман.

2: Мажлис тугаган ерга ўтираман. Бирортани ўзим ўтиришим учун турғизмайман. Икки кишининг орасига ўтиromoқчи бўлсан, изн сўраб кейин ўтираман.

3: Бошқа одам ўтириши учун силжиб ўтираман.

4: Мажлисда гапни бўлмайман.

5: Мажлисдан чиқишдан олдин изн сўрайман ва салом бераман.

6: Мажлис тугагач, мажлис каффорати дуосини ўқийман. «Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик, Ашҳаду алла илааха илла Ант. Астағфирика ва атўўбў илайк».

Уйқу одоблари

11–савол: Уйқу одобларини зикр қилинг!

Жавоб:

- 1: Эрта ухлайман.
- 2: Таҳоратда ухлайман.
- 3: Қорнимни ерга қилиб ухламайман.
- 4: Ўнг томонимни босиб ётаман ва ўнг қўлимни ўнг юзимга кўяман.
- 5: Тўшагимни қоқаман.
- 6: Уйқу зикрларини тиловат қиласман, Ихлос, Фалақ ва Наас сураларини уч маротабадан ўқийман. «Аллоҳнинг исми билан ўласман ва тириласман», - дейман.
- 7: Бомдод намозига тураман.
- 8: Уйқудан тургандан сўнг: *الحمد لله الذي أحيانا بعده ما أماتنا وإليه التسetur*. «Бизга ўлдиргандан сўнг (яна) ҳаёт берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш унгадир!», - деб айтаман.

Таом одоблари

12–савол: Таом одоблари қайсилар?

Жавоб:

- 1: Еб-ичиш ила Аллоҳ таолога итоат қилишни ният қиласман.
- 2: Ейишдан олдин икки қўлимни юваман.

3: «Бисмиллаҳ» дейман ва ўнг қўл билан олдимдан олиб ейман. Лаганнинг ўртасидан ёки бошқанинг олдидан олиб емайман.

4: Агар бошида «Бисмиллаҳ» дейишини унутсам, «Бисмиллаҳи аввалиҳи ва ахирини», - деб айтаман.

5: Бор овқатга рози бўламан, овқатни айбламайман. Агар ёқса ейман, ёқмаса жимгина емайман.

6: Бир неча луқмагина ейман, кўп емайман.

7: Ичимликка ёки овқатга пуфламайман. Совигунча тегмай турман.

8: Овқатни бошқа бирорта билан ейман. Оилам ёки меҳмон билан бирга ейман.

9: Катталардан олдин овқат ейишни бошламайман.

10: Бир нарса ичаётганда ҳам «Бисмиллаҳ»ни айтаман, ўтириб, учга бўлиб ичаман.

11: Овқат еб битгач Аллоҳга ҳамд айтаман.

Либос одоблари

13–савол: Либос одобларини санааб беринг!

Жавоб: 1: Кийимимни ўнг томондан кия бошлайман. Аллоҳга кийим кийгандан сўнг ҳамд айтаман.

2: Кийимни қизил ошиқдан пастга туширмайман.

3: Ўғил болалар қиз болаларнинг, қизлар ўғил болаларнинг кийимини киймайди.

4: Кофир ва фосиқларнинг кийимига ўхшаш кийим киймаслик.

5-Кийимларни ечаётиб «Бисмиллаҳ»ни айтиш.

6-Оёқ кийимни ўнг оёқдан кийиб, чап оёқдан ечишлик.

Уловга миниш одоблари

14–савол: Уловга миниш одобларини айтиб беринг!

Жавоб: 1: «Бисмиллаҳ, алҳамдулиллаҳ»,

﴿لَتَسْتَوْرُ أَعْلَى طُهُورِهِ ثُمَّ تَذَكُّرُوا نَعْمَةَ رَبِّكُمْ إِذَا أَسْتَوْيُمْ عَلَيْهِ وَقُولُوا سُبْحَانَ اللَّهِ
سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ ﴾١٣﴾ [الزخرف: 14-13] ﴿الزخرف: 14-13﴾

«Бизга буни бўйсундирган зот покдир. Биз бунга қодир эмас эдик Ва, албатта, Биз Роббимизга қайтгувчилардирмиз», - деб айтаман. [Зухруф сураси: 13-14].

2: Агар мусулмон кишининг олдидан ўтсан, унга салом бераман.

Йўл одоблари

15–савол: Йўл одобларини айтиб беринг!

Жавоб:

1: Тўғриланиб тавозеъ ила юраман ва йўлнинг ўнг томонидан юраман.

- 2: Йўлиққан инсонимга салом бераман.
- 3: Кўзимни тияман ва бирорга зиён бермайман.
- 4: Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтараман.
- 5: Йўлдан азият берувчи нарчаларни олиб ташлайман

Уйга кириш ва уйдан чиқиш ободлари

16–савол: Уйга кириш ва ундан чиқиш одобларини зикр қилинг!

Жавоб:

1: Чап оёғим билан чиқаман ва: «Бисмиллаҳи, Аллоҳга таваккал қилдим. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва қувват ёлғиз Аллоҳдандир. Эй Аллоҳ, мен Сендан адашишдан ёки адаштирилишдан, тойиш ёки тойдирилишдан, ёки зулм қилиш ёки зулмланишдан, ёки (бировга) жоҳиллик қилиш, ёки менга жоҳиллик қилинишдан паноҳ беришингни сўрайман», - деб айтаман.

2: Уйга ўнг оёғим билан кираман ва: «Аллоҳ номи билан кирдик ва Аллоҳ номи билан чиқдик ва Парвардигоримизга таваккал этдик.» .

3: Биринчи қиласидаган ишим мисвок қилиш бўлади. Сўнгра аҳли оиласига салом бераман.

Ҳожат ўташнинг одоблари

17–Ҳожат ўтамоқнинг ободларини зикр қилинг!

Жавоб:

- 1: Чап оёғим билан кираман.
- 2: Кирішдан олдин: «[Бисмиллах]. Эй Аллоҳ! Албатта, мен Сендан әрқак ва урғочи жинлардан паноҳ беришиңгни сүрайман», - деб айтаман.
- 3: Аллоҳнинг зикри бўлган бирор нарсани олиб кирмайман.
- 4: Ҳожат ўтаётиб парда ёпиб оламан.
- 5: Ҳожат ўталадиган ўринда гапирмайман.
- 6: Ҳожатимизни адо қилаётган вақтимизда қиблани орқа томонимизга ҳам олди томонимизга ҳам қилмаймиз.
- 7: Нажосатни кеткизишлиқда ўнг қўлимизни эмас, балки, чап қўлимизни ишлатамиз.
- 8: Ҳожатимизни одамлар юрадиган ёки соясида дам оладиган жойга адо қилмаймиз.
- 9: Ҳожатимизни адо қилгандан сўнг қўлимизни яхшилаб ювамиз.
- 10: Ҳожатхонадан чап оёғимизда чиқамиз ва "Ғуфроонака" (маъноси: "Аллоҳим сенинг мағфиратингни сўраймиз"), - деб айтамиз.

Масjid одоблари

18–савол: Масжиднинг одоблари қандай?

Жавоб:

1: Масжидга ўнг қадамимиз билан кириб қуйидаги дуони ўқиймиз: "Бисмиллах, Аллоҳуммаftаҳ лий абааба роҳматика" маъноси: "Бисмиллах, Аллоҳим менга раҳмат эшикларингни очгин!"

2: Икки ракат намоз ўқиб сўнgra ўтирамиз.

3: Намоз ўқиб турган одамлар олдидан кесиб ўтмаймиз, йўқолган нарсасини излаб бақириб турган одамга жавоб бермаймиз ва масжидда олди сотти қилмаймиз.

4: Масжиддан чап оёғимизда чиқиб, ушбу дуони ўқиймиз: "Аллоҳумма инний асьалука мин фадлика" (маъноси: "Аллоҳим, мен сенинг фазли карамингдан ато этишингни сўрайман!")

Саломлашиш одблари

19–савол: Саломлашиш одблари қандай?

Жавоб:

1: Агар мусулмон кишини кўрсак " Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатуху", - деб салом берамиз. Саломсиз ёки қўлимизнинг ўзини кўтариб қўйишлик одобга тўғри келмайди.

2: Саломлашган одамимизнинг юзига қараб табассум қиласиз.

3: Ўнг қўлимиз билан саломлашамиз.

4: Агар бизга бирор киши салом берса унга ундан ҳам яхшироқ ёки ҳеч бўлмаса салом берганидек жавоб қайтарамиз.

5: Кофир инсонга саломни биринчи бўлиб бермаймиз. Агар у салом берса унга шу сингари жавоб қайтарамиз.

6: Ёши кичиклар катталарга, уловдагилар пиёдаларга, юриб кетаётганлар ўтирганларга ва оз жамоат қўпчиликка салом беради

Манзилга киришлик учун изн сўраш одоблари

20–савол: Изн сўраш одоблари қандай?

Жавоб:

1: Бирор бир манзилга киришлик учун аввал изн сўраймиз.

2: Уч маротаба киришлик учун изн сўраймиз кейин эса ортимизга қайтиб кетамиз.

3: Эшикни уч маротаба оҳисталик билан чақирамиз ва эшикка юзимиз билан қараб эмас, балки, ўнг ёки чап томонимизда қилиб турамиз.

4: Ота онамиз ёки бошқаларнинг ётоқхоналарига изн сўрамасдан кирмаймиз. Хусусан, бомдод намозидан олдин, қайлула вақтида ва хуфтондан кейин изн сўрамасдан киришлик мумкин эмас.

5: Яшалмайдиган касалхона ва бозор сингари жойларга изн сўрамасдан киришликда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Хайвонларга шафқатли бўлиш одоблари

21-савол: Хайвонларга шафқатли бўлиш одоблари қандай?

Жавоб:

- 1: Ҳайвонларни озуқаси ва сувини берамиз.
- 2: Ҳайвонларга раҳмдил бўламиз ҳамда уларга тоқати кўттармайдиган нарсаларни юкламаймиз.
- 3: Уларни азобламаймиз ва озор бермаймиз.

Спорт билан шуғулланишлик одоблари

22-савол: Спорт билан шуғулланишлик одоблари қандай?

Жавоб:

- 1: Машғулотларимиздан мақсад Аллоҳ таолонинг ризоси ва тоат ибодатига кучли бўлишни мақсад қиласиз.
- 2: Намоз вақтларида ўйнамаймиз.
- 3: Ўғил болалар қизлар билан аралаш ҳолатда шуғулланмайди.
- 4: Агар спорт учун бирорта кийим кийсак авратларимизни ёпиши зарур.

5: Ҳаром бўлган спорт турлари билан шуғулланмаймиз. Жумладан, юзга уриладиган ва авратлар очиладиган спорт турларига қатнашишлик мумкин эмас.

Ҳазиллашиш одоблари

23–савол: Ҳазиллашиш одоблари қандай?

Жавоб:

- 1: Ҳазиллашишда ростгўй бўлиш ҳам ёлғон гапирмаслик.
- 2: Ҳазилимиз масхара ва бирорларга озор беришдан холи бўлиши.
- 3: Кўп ҳазиллашмаслик.

Аксириш одоблари

24–савол: Аксириш одоблари қандай?

Жавоб:

- 1: Аксирганда оғзимизни қўлими ёки кийимимиз, ёки дастрўмол билан ёпишлик.
- 2: Аксиргандан сўнг Аллоҳга ҳамд айтиш.
- 3: Аксирган одам ҳамд айтса унга "Ярҳамукааллоҳ" деб айтиш.
- 4: Агар унга " Ярҳамукааллоҳ", - деб айтилса, " Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳу баалакум", - деб айтиш.

Эснаш одоблари

25–савол: Эснаш одоблари қандай?

Жавоб:

- 1: Эснаганда оғизни ёпишликка ҳаракат қилиш.
- 2: Эснаганда овоз чиқармаслик.
- 3: Оғизни құл билан ёпишлик.

Қуръони каримни тиловат қилишлик одоблари

26–савол: Қуръони карим тиловат қилишлик одоблари қандай?

- Жавоб:
- 1: Қуръони каримни таҳорат билан ўқишилик.
 - 2: Одоб ва виқор билан ўтиришлик.
 - 3: Тиловатни бошлашдан олдин "аъзубиллах"ни ўқишилик.
 - 4: Тиловат қылғанда тадаббур билан ўқишилик.

Одоб–ахлоқлар қисми

1-савол: Чиройли хулқнинг қандай фазилати бор?

Жавоб: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мўъминларнинг энг тўлиқ иймонлиги хулқи чиройли бўлганидир». Термизий ва Аҳмад ривояти

2-савол: Нима учун исломий ахлоқларга амал қиласиз?

Жавоб:

- 1: Чиройли хулқ Аллоҳнинг яхши кўришлигига сабаб бўлади.
- 2: Инсонларнинг ҳам яхши кўришигининг сабаби чиройли хулқдир.
- 3: Қиёмат кунида тарозидаги энг оғир нарса.
- 4: Ажр савобнинг қўпайтириб берилиши ҳам чиройли хулқ сабабли бўлади.
- 5: Иймоннинг комил бўлишлигининг аломати.

3-савол: Чиройли хулқлар қаердан олинади?

Жавоб: 1: Чиройли хулқлар, аввало, Куръони каримдан олинади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ هَذَا الْقُرْءَانَ يَهْدِي لِلّٰتِي هِيَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ الْمُؤْمِنِينَ الَّذِينَ يَعْمَلُونَ الصَّالِحَاتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا﴾ [الإسراء: 9]

«Албатта, бу Қуръон энг түғри йўлга ҳидоят қилур» [Исрө сураси: 9].

2: Ҳадиси шарифдан олинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Албатта, мен чиройли хулқларни тўлиқлашлик учун юборилганман». Аҳмад ривояти

4-савол: Эҳсон сифатидаги чиройли хулқлар ва уларнинг кўриниши.

Жавоб:

Эҳсон- Аллоҳ таолонинг доимо кузатиб туришлигини сезиб юриш ҳамда бандаларга яхшилик қилишликдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсада яхшилик(қилиш)ни ёзиб қўйди». Муслим ривояти

Эҳсоннинг кўринишлари қўйидагича:

Аллоҳнинг ибодатида эҳсон қилишлик. Бу эса ихлос орқали амалга ошади.

Ота-онага яхшилик қилишлик сўз ва амал орқали амалга ошади.

Қавму қариндошларга яхшилик қилишлик.

Кўшниларга яхшилик қилишлик.

Етим ва мискинларга яхшилик қилишлик.

Ўзимизга ёмонлик қилган кишиларга яхшилик қилишлик.

Гапиришликда хушмуомала бўлишлик.

Баҳс-мунозарада одобли бўлишлик.

Ҳайвонларга яхшилик қилишлик.

5-савол: Эҳсоннинг қарисида нима туради?

Жавоб:

Эҳсоннинг зидди ёмонлик қилишdir.

Булар жумласидан ибодатда ихлосни йўқотиш.

Ота-онага оқ бўлиш.

Қариндош-уруғчиликни узиш.

Ёмон қўшничилик.

Фақир-мискинларни тарк қилиш ва ундан ташқари бошқа ёмон сўз ва феъллар

6-савол: Омонатнинг турларини ва кўринишларини айтиб беринг!

Жавоб:

1-Аллоҳ таолонинг хуқуқларини сақлашликдаги омонат.

Омонатнинг кўринишларидан: намоз, закот, рўза, ҳаж ва бошқа Аллоҳ фарз қилган ибодатларни бажаришда омонатгўй бўлишлик.

2-Бандаларнинг хуқуқларини бажаришдаги омонатлар:

- Инсонларнинг обрўларини сақлаш.
- Мол-дунёларини
- Қонларини
- Сирларини ва жамийки сенга омонат топширган нарсаларини сақлашдир.

Муваффақиятга эришувчиларнинг сифатларини зикр қилиб Аллоҳ айтадики:

﴿وَالَّذِينَ هُمْ لَا مَنْتَهِيْمُ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ﴾ [المؤمنون: 8]

«Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир» [Мўминўн сураси: 8].

7-савол: Омонатнинг зидди нима?

Жавоб: Хиёнат, бу Аллоҳнинг ва инсонларнинг хуқуқларини зое қилишдир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқнинг аломати учтадир», – дедиларда, – «Агар унга омонат топширилса, хиёнат қиласи», - дедилар. Муттафақун алайҳ

8-савол: Ростгўйлик сифатини зикр қилинг!

Жавоб: Ҳақиқатни айтиш ёки бир нарса қандай бўлса, шундай сифатлаш.

Унинг кўринишларидан:

Инсонлар билан мулоқотда ростгўй бўлишлик.

Ваъдага вафо қилишлик.

Ҳар бир сўз ва амалда ростгўй бўлиш.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ростгўйлик яхшиликка олиб боради. Яхшилик эса жаннатга олиб боради. Киши рост сўзлаб юради. Ҳаттоқи, Аллоҳ хузурида сиддиқ (ростгўй) деб ёзилади», - дедилар. Муттафақун алайҳ

9-савол: Ростгўйликнинг зидди нима?

Жавоб: Ёлғончилик, Бу ҳақиқатнинг зидди. Улардан: Инсонлар билан мулоқотда ёлғончилик қилиш ва ёлғондан гувоҳлик бериш кабилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ёлғончилик ёмонликка олиб боради. Ёмонлик эса дўзахга олиб боради. Киши ёлғон сўзлаб юради. Ҳаттоқи, Аллоҳ хузурида каззоб (ёлғончи) деб ёзилади», - дедилар. Муттафақун алайҳ Яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқнинг белгиси учтадир» – дедиларда – «Гапирса, ёлғон гапиради ва агар ваъда берса, хилоф қиласи», - дедилар. Муттафақун алайҳ

10-савол: Сабрнинг турларини зикр қилинг!

Жавоб:

- Аллоҳнинг итоатида сабр қилиш.

- Маъсиятлардан сақланиб сабр қилишлик.

- Аллоҳнинг тақдирига ёзган аламларига сабр қилиш ва барча холатларда Аллоҳга ҳамд айтиш.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَكَانُوا مِنْ أُولَئِنَّى قَاتَلُ مَعَهُ رِبِّيُّونَ كَثِيرٌ فَمَا وَهَنُوا لِمَا أَصَابَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَمَا ضَعْفُوا وَمَا أُسْتَكَانُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الظَّاهِرِينَ﴾ [آل عمران: 146]

«Аллоҳ сабрлиларни севади» [Оли-Имрон сураси 146].

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўминнинг иши ажабланарли, ҳайратомуздир. Ҳамма иши унга яхшилик келтираверади. Бу мўминларга хос бўлиб, улардан бошқаларда ундей эмас. Агар унга хурсанд қилувчи нарса етса, шукр қиласиди. Бу у учун яхшидир. Агар зарар берувчи нарса етса, сабр қиласиди. Бу ҳам унинг учун яхши бўлади», - дедилар. Муслим ривояти

11-савол: Сабрнинг зидди нима?

Жавоб: Аллоҳга итоат қилишда, маъсиятларда бетоқатлик, сабрсизлик қилиш ва тақдирига ёзган нарсаларига сўз ва феъл билан ғазабини кўрсатиш.

Кўринишларидан:

- Ўлимни орзу қилиш.
- Ўзининг юзига уриш.
- Кийимини йиртиш
- сочини юлиш
- ўзини дуойибад қилиши.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, мукофотнинг катталиги балонинг катталигига қараб бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло қачон бир қавмга муҳаббат қилса, бало ила синаб кўради. Ким рози бўлса, унга ризолик бўлади. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бўлади», - дедилар. Термизий ва Ибн Можа ривояти

12-савол: Ёрдамлашиш хулқини зикр қилинг!

Жавоб: Инсонлар яхшилик ва ҳақда бир-бирларига ёрдам беришларидир.

Ёрдамлашишнинг қўринишлари:

- Ҳақларни ўз эгаларига қайтаришда ёрдамлашиш.
- Золимнинг зулмидан қайтаришдаги ёрдамлашиш.
- Инсонларнинг ва мискинларнинг ҳожатларини ўташдаги ёрдамлашиш.
- Барча яхши ишларда ёрдамлашиш.
- Гуноҳ, маъсият ва одамларга азият беришда ёрдамлашмаслик

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا لَا تُحِلُّو شَعْبَرَ الْحَرَامَ وَلَا الشَّهْرَ الْحَرَامَ وَلَا الْقَاتِدَ وَلَا عَامِينَ الْبَيْتَ الْحَرَامَ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنْ رَبِّهِمْ وَرِضْوَانًا وَإِذَا حَلَّتُمُ فَاصْطَادُوا وَلَا يَجِرِّمَنَّكُمْ شَيْئًا قَوْمٌ أَنْ صَدُّوكُمْ عَنِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ أَنْ تَعْدُوا وَتَعَاوَنُوا عَلَى الْبِرِّ وَالثَّقَوَى وَلَا تَعَاوَنُوا عَلَى الْإِلَمِ وَالْعُدُوَّنَ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴾ [المائدة: 2]

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва душманлик йўлида ҳамкорлик қилманд. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ иқоби шиддатли зотдир» [Маида сураси: 2].

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўъминлар бир-бирига ёпишган иморат кабидир. Баъзиси баъзисини мустаҳкамлаб туради», - дедилар. Муттафақун алайҳ Ва яна Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон мусулмоннинг биродариридир – унга зулм қилмайди, уни (қийналган вақтида) ёрдамсиз ташлаб қўймайди. Банда биродарини ҳожатини аритар экан, Аллоҳ унинг ўзининг ҳожатини аритади. Ким бир мўминнинг дунё ғамларидан бир ғамини аритса, Аллоҳ унинг Қиёмат кунидаги ғамларидан бир ғамини аритади. Ким бир мусулмонни(нг айбларини) беркитса, Аллоҳ дунё ва охиратда уни(нг айбларини) беркитади.»,- Муттафақун алайҳ

13-савол: Ҳаё ҳулқининг турларини айтиб беринг!

Жавоб:

1:Аллоҳ таолодан ҳаё қилиш, у зотга осийлик қилмаслик ила бўлади.

2:Инсонлардан ҳаё қилиш: ёмон-фаҳш сўзларни айтмаслик ва уларни авратларини очмаслик кабилар билан бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Иймон етмиш нечта ёки олтмиш нечта шуъбадан иборатдир. Унинг энг афзали «Лаа илааҳа иллаллоҳ» демоқ ва энг кичиги йўлдаги озор берадиган нарсани олиб ташлаш. Ҳаё иймоннинг шуъбасидир», - дедилар. Муслим ривояти

14-савол: Раҳмдилликнинг қўринишларини айтиб беринг!

Жавоб:

- Катта ёшдаги инсонларга раҳм қилиш ва уларни улуғлаш.
- Чақалоқ ва ёш болаларга раҳм қилиш.
- Фақир, мискин ва муҳтоҷларга раҳм қилиш.
- Ҳайвонларни едириб, ичириб ва озор бермай раҳм қилиш.

Бу нарсаларга далил, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўйидаги ҳадисларига боқинг: «Мўминларнинг ўзаро дўстликлари, раҳм қилишлари ва меҳр кўрсатишлари худди бир жасадга ўхшайди. Ундаги бир аъзо хаста бўлса, жасаднинг қолгани унга қўшилиб бедор бўлади ва иситмалайди», - дедилар. Муттафақун алайҳ. Ва яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Раҳмлиларга Аллоҳ таоло раҳм қиласди. Ердагиларга раҳм қилинг. Сизга осмондаги Зот раҳм қиласди», - деганлар. Абу Довуд ва Термизий ривояти

15-савол: Мұхаббатнинг қандай турлари бор?

Жавоб: Аллоҳ таолога бўлган мұхаббат.

Аллоҳ таоло айтади:

وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُ حُبًا لِّلَّهِ ﴿١٦٥﴾ [البقرة: 165]

«Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган мұхаббатлари қаттиқроқдир» [Бақара сураси: 165].

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ни яхши кўришлик.

У киши айтадиларки: «Нафсим унинг қўлида бўлган зотга қасамки, Мен сизларга отасидан ҳам, боласидан ҳам суюклироқ бўлмагунимча, сизлардан бирортангиз ҳақиқий мўмин бўла олмайсизлар», - Бухорий ривояти

Мўминларни яхши кўриш, ўзига нимани яхши кўрса, мўминларга ҳам шу нарсани яхши кўришлик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан биронтангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича мўмин бўлмайди», - дедилар. Бухорий ривояти

16-савол: Хушмуомалалик ҳақида айтиб беринг!

Жавоб: Инсоннинг юзида табассум ва лутф ёрқин бўлиб туриши ва учрашган вақтда хурсанд холда учрашишлик.

Яъни инсонлар кўрганда қочадиган қовоғи солиқ инсоннинг тескариси.

Хушмуомалалик ҳақида ҳар хил ҳадислар келган. Абу Зарр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Яхши ишларнинг бирортасини пас санама, ҳаттоқи биродарингга табассум ила учарашибни (ҳам пас санама)», - дедилар. Муслим ривояти Ва яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биродарингнинг юзига табассум қилишинг ҳам садақадир», - деганлар. Термизий ривояти

17-савол: Ҳасад нима?

Жавоб: Ҳасад-бировга етган неъматга рашқ билан қараш ва ўша неъматнинг ўз соҳибидан кетишини қаттиқ хоҳлашдир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ شَرِّ حَاسِدٌ إِذَا حَسَدَ﴾ [الفلق: 5]

«Ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан (паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман)» [Фалақ сураси: 5].

Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингизни ёмон кўрманглар, орқангизни ўгириб (юз кўрмас бўлиб) кетманглар. Аллоҳнинг (бир-бирига) биродар бандалари бўлинглар!», - дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти

18-савол: Истиҳзоъ бу нима?

Жавоб: Истиҳзоъ – бошқа бир мусулмон биродарининг устидан қулиш ва обрўсини тўкишдир. Ва бу нарса мумкин эмас.

Аллоҳ таоло бу нарсадан қайтариб, шундай деб марҳамат қиласди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا يَسْخَرْ قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ عَسَى أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُمْ وَلَا نِسَاءٌ مِّنْ
نِسَاءٍ عَسَى أَنْ يَكُونُوا خَيْرًا مِّنْهُنَّ وَلَا تَلْمِزُوا أَنفُسَكُمْ وَلَا تَنَابُرُوا بِالْأَلْقَبِ بِئْسَ الْأُسُمُّ
الْفُسُوقُ بَعْدَ الْإِيمَانِ وَمَنْ لَمْ يَتَبَّعْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴾ [الحجرات: 11]

«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасин), эҳтимол улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар ўзлари золимлардир» [Хужурот сураси: 11].

19-савол: Тавозеълилик бу нима?

Жавоб: Ўзини бошқалардан баланд қўймаслик, бошқаларни камситмаслик ва ҳақни рад қилмаслиkdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَعَبَادُ الرَّحْمَنِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هُوَنَا وَإِذَا حَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا ﴾ [الفرقان: 63]

«Раҳмоннинг бандалари ер юзида тавозуъ ила юрадиганлардир» [Фурқон сураси: 63].

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳ учун ўзини тавозеъ тутса Аллоҳ унинг обрўсини қўтариб кўяди», - дедилар. Муслим ривояти Ва яна айтадиларки: «Аллоҳ менга сизларнинг биринглар бошқасининг устидан фахрланмаслиги ва жабр қилмаслиги учун тавозеъли бўлишга буюришимни ваҳий қилди», - Муслим ривояти

20-савол: Ҳаром кибрнинг турлари қайсилар?

Жавоб:

- 1: Ҳақнинг устидан кибр қилиш, яъни ҳақни рад қилиб қабул қилмаслик.
- 2: Инсонларга нисбатан кибр қилиш, камситиш ва обрўсини ерга уриш каби ишлар ила бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қалбида зарра оғирлигига кибри бор киши жаннатга кирмайди», - дедилар. «Эй Аллоҳнинг расули! Киши кийими гўзал бўлишини, пойафзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» - деди бир одам. «Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севадир. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», - дедилар. Муслим ривояти

- Ҳақни рад қилиш.
- Инсонларни паст санаш.

– Яхши кийим ва оёқ кийим кийиш кибранд эмас.

21-савол: Ҳаром бўлган муттаҳамликнинг баъзи турларини айтиб беринг!

Жавоб:

– Олди-соттида матонинг айбини яшириб алдашлик.

– Илм олишда муттаҳамлик қилишлик. Масалан, талабалар имтиҳонга киргандаги турли хил ёлғонлари ёки беркитиб, бир-биридан кўчириш кабилар.

– Гаплашаётгандаги муттаҳамлик. Масалан, ёлғон гувоҳлик бериш, алдаш кабилар.

– Гапирганига ва инсонлар билан тузган иттифоқига вафо қилмаслик.

Муттаҳамликдан қайтаришга далолат қилган ҳадислардан: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам савдогарнинг қопда турган молига қўлларини ботириб кўрдилар. Қарасалар, қўллари ҳўл бўлди. (усти қуруқ... Қопдаги молнинг таги ёмон, усти чиройли қилиб қўйилган) Шунда: «Эй мол эгаси, бу нима?», – дедилар. Шунда: «Эй Расулуллоҳ, ёмғир тегиб қолди», – деди. «Одамлар кўриши учун устига чиқариб қўймайсанми?! Ким бизни алдаса биздан эмас», – дедилар. Муслим ривояти

22-савол: Ғийбат нима?

Жаоб: Биродарингизни ўзи ёмон кўрган нарса билан, уни йўқлигида зикр қилишингиз.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءاْمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِلَّمْ وَلَا يَعْتَبِرُ
بَعْضُكُمْ بَعْضًا أَيُّحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلْ لَحْمَ أَخِيهِ مَيَتًا فَكَرِهُتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَابٌ﴾

[الحجرات: 12] رَحْمَةً ﴿١٢﴾

«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилманглар. Сизлардан бирорталарингиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши қўрадими? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлидир» [Хужурот сураси: 12].

23-савол: Ҷақимчилик бу нима?

Жавоб: Одамлар орасини бузиш учун гап ташишлиқ.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг орасини бузиш учун гап ташувчи одам жаннатга кирмайди», - дедилар. Муслим ривояти

24-савол: Дангасалик бу нима?

Жавоб: Яхши ишларни ва ўзининг устидаги вожиб ишларни қилишда эринишлик.

Улардан: фарз-вожиб амалларни қилишдаги дангасалик.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الْمُنَافِقِينَ يُحَدِّدُونَ اللَّهَ وَهُوَ خَدِيعُهُمْ وَإِذَا قَامُوا إِلَى الصَّلَاةِ قَامُوا كُسَالَىٰ يُرَاءُونَ
النَّاسَ وَلَا يَدْكُرُونَ اللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا﴾ [النساء: 142]

«Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўларлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Агар намозга турсалар, дангасалик билан, хўжакўрсинга туаррлар ва Аллоҳни камдан кам зикр қиласларлар» [Нисо сураси: 142].

Мўмин дангасаликни, ланжликни, бўшашганликни ташлаб, бу дунёда Аллоҳни рози қиладиган амалларга ҳаракат қилиб бел боғлаши керак бўлади.

25-савол: Ғазабнинг турларини айтиб беринг!

Жавоб:

1: Мақталингандан ғазаб: Бу Аллоҳ учун бўлади. Масалан, кофир ёки мунофиқлар, ёки бошқалар Аллоҳ ҳаром қилган ишни қилсалар.

2: Қоралангандан ғазаб: Бундай ғазаб, инсоннинг айтиши ва қилиши мумкин бўлмаган ишларни қилдиради ва айттиради.

Қоралангандан ғазабнинг муолажаси:

- Таҳорат.
- Турган бўлса, ўтиришлик, ўтирган бўлса ётишлиқ.

Ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ғазабланма», - деган васиятларига қулоқ тутишлиқ.

- Ғазабланган вақтда нафсни жиловлашлик.
- Аллоҳ таолодан рожим бўлган шайтондан паноҳ сўрашлиқ.
- Сукут қилмоқ.

26-саво: Жосуслик бу нима?

Жавоб: Инсонларнинг авратларини ва беркитган барча нарсаларини очиш, фош қилишлик.

Ҳаром бўлган турларидан:

Инсонларнинг уйларилаги авратларига интилишлик ва боқишлик.

—Бошқа одамларнинг гапини яширинча эшитиш.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَا تَجْسِسُوا﴾ [الحجرات: 12]

«Жосуслик қилманглар...» [Хужурот сураси: 12].

27-савол: Исроф, баҳиллик ва сахийлик-булар нима?

Жавоб: Исроф: молни нотўғри йўлга ишлатишидир.

Унинг акси баҳиллик: У ҳақдан молни тийишлиқдир.

Саҳиҳ-тўғри нарса эса, мусулмон, у икқаласининг ўртасида сахий бўлиши керакдир

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسِرِّفُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ فَوَامًا﴾ [الفرقان: 67]

«Улар инфоқ қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар» [Фурқон сураси: 67].

28-савол: Құрқоқлик нима ва шижаат нима?

Жавоб: Құрқоқлик- құрқаслик керак бўлган нарсалардан қўрқишилик.

Мисол учун ҳақ сўзни айтишлиқдан ёки мункар ишни қайтаришдан қўрқишилик.

Шижаат: бу- ҳақиқатга қараб интилишлик. Бунга ислом ва мусулмонларни ҳимоя қилишилик учун жиҳод майдонларига шошилишлик яққол мисол бўла олади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида шундай деб айтадилар: «Эй Аллоҳим, мен сендан қўрқоқлиқдан паноҳ беришингни сўрайман». Ва яна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Кучли мўъмин заиф мўъминга қараганда Аллоҳга суюклироқдир ва иккаласида ҳам яхшилик бордир», - Муслим ривояти

29-савол: Ҳаром саналган сўзлар қайсилар?

Жавоб: Лаънат айтиш ва бирорни ҳақорат қилиш.

Мисол учун бирор бир кимсани "ҳайвон" деб айтишилик ҳам шу жумладан.

Ёки аврат саналган жойларни ва фаҳш сўзларни ишлатишилик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буларнинг барчасидан тийдилар ва айтдилар: «Мўмин киши

ҳақоратловчи ҳам, лаънатловчи ҳам, тили хунук ҳам, беадаб ҳам бўлмайди». Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти

30-савол: Мусулмон кишининг чиройли хулқланишига ёрдам берадиган омиллар қайсилар?

Жавоб:

- 1: Аллоҳ таолодан чиройли хулқ беришини сўраб дуо қилмоқлик.
- 2: Аллоҳ таоло доимо кузатиб туришлигини ҳис қилиш.
- 3: Чиройли хулқнинг савобини ва у сабабли жаннатга кириш мумкин эканлигини эсламоқ.
- 4: Ёмон хулқнинг гуноҳ экани ва дўзахга олиб кириши мумкин эканлигини унутмаслик.
- 5: Чиройли хулқ Аллоҳ таоло ва бандаларнинг шу кишига бўлган муҳаббатини оширишлигини ва акси эса Аллоҳ ва одамларнинг ёмон кўришига олиб келишини эслаш.
- 6: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини ўқиш ва унга эргашиш.
- 7: Яхши дўстлар билан бирга бўлиб, ахлоқсиз инсонлардан йироқ бўлиш.

Зикр ва дуолар қисми

1-савол: Зикрнинг фазилати қандай?

Жавоб: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Роббисини зикр қилган инсон билан зикр қилмаган инсоннинг мисоли худди ўлик ва тирик инсоннинг мисоли кабидир», - Бухорий ривояти

Чунки инсон ҳаётининг қиймати Роббисини зикр қилиши миқдорича бўлади.

2-савол: Зикрнинг қандай фойдаси бор?

Жавоб:

- 1: Аллоҳ таолони рози қиласи.
- 2: Шайтонни узоқ қиласи.
- 3: Мусулмон кишини ёмонликлардан сақлайди.
- 4: Зикр орқали кўплаган савоб ва ажрлар келади.

3-савол: Энг афзал зикр қайси?

Жавоб: «**Ла** илаҳа иллаллоҳ» калимаси. Термизий ва Ибн Можа ривояти

4-савол: Үйқудан турганимизда нима деб зикр қиласыз?

Үқилиши: «Алҳамду лиллаҳиллазии аҳъаанаа баъда маа амаатанаа ва илайхин нушуур». Маъноси: «Бизга ўлдиргандан сүнг (яна) ҳаёт берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш унгадир!», -деб айтамиз. Муттафақун алайҳи

5-савол: Кийим кийганда ўқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Үқилиши: «Алҳамду лиллаҳиллазий касааний хаазаа ва розаконийҳи мин ғойри хавлин минний ва лаа қувваҳ». Маъноси: «Менга бу кийимни мендан ҳеч қандай куч ва ҳаракатсиз кийгизган Аллоҳ таолога ҳамдалар бўлсин». Абу Довуд, Термизий ва бошқалар ривояти

6-савол: Кийимни ечганда ўқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Бисмиллаҳ, Термизий ривояти

7-савол: Янги кийим кийганда айтиладиган дуо қайси?

Жавоб: Үқилиши: «Аллоҳумма, лакал-ҳамду анта касавманийх. Асалука мин хойриҳии ва хойри маа суниъа лаҳ. Ва аъзузу бика мин шарриҳии ва шарри маа суниъа лах». Маъноси: «Эй Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлсин! Сен буни менга

кийгиздинг. Мен Сендан унинг ва унда қилинган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Унинг ва унда қилинган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман». Абу Довуд ва Термизий ривояти

8-савол: Янги кийим кийган кишига айтиладиган дуо қайси?

Жавоб: Агар бошқа инсоннинг янги кийим олганини кўрсак, унга дуо қилиб шундай деймиз: Ўқилиши: «Тублий ва юхлифуллоҳу таъаалаа». Маъноси: «Эскиртиб – тўзитгин, Аллоҳ таоло ўрнини тўлдирсин». Абу Довуд ривояти

9-савол: Ҳало (ҳожатхона)дан чиқилаётганда ўқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Бисмиллаҳ. Аллоҳумма, инний аъуузу бика минал-хубси вал-хобааис». Маъноси: «Аллоҳим! Албатта, мен Сендан эркак ва урғочи жинлардан паноҳ беришингни сўрайман». Муттрафақун алайҳ

10-савол: Ҳало (ҳожатхона)дан чиқилаётганда ўқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Ғуфроонака». Маъноси: «Мағфират этгин». Абу Довуд ва Термизий ривояти

11-савол: Таҳорат олишдан олдин айтиладиган зикр қайси?

Жавоб: «Бисмиллах». Абу Довуд ва бошқалар ривояти

12-савол: Таҳоратдан сүнг айтиладиган зикр қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ, вахдахуу лаа шарийка лахуу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан ъабдухуу ва росуулух». Маъноси: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У шериксиздир. Гувоҳлик бераманки, Мұҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг кули ва Расулидир». Муслим ривояти

13-савол: Манзил-уйдан чиқиша үқиладиган зикр қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Бисмиллаҳ, таваккалту ъалаллоҳ, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах». Маъноси: «Бисмиллаҳ, Аллоҳга таваккал қилдим. Куч ва қувват ёлғиз Аллоҳдадир». Абу Довуд ва Термизий ривояти

14-савол: Манзил-уйга киришда айтиладиган зикр қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Бисмиллаҳи валажнаа ва бисмиллаҳи хорожнаа ва ъалаа Роббинаа таваккалнаа». Маъноси: «Аллоҳ

номи билан кирдик ва Аллоҳ номи билан чиқдик ва Роббимизга таваккул этдик». Абу Довуд ривояти

15-савол: Масжидга киришда үқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Аллоҳуммаftах лий абааба роҳматик».

Маъноси: «Аллоҳим! Менга раҳмат эшикларингни очгин».

16-савол: Масжиддан чиқиша үқиладиган дуо қайси?

Жавоб: Ўқилиши: «Аллоҳумма, инний асалука мин фазлик». Маъноси: «Аллоҳим! Мен Сенинг фазлумарҳаматингдан сўрайман».

17-савол: Аzon зикрлари қайсилар?

Жавоб: «Ҳайя алас-солат» ва «Ҳайя алал-фалаҳ»дан бошқаларида муаззин сўзи қайтарилади. «Ҳайя алас-солат» ва «Ҳайя алал-фалаҳ» дейилганда (азон эшитгувчи) «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ», - деб айтади. Муттафақун алайҳ

18-савол: Muazziniga жавоб бергач (яъни, унинг айтганларини такрорлаб бўлгач) нима қиласди?

Жавоб: Набий саллаллоҳу алайҳи ва салламга салот-дуо айтади. Муслим ривояти Ўқилиши: «Аллоҳумма, Робба ҳаазихид- даъватит-тааммах, вас-солатил- кооимах, аати

Муҳаммаданил-васийлама вал-фазийлах, вабъасху мақооман маҳмууданил-лазий ваъадтаҳ, (иннака лаа тухлифул-мийъаад). Маъноси: «Ушбу комил даъватнинг ҳозир бўлган-қоим намознинг Парвардигори бўлган эй Аллоҳ! Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга васила(киёматда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо-сўровлари билан ҳисоб бошланади) ва фазила ато этгин. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтovли мақомга чиқаргин.[Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмайсан]. Бухорий ривояти

Аzon билан иқомат оралиғидаги вақтда ўзи учун дуо қилади. Бу вақтда (қилинган) дуо қайтарилмайди (мақбулдир).

19-савол: Эрталаб ва кечқурун айтиладиган зикрлар қайсилар?

Жавоб:

1: Оят-ал-Курсийни ўқииди:

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُومُ لَا تَأْخُذُهُ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ
مَنْ ذَا أَذْنِي يَشْفَعُ عِنْدَهُ إِلَّا بِإِذْنِهِ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيْءٍ مِنْ
عِلْمِهِ إِلَّا بِمَا شَاءَ وَسَعَ كُرْسِيُّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَلَا يَعْوُدُهُ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ﴾ [٢٥٥]

[البقرة: 255]

«Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У тирик ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уницидир. Унинг хузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг олдиларидағи нарсаны ҳам, ортларидаги нарсаны ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсаны ихота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, холос. Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларни муҳофаза қилиш уни чарчатмас. Ва У Олий ва Азим (Буюқ) зотдир» [Бақара сураси: 255].

2- Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм:

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ ﴿١﴾ اللَّهُ الصَّمَدُ ﴿٢﴾ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُوْلَدْ ﴿٣﴾ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ﴾

[الإخلاص: 4-1]

«1. (Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом), айтинг: «У — Аллоҳ Бирдир. (Яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). 2. Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) күзлангувчидир (яъни, барча ҳожатлар Ундан сүралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). 3. У туғмаган ва туғилмагандир (яъни, Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий Зотдир). 4. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир».» [Ал-Икхлас : 1-4]

бўлмаган Бу сурани уч марта ўқииди.

3- Бисмиллахир роҳманир роҳийм:

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنْ شَرِّ
الْعُقَدِ ﴿٣﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ﴾ [الفلق: 1-5]

«1. (Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом), айтинг: «Мен тонг Парвардигоридан (менга) паноқ беришини сүраб илтижо қилурман; 2. Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; 3. Зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан; 4. Тугунларга дам солгувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан; 5. Ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан (паноқ беришини сүраб илтижо қилурман)».» [Ал-Фалақ : 1-5]

Бу сурани уч марта ўқииди.

4- Бисмиллахир роҳманир роҳийм:

﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ إِلَهِ النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ
الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ يُوَسْوِسُ فِي صُدُورِ النَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾﴾ [الناس: 1-6]

«1. (Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом), айтинг: «Мен барча инсонларнинг Парвардигоридан, 2. Барча инсонларнинг Подшоҳидан, 3. Барча инсонларнинг Илоҳидан (менга) Ўзи 4. (Қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) яшириниб оладиган васвасачи (шайтон)нинг ёмонлигидан паноқ беришини сүраб илтижо қилурманки, 5. У инсонларнинг дилларига васваса соладиган, 6. Жин ва инсонлардан бўлган (шайтондир. Ўшанинг ёмонлигидан паноқ беришини сүраб илтижо қилурман)».» [Ал-Нас : 1-6]

Бу сурани уч марта ўқийди

5- «Аллоҳумма, анта Роббий. Лаа илааҳа илла ант. Холақтаний ва ана ъабдука ва ана ъалаа ъаҳдиқа ва ваъдиқа мас-мастатоът. Аъузу бика мин шарри маа сонаът. Абуу 'у лака би-неъматика ъалайя ва абуу 'у би- занбий. Фағfir лий фа иннахуу лаа яғғируз-зунууба иллаа ант». Таржимаси: «Аллоҳ! Сен Роббимсан ва Сендан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. Мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг (алмийсоқда олган) аҳд-паймонинг ва (Пайғамбаринг тилида берган; ширк келтирмаган бандангни жаннатга киритиш) ваъданг (га эришиш)да (қўлимдан келганича тиришиб) турибман. Ўзим қилган нарсалар ёмонлигидан Сендан паноҳ бершингни тилайман. Сенинг менга берган неъматларингни ҳам, қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Мени мағфират эт. Албатта, фақат Сенгина гуноҳларни кечирувчисан». Бухорий ривояти

20-савол: Уйқудан олдин нима деймиз?

Жавоб: «Бисмкаллооҳумма амууту ва аҳъаа». Таржимаси: «Аллоҳ! Сенинг исминг билан ўлиб, Сенинг исминг билан яшайман (тирик бўламан)». Муттафақун алайҳ

21-савол: Овқат ейишдан олдин нима деймиз?

Жавоб: «Бисмиллаҳ».

Агар бошида айтишни эсдан чиқарсак:
«Бисмиллахи фии аввалихи ва аахирихи», - деймиз. Абу
Довуд ва Термизий ривояти

22-савол: Овқат еб битгач нима деймиз?

Жавоб: «Алхамдулиллаҳил-лазий атъаманий ҳаазаа ва
розақонийҳи мин ғоири ҳавлин минний ва лаа қувваҳ»
Таржимаси: «Мен томондан ҳеч қандай ҳаракат ва қувватсиз
менга бу таомни едирган ва шу билан ризқлантирган
Аллоҳга ҳамдлар бўлсин». Абу Довуд, Ибн Можа ва бошқалар
ривояти

23-савол: Тоам эгасига мөҳмон нима деб дуо қилади?

Жавоб: «Аллоҳумма баарик лаҳум фиимаа розақтаҳум,
вағфирлаҳум варҳамхум». Таржимаси: «Аллоҳим уларга
берган ризқингда уларга барака бергин, уларни мағфират ва
раҳм қилгин». Муслим ривояти

24-савол: Акса берса, инсон нима дейди?

Жавоб: «Алхамдулиллаҳ».

Биродари ёки дўсти «Ярҳамукаллоҳ», - десин.

Агар шундай дейдиган бўлса: «**Яҳдийқумуллоҳ ва йўслиху баалакум**»,- десин. Бухорий ривояти

25-савол: Мажлис тугагач, туришдан олдин нима дейди? Мажлиснинг каффорот дуоси қайси?

Жавоб: «Субханакаллоҳумма ва бихамdiқ, ашҳаду алла илаҳa илла анта, астағфирука ва атубу илайк». Таржимаси: «(Роббим, Сен барча айбу нуқсондан покдирсан. Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳлар айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳеч бир барҳақ маъбуд йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавбалар қиласман». Абу Довуд, Тирмизий ва бошқалар ривояти

26-савол: Маркабга миниш дуоси қайси?

Жавоб: «Бисмиллаҳ , ва-алҳамдуиллаҳ (субаҳаналлази саххоро лана ҳаза ва ма кунна-лаҳу муқринин. Ва инна ила роббина ламунколибун) алҳамдуиллаҳ, алҳамдуиллаҳ, алҳамдуиллаҳ, Аллоҳу акбар , Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Субаҳанакаллоҳумма инни золамту нафси фагfirli фа-иннаҳу ла йағfirу-аз-зунуба илла ант». Абу Довуд ва Термизий ривояти

27-савол: Сафар дуоси қайси?

«Аллоху акбар, Аллоху акбар, Аллохху акбар
(Субҳаналлази саххоро лана ҳаза ва ма кунна лаҳуу
муқринин. Ва инна илаа роббина ламун-қолибуун)
Аллоҳумма инна насьалука фи сафариңа ҳаза ал-бирро
ваттақва ва минальъамал ма тардо, Аллуҳумма хаввин
ъалайна сафарона ҳаза. Ватви ъанна буъдаҳ. Аллоҳумма
антассоҳибу фиссафар валхолифату фил аҳл. Аллоҳумма
инни аъзуу бика мин вაъсаиссафар ва қаъабатил манзор ва
су'ио мунқолаби филмаали вал'аҳл». Таржимаси: «Аллоҳ
буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир!
«Бизларга бу (кема, сайёра ёки от-улов)ни бўйсундириб
кўйган Зот (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир.
Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак-шубҳасиз бизлар
(барчамиз) Парвардигоримизга қайтувчи дирмиз». (Зухруф:
13). «Аллоҳим! Бизлар Сендан ушбу сафаримизда тоат-
ибодатларни, тақвони ва сен рози бўладиган амалларни
сўраймиз. Роббим! Сафардаги йўлдош ҳам, хонадонда
ўринбосар-халифа ҳам Ўзингдирсан! Аллоҳим! Мен Сендан
сафар мاشаққатларидан, қайғули-ёмон нарсалар
(кўринишлар) дан ҳамда мол-мулк ва оиласа етадиган зиён-
заҳматдан паноҳ беришингни сўрайман».

Сафардан қайтганида ҳам юқоридагиларни такрорлайди
ва қуйидагиларни қўшимча қиласди:

«(Биз) қайтувчилар, тавба қилувчилар, ибодат этувчилар ва Парвардигоримизга ҳамд айтувчилармиз» Муслим ривояти

28-савол: Мусоғир Муқимга нима деб дуо қилади?

Жавоб: «Аставдиъукумуллоҳиллази лаа тадийъу вада'иъух» Таржимаси: «Сизларни омонати (ҳеч вақт) зое бўлмайдиган Аллоҳга топширдим». Ахмад ва Ибн Можа ривояти

29-савол: Муқим мусоғирга нима деб дуо қилади?

Жавоб: Ўқилиши: «Аставдиъуллоҳа диннака ва амаанатака ва ховаатиима аъмаалик» Таржимаси: «Динингизни, омонатингизни ва амалингизнинг хотималарини (охирини) Аллоҳга топширдим» Ахмад ва Термизий ривояти

30-савол: Бозорга кириш дуоси қайси?

Жавоб: «Лаа илааҳа иллаллоҳу вахдаҳу лаа шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, йуҳийи ва йумийт ва хува ҳаййул лаа йамуут, бийадиҳил хойр ва хува ъалаа қулли шайъин қодийр». Таржимаси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. Аллоҳнинг шериги йўқдир, барча мулк Уницидир, мақтовлар Унгадир, У тирилтиради ва ўлдиради, аммо йишикидир, ўлмайди. Яхшилик Унинг ихтиёридадир

ва У ҳамма нарсага қодирдир». Термизий ва Ибн Можа ривояти

31-савол: Ғазабланганда айтиладиган дуо қайси?

Жавоб: «Аъузу биллаҳи минашшайтоониррожийм»
Муттафақун алайх

32-савол: Сизга яхшилик қилған кишига нима дейсиз?

Жавоб: «Жазаакаллоху хойрон». Термизий ривояти

33-савол: Минилған нарсага бир ёмонлик етса нима деймиз?

Жавоб: «Бисмиллах» Абу Довуд ривояти

34-савол: Сизни хурсанд қиладиган нарса рўй берса нима дейсиз?

Жавоб: «Алҳамдуиллаҳиллази биниъматиҳи тутиммуссоолиҳаат» Таржимаси: «Солиҳ амаллар ўзининг неъмати билан тамомига етадиган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин». Хоким ва бошқалар ривояти

35-савол: Ёмон кўрадиган нарсангиз рўй берса нима қиласиз?

Жавоб: «Алҳамдуиллаҳи ъалаа кулли ҳаал» Таржимаси: «Барча ҳолатларда Аллоҳга ҳамдлар бўлсин» Соҳиҳ Ал-Жаамиъ

36-савол: Салом бериш ва алик олиш кайфияти қандай?

Жавоб: Мусулмон: «Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокаатух», - дейди.

Ва биродари унга: «Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокаатух», - дейди. Термизий, Абу Довуд ва бошқалар ривояти

37-савол: Ёмғир ёққанда қайси дуо айтилади?

Жавоб: «Аллоҳумма сойибан наафиъа». Таржимаси: «Аллоҳим бу ёмғирни фойдали қилгин». Бухорий ривояти

38-савол: Ёмғир ёққандан кейин айтиладиган дуо қайси?

Жавоб: «Мутирна бифазиллаҳи ва роҳматиҳи»
Таржимаси: «Аллоҳни фазилати ва раҳмати ила ёмғир ёғди». Бухорий ва Муслим ривояти

39-савол: Шамол дуосини зикр қилинг!

Жавоб: «Аллоҳумма, инний ас'алука хойроҳаа ва аъуузу бика мин шарриҳаа» Таржимаси: «Аллоҳим! Мен Сендан шамолнинг хайри-яхшилигини сўрайман. Унинг ёмонлигидан паноҳ тилайман». Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти

40-савол: Момақалдироқ бўлганда нима деб дуо қилинади?

Жавоб: «Субҳааналлазий юсаббиҳурроъд биҳамдиҳи валмалаа'икати мин ҳийфаатих» Таржимаси: «Момақалдироқ ҳамду-сано билан тасбех айтадиган, малоикалар ҳам Унга қўрқянларидан тасбех айтадиган Зот барча айбу нуқсонлардан покдир». Муваттоъ Молик

41-савол: Балоланганди кишини кўрганда нима деб дуо қилинади?

Жавоб: «Алҳамдулиллаҳиллазий ъафаний миммабталаака биҳи, ва фаззоланий ъалаа касийрин мимман холақо тафзийлаа» Таржимаси: «Сени балолаган нарсадан мени саломат қилган ва яратганларининг аксаридан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин». Термизий ривояти

42-савол: Бирортага ўзини кўзи тегиб қолишидан қўрқсан киши нима деб дуо қилади?

Жавоб: Ҳадисда: «Агар инсон ўзидан ёки биродаридан бир яхши нарсани кўрса, унга барака тилаб дуо қилсин. Албатта, кўз тегиши ҳақдир». Аҳмад, Ибн Можа ва бошқалар ривояти

43-савол: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга қандай саловат айтамиз?

Жавоб: «Аллоҳумма солли ъала Мұхаммадин ва ъала али Мұхаммад, кама соллайта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма баарик ъала Мұхаммадин ва ъала аали Мұхаммад, кама баарокта ъала Иброҳийма ва ъала али Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд». Муттрафақун алайҳ

Манъ қилинган нарсалар қисми

1-савол: Бешта инсон таклиф қилинган ҳукмлар қайсилар?

Жавоб:

- 1:Вожиб.
- 2:Мустахаб.
- 3:Мұхароом.
- 4:Макрух.
- 5:Мубох.

2-савол: Бу беш ақомни зикр қилинг!

Жавоб:

1: Вожиб: Беш маҳал намоз, рамазон рўзаси ва ота-онага яхшилик қилишлик шу ҳукм жумласидан.

Вожиб амални қилган одам савобга эга бўлади, уни қилмаган киши эса қиёматда ёки дунёда жазога тортилади.

2: Мустаҳаб - бун ҳукмга равотиб суннатлар, таҳажҷуд намозлари, мискинларни таомлантириш ва саломни ёйиш каби амаллар мисол бўла олади.

Мустаҳаб амални қилган одам савоб олади, уни тарк қилган киши эса гуноҳкор бўлмайди.

Мулоҳаза:

Мусулмон киши бир амалнинг ҳукмини эшитгандан сўнг у суннат бўлади-ми ёки мустаҳаб бўладими унга амал қилишиликка шошилмоқлиги ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмоқлиги лозим.

3:Ҳаром: Ароқ ичиш, ота онага оқ бўлиш ва қариндош уруғчилик ришталарини узишлиқ каби амаллар ҳаром бўлиб ҳисобланади.

Ҳаром ишни тарқ қилган одам савоб олади, уни қилган киши эса гуноҳкор бўлади.

4: Макруҳ: бирор бир нарсани чап қўл билан олиш ва бериш ҳамда намозда кийимни ўйнаш каби амаллар макруҳдир.

Макруҳ амални тарқ қилган инсон савобга эга бўлади уни қилган инсон эса гуноҳкор бўлмайди.

5: Мубоҳ: мева емоқлик, сув ичмоқлик шунга ўхшаш амаллар барчаси мубоҳ амаллар. Баъзи бир ўринларда жоиз, ҳалол номлари билан ҳам зикр қилинади.

Мубоҳ амални қилган одам савоб олмайди, қилмаган одам эса гуноҳкор бўлмайди.

3-савол: Савдо-сотиқдаги муомалаларнинг ҳукми нима?

Жавоб: Савдо сотиқдаги муомалаларнинг барчаси, аслида ҳалол ҳисобланади. Магар, Аллоҳ ҳаром қиласан баъзи бир муомалалар ҳаромдир.

Аллоҳ таоло айтади:

[275] ﴿ وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَجَ وَحَرَمَ الْبَرِّ بِإِنْ ﴾ [البقرة: 275]

«Аллоҳ савдони ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди»
[Бақара сураси: 275].

4-савол: Ҳаром қилинган муомалалар қайсилар?

Жавоб:

1 :Товламачилик қилмоқ. Махсулотнинг айбини яшириб сотиш ҳам товламачилик бобидандир.

»Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам савдогарнинг қопда турган молига қўлларини ботириб, кўрдилар. Қарасалар, қўллари хўл бўлди. (усти қуруқ... Қопдаги молнинг таги ёмон, усти чиройли қилиб қўйилган) Шунда: «Эй мол эгаси, бу нима?», - дедилар. Шунда: «Эй Расулуллоҳ, ёмғир тегиб қолди», - деди. «Одамлар кўриши учун устига чиқариб қўймайсанми?! Ким бизни алдаса биздан эмас», - дедилар. Муслим ривояти

1 :Рибо- бирордан бир миқдорда қарзга пул олиб, сўнгра уни зиёдаси билан қайтариб беришлик.

Белгиланган миқдордан ошган пул ёки нарса рибо бўлиб ҳисобланади.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الْرِّبَا ﴾ [البقرة: 275]

«Аллоҳ савдони ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди»
[Бақара сураси: 275].

З -Форор ва жаҳолат. Бунга мисол қилиб елиндаги сутни ёки сувда сузид юрган ов қилинмаган балиқни сотиш мисол бўла олади.

Ҳадисда келиши-ча «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғорор савдосидан қайтарганлар». Муслим ривояти

5-савол: Аллоҳ таоло сизга инъом этган неъматларини санаб беринг!

Жавоб:

1: Ислом неъмати. Аллоҳ бизни мусулмон қилди, кофир ёки мушрик қилиб қўймади.

2: Суннат неъмати. Аллоҳ бизни бидъатларга эмас, балки, суннатга эргашадиган қилиб қўйди.

3: Офият ва соғлик неъмати. Эшитамиз, кўрамиз ва юра оламиз.

4: Таом, шароб ва кийим неъмати.

Аллоҳ таолонинг бизнинг устимиздаги неъматилари санаб саноғига етмас даражада кўпdir.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِن تَعْدُوا نِعْمَةَ اللَّهِ لَا تُحْصُوهَا إِنَّ اللَّهَ لَغَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾ [النحل : 18]

«Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» [Наҳл сураси: 18].

6-савол: Неъматлар ато қилингандан сўнг бизга нима қилишлик вожиб бўлади? Неъматларнинг шукрини қандай адо этамиз?

Жавоб: Неъматлар ато этилганидан сўнг бизга бу неъматларнинг шукрини адо этиш вожиб бўлади. Инсон тилида Аллоҳга сано ва мақтовлар айтиши, унинг фазлини эътироф этиши ва бу неъматларни Аллоҳ рози бўладиган жойга сарфлаши неъматга шукр қилиши бўлиб аталади.

﴿فَإِذْ كُرُونَى أَذْكُرْكُمْ وَأُشْكُرُوا لِي وَلَا تَكُفُّرُونِ﴾ [البقرة: 152]

«Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Менга куфр келтирмангиз!» [Бақара сураси: 152].

7-савол: Мусулмонларнинг байрамлари қайсиilar?

Жавоб: Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити мусулмонларнинг байрамидир.

Ҳадисда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида Мадина аҳлида иккита байрам бўлиб у кунни нишонлар эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу икки кун ҳақида сўраганларида, мадиналиклар: «Биз жоҳилиятда шу икки кунни байрам қилиб нишонлар эдик», - дедилар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар-ки: «Аллоҳ сизларга бу икки куннинг ўрнига бошқа улардан ҳам

яхшироқ икки кунни алмаштириб берди: Қурбон ҳайити ва Рамазон ҳайити». Абу Довуд ривояти

Бу икки байрамдан бошқаси бидъатдир, нишонлаш мумкин эмас.

8-савол: Ойларнинг энг афзали қайси?

Жавоб: Рамазон ойи.

9-савол: Кунларнинг энг афзали қайси?

Жавоб: Жума куни.

10-савол: Йилда энг афзал кун қайси?

Жавоб: Арафа куни.

11-савол: Йилнинг энг афзал кечаси қайси?

Жавоб: Лайлутул қадр кечаси.

12-савол? Агар номаҳрам аёлга кўзимиз тушадиган бўлса нима қилмоқлигимиз зарур?

Жавоб: Кўзимизни тиймоқлигимиз зарур. Аллоҳ таоло айтади-ки:

﴿قُل لِّلْمُؤْمِنِينَ يَعْصُو مِنْ أَبْصَرِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ إِنَّ اللَّهَ حَسِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ﴾ [النور : 30]

«(Эй Мұхаммад алайхис-салоту вас-салом), мүмінларга айтинг, күзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) түссинлар» [Нур сураси: 30].

13-савол: Одамзотнинг душманлари кимлар?

1- Ёмонликка буюрувчи нафс- Инсон ҳавои нафси буюрган Аллоҳга исён бўлган гуноҳ ишларда итоат қилиб нафсига эргашиши орқали бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا أُبَرِّئُ نَفْسِي إِنَّ النَّفْسَ لَمَارَةٌ بِالْسُّوءِ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّي إِنَّ رَبِّي غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴾

[Йусоф: 53]

«Чунки нафс агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир» [Юсуф сураси: 53].

2- Шайтон: Шайтон инсон боласининг ашаддий душмани ҳисобланиб, уни тўғри йўлдан оғдиришни ҳамда жаҳаннам азобига гирифтор қилишни хоҳлайди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ يَأَيُّهَا النَّاسُ كُلُّوا مِعًا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَبِيبًا وَلَا تَتَبَعُوا حُطُوتَ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ

عَدُوٌ مُّبِينٌ ﴿١٦٨﴾ [البقرة: 168]

«Ва шайтоннинг изидан эргашманлар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир» [Бақара сураси: 168].

3- Ёмон ошна оғайнилар- улар яхшилиқдан қайтарувчи ва ёмонликка чақирувчидирлар. Аллоҳ таоло айтди:

﴿الْأَخِلَّاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌ إِلَّا الْمُتَّقِينَ﴾ [الرَّحْمَن: 67]

«У Кунда дўстлар бир-бирларига душмандир, магар (Аллоҳ йўлида дўстлашган) тақводор зотларгина (мангу дўстдирлар)» [Зухруф сураси: 67].

14-савол: Тавба нима?

Жавоб: Тавба- Аллоҳнинг гуноҳ-маъсиятидан унинг тоат-ибодатига қайтишлиқdir. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَإِنِّي لَغَافِرٌ لِمَن تَابَ وَعَامَنَ وَعَمِلَ صَلِحًا ثُمَّ أَهْتَدَى﴾ [طه: 82]

«Ва мен тавба қилган, ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнgra Тўғри Йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман» [Тоҳа сураси: 82].

15-савол: Ҳақиқий тавбанинг шартлари қандай?

Жавоб:

- 1: Гуноҳни тўхтатишилик.
- 2: Ўтган гуноҳларга надомат чекишилик.
- 3: Гуноҳга бошқа қайтмасликка аҳд қилишилик.
- 4: Бошқа инсонларнинг ҳақлари ёки зулм билан олиб қўйган нарсалари бўлса эгаларига қайтариб беришилик.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَّةً أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفِرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَن يَعْفُرُ

﴿الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصْرُّوا عَلَى مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ﴾ [آل عمران: 135]

«(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолойиқ гуноҳ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайdir гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳлари учун мағфират-кечирим сўрайдиган, ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, ва билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир» [Оли-Имрон сураси: 135].

16-савол: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтишликнинг маъноси нима?

Жавоб: Аллоҳ таолодан ўзининг ҳузуридаги фаришталарнинг олдида пайғамбарини мақташини сўраб, дуо қилишиликдир.

17-савол: «Субаҳаналлоҳ» калимасининг маъноси нима?

Жавоб: Бу калиманинг маъноси Аллоҳ таолони барча нуқсон ва айблардан поклашлиқдир.

18-савол: «Алҳамдулиллаҳ» сўзининг маъноси нима?

Жавоб: Бу калиманинг маъноси Аллоҳ таолога мақтov айтишлик ва уни комил сифатлар билан атاشлиқдир.

19-савол: «Аллоҳу акбар» сўзининг маъноси нима?

Жавоб: Бу калиманинг маъноси Аллоҳ таоло барча нарсалардан улуғ зот эканлигини ва барча нарсалардан буюк ва азиз эканлигини англатади.

20-савол: «Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи» калимасининг маъноси нима?

Жавоб: Маъноси, банданинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши учун Аллоҳнинг ёрдамисиз на кучи бор ва на қуввати бор деганидир.

21-савол: «Астағфируллоҳ» калимасининг маъноси нима?

Жавоб: Банданинг Роббисидан гуноҳларини кечирилишлигини ва айбларини яширишлигини сўрашидир.

Хотима

Сўзимизнинг якунида шуни айтамизки,

ота-оналар юқорида зикр қилинган саволларга берилган жавобларни фарзандлари тўғри сўз, амал ва эътиқодга эга бўлишиклари учун уларга шарҳлаб, тушунтириб бермоқликлари лозимдир. Фарзандларга тўғри тарбия бермоқ уларнинг қоринларини тўйдириш ва кийинтиришдан ҳам муҳимроқ. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قُوْمًا أَنْفَسَكُمْ وَأَهْلِيَّكُمْ نَارًا وَقُوْدُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَّيْكَةٌ
غِلَاظٌ شَدَادٌ لَا يَعْصُونَ اللَّهَ مَا أَمْرَهُمْ وَيَعْلَمُونَ مَا يُؤْمِنُونَ ﴾ [التحريم: 6]

«Эй иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» [Таҳрим сураси: 6]

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эр киши ўз оиласига раҳбардир, ва раҳбарлигидан суралади. Аёл киши эрининг уйида ва унинг фарзандларига раҳбардир ва раҳбарлигидан суралади», - дедилар. Бухорий ва Муслим ривояти

Пайғамбаримиз Мұҳаммадга, оиласига ва асҳобларининг барчасига Аллоҳ таолонинг саловат ва саломи бўлсин.

Мундарижа

Муқаддима	3
Ақида қисми	6
Фиқх қисми	31
Сийрат қисми.....	60
Тафсир қисми.....	71
Хадис қисми.....	93
Исломий одоблар қисми	105
Одоб-ахлоқлар қисми.....	123
Зикр ва дуолар қисми.....	143
Манъ қилингандар нарсалар қисми.....	160
Хотима	170